уровень хорошо утрамбованного покрытого штукатуркой пола округлого в плане помещения, имевшего в древности сводчатое перекрытие. Землянка №1 была вырыта в культурном слое предыдущего строительного периода. Свод ее был разрушен, но его остатки, сохранившиеся в западной части на высоту до 50 см от уровня пола позволяют предполагать, что перекрытие могло достигать высоты 70 см. Стенки землянки и пол сохранили штукатурку с саманом. Помещение ее в плане имело округлую форму, диаметром 200 см. Землянка располагалась под северным краем жилища №1 последнего периода. Часть его просела в землянку №1 предпоследнего периода. Помещение ее было заполнено гумусом, содержащим золу, угли, копоть и обожжённые обломки стенок печей, кости животных, фрагменты керамики и окатанные камни. Сооружение не выглядит жилым, имеет небольшие размеры, слишком заглублено и имело не высокое сводчатое перекрытие. Возможно, что обнаруженные остатки землянки имели хозяйственное назначение. Конструкция, пропорции и размеры землянки №1 похожи на конструкцию погребальных сооружений катакомбного типа. Однако остатков погребения в ней найдено не было (рис. 7).

Между квадратами 1А и 0А расчищены остатки округлой в плане цистерны цилиндрической формы, возведенной из желтой глины. Стенки его сохранили ремонтную кладку, произведенную выпукло-вогнутым «гуваля» из глины зеленого цвета. Внутренний диаметр цистерны составил 60 см, внешний – 100 см. Ее выявленная высота составила 70 см. Западная его половина располагается за пределами раскопа (рис. 7). Сооружение не расчищено до основания. Цистерна, вероятно предназначалась для хранения зерна. В квадрате 1Б на уровне предпоследнего периода расчищены две ямы глубиной до 20 см, заполненные золой и обожженными фрагментами печей. Установлено, что ямы, вырытые в культурном слое и предназначавшиеся для хранения продуктов питания, были оштукатурены. Ямы, использованные для мусора – не имели штукатурки.

В квадрате 6Б южнее 20 см были расчищены остатки стены, по-видимому, наземного жилища (жилище №2) округлой в плане формы, сложенной выпукло-вогнутым «гуваля» из желтой глины. Сохранился один их ряд. Расчищен юго-западный сектор помещения. Реконструируемый диаметр жилища – 5 м. Уровень пола, как и в землянке №1, сохранил слой органического тлена белого и желтого цветов, сохранившийся, по-видимому, от войлочных ковров (рис. 7).

В квадрате 7Б под уровнем «площади» был расчищен слоистый слой ядовито-зеленого цвета характерный для бадрабов толщиной 80 см. Прослойки сохранили отпечатки горизонтально лежавшего камыша. На глубине 120 см от уровня современной дневной поверхности, выявлен хорошо утопанный слоистый уровень охристого красного цвета, синхронный предпоследнему периоду существования поселения, также сохранивший отпечатки истлевшего камыша. Поверхность его расслаивается на мелкие «чешуйки», что характерно для структуры, формировавшейся под открытым небом. Уровень имел заметный уклон в южном направлении. На протяжении 200 см уклон его составил 20 см. В средней части

исследованного квадрата была расчищена канавка расширяющаяся и углубляющаяся в южном направлении. В средней части канавки была расчищена кучка небольших округлых галек диаметром от 5 до 6 см, пригодных для использования в туалете.

Комплекс керамической посуды, полученный с уровня предпоследнего периода существования поселения мало чем отличается от керамики заключительного этапа. Его также можно разделить на две основные, в количественном отношении, почти равные, группы.

Первая группа представлена фрагментами столовой посуды. Особенностью ее являются открытые формы среднего размера. Их можно разделить на несколько типов: чаши, миски, конические кубки, небольшие кувшины и горшки.

Вторая группа – это хозяйственная из фрагментов керамической посуды небольших и крупных размеров. Их можно разделить на целый ряд типов: низкие и высокие горшки, крупные горшки с шаровидным резервуаром, миниатюрные горшочки и мисочки, которые могли использовать в качестве курильниц или светильников, жаровни, крышки и горшковидные котлы с горизонтальными луновидными ручками со сливами и без них (рис. 8).




Рис.8. Комплекс керамических сосудов с уровня двора предпоследнего строительного периода

В комплексе керамических сосудов этого времени посуда с геометрическим орнаментом, выполненным черной краской по красному ангобному фону, встречается чаще, но тоже редко, фрагменты ее крупнее.

В культурных слоях предпоследнего периода обживания были найдены: «колеса», выполненные из фрагментов стенок расписных керамических сосудов, фрагмент калыба для формовки дна крупных сосудов или гончарного круга и фрагмент раковины каури.

Для определения датировки верхней границы чустского поселения большое значение имеет наконечник дротика, найденный нами в слое запустения предпоследнего периода. Наш наконечник имеет абсолютные аналогии среди наконечников, найденных на территории юго-западной России. Чустский наконечник относится к наконечникам дротиков и копий так называемого сабанчеевского типа предскифского времени. Хронологические рамки бытования наконечников дротиков и копий этого типа датируются финалом эпохи бронзы юга России. Их исследователями определены абсолютные даты их бытования, которые охватывают период XII-X вв. до н. э. (Кутимов, Тутаева, 2020. 37 – 38). Наконечники этого типа в Ферганской долине считаются импортом. По нашему мнению, предпоследний период чустского поселения можно отнести к XI вв. до н. э.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Анарбаев А.А., Баратов С.Р.* Новые археологические работы на поселении Чуст – Бибиона // ИМКУ. Вып. 42. Самаркан, 2022.
2. *Анарбаев А.А., Баратов С.Р., Насриддинов Ш., Омонов Ш., Нажмиддинов А.* Новые археологические работы на поселении Чуст-Бибиона в 2021 году // Археологические исследования в Узбекистане в 2021 году. Самарканд, 2023.
3. *Кутимов Ю.Г., Тутаева И.Ж.* Археологические комплексы степного типа и проблема абсолютной датировки чустской культуры Ферганской долины // Археологические вести. Вып. 30. СПб., 2020.
4. *Юсупов Э.С.* Словарь терминов архитектуры. СПб., 1994.

2022 ЙИЛДА АХСИКЕНТ ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Анарбаев А., Кубаев С., Насриддинов Ш., Оманов Ш.,
Артиков У., Пардаев М., Нажмиддинов А., Бекмирзаев И.


Ахсикентнинг биринчи шаҳристонида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг қадимий ва ўрта асрлар моддий тарихини очиб беришга хизмат қилувчи кўплаб архитектура қолдиқлари аниқланган. Биринчи шаҳристоннинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган VIII объектида шаҳарнинг 1,5 минг йиллик маданий қатламлари очиб ўрганилган. Ушбу шаҳарнинг муҳим тарихий аҳамияти сабаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 ноябрдаги “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида “Ахсикент” археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида” 831-сон қарори бўйича Ахсикент комплекс экспедицияси тадқиқот ишларни янада кенгайтирди (Анарбаев, Кубаев, Насриддинов, Оманов, Муродалиев, Пардаев, 2020. Б.18-27). Шаҳарнинг айнан мана шу қазилмаси биринчи бўлиб “Очиқ осмон остидаги” музейга айлантирилган (Анарбаев, 2021. 69 б).

2022 йилги дала қазув тадқиқотлари даврида “Ахсикент комплекс экспедицияси” томонидан ёдгорликнинг биринчи шаҳристонида жойлашган VIII объектидаги изланишлар давом эттирилди. Мазкур қазилмадаги тадқиқотлар 1976 йилда бошланган бўлиб, ер ости сув тизими очиб ўрганилган (Анарбаев, 2013. С. 75). 2018-2019 йилдаги тадқиқотлар давомида қазилмадаги изланишлар кенгайтирилиб, X-XII асрларга оид иккита турар жой қолдиқлари ўрганилган. 2019 йилда шунингдек қазилма шимолий томонида жойлашган 18 қазилмада ҳам изланишлар олиб борилиб, йирик монументал иншоот қолдиқлари очилган. 2022 йилда мазкур икки қазилма оралиғидаги майдонни ўрганиш ишлари бошланиб, қуйидаги вазифалар қўйилди:

1. Икки қазилма ўртасидаги меъморий иншоот қолдиқларини ўрганиш;
2. 18-қазилмада очилган монументал иншоотнинг жанубий қисмидаги қурилмаларни ўрганиш;
3. “Очиқ осмон ости” ҳудудини кенгайтириб, илк ўрта асрларга оид меъморий иншоотлар қисмигача тушиш.

Бу ерда очилган қазилманинг янги қисми шимолдан жанубга 8,5 м, ғарбдан шарққа томон 18 м. ўлчамларга эга. Қазилма ҳудуди 9х8,5 метрлик икки қазув майдонига ажратиб олинди. Иккала квадратлар ўртасида жойлашган майдон қадимда сув йўли қурилиш даврида қазилиб йўл қилинганлиги қайд этилди.

Биринчи квадрат. Қазилманинг биринчи квадратида учта қурилиш горизонти аниқланди (1-расм). Энг юқори қурилиш горизонтида турар жой деворлари синч девор шаклда қурилганлиги аниқланиб, фақатгина квадратнинг жанубий-шарқий бурчагида қулаган девор қолдиқлари учратилди, холос. У кўндалангига терилган 22 қатор пишган ғиштдан иборат бўлиб, Унинг узунлиги 130 см ва эни 28-30 см. дан иборат. Деворга ишлатилган ғиштлар 30х15х4, 29х16х4 см ўлчамларга эга.



1.расм. 8 - қазишма 1- квадрат


Умуман, юқори қурилиш горизонти қолдиқлари ўтган асрнинг 50-60- йилларида пахта майдонларига ўғит учун тупроқ олиниши жараёнида кучли бузилган. Топилмалар қурилиш қолдиқларини XII асрнинг иккинчи ярми билан даврлаштириш имконини беради.

Иккинчи қурилиш горизонти. Иккинчи қурилиш даври қазишманинг юзасидан 40-50 см чуқурликда бошланиб, биринчи квадрат ҳудудида турар жойнинг учта хонаси қолдиқлари аниқланди. Хоналар поли қўзғалмас нуктадан 1,58 м чуқурликда жойлашган. Хоналар жойлашуви жанубдан шимолга қараб рақамланди. Биринчи хонанинг шимолий-шарқий бурчагигина очилди. Хонанинг асосий қисми қазишма чегарасидан чиққанлиги учун тўлиқ ўлчамини аниқлаш имкони йўқ. Иккинчи хона, биринчи хонанинг шимолий томонида жойлашиб, ўлчамлари шимол-жануб йўналишида 3,40 метр, ғарб-шарқ йўналишида эса 5 м. Хонанинг шарқий, жанубий деворлари пахсадан қурилган бўлиб, 50 см қалинликда бўлса, шимолий девори 25 см қалинликда 30x15x4,5 см ўлчамдаги хом ғиштлардан терилган. Хонанинг деворлари ва поли сомонли лой билан бир неча мартаба сувалиб 10 см қалинликга етган. Хона полдан мунчоқ, мис узук ва тўғноғич топилди. Учинчи хона биринчи квадратнинг энг шимолида жойлашиб, узун коридор кўринишида. Коридор шарқ-ғарб йўналишида бўлиб, кенлиги 1,20 м атрофида.

Учинчи қурилиш горизонти. Учинчи қурилиш даврига оид қурилиш қолдиқлари қўзғалмас нуктадан 2 метр чуқурликда бўлиб, 2022 йилда олиб борилган изланишлар даврида биринчи квадратнинг фақатгина жанубий қисмида қайд этилди.

Бу даврга оид 31-29x15-14x4 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлардан терилган девор қисми очилди. Шунингдек хом ғиштлардан қилинган девор қисми ҳам аниқланди.

Иккинчи қазув майдони – иккинчи квадрат. Қазишманинг иккинчи квадрати сув йўли устидаги йўлдан шарқда жойлашган (2-расм).



2.расм. 8 - қазишма 2 - квадрат

Иккинчи қурилиш горизонти. Иккинчи квадратда очилган меъморий иншоот қолдиқлари иккита қурилиш горизонтида ўзгариб борганлиги қайд этилди. Бу қазиш нуктасида учинчи қурилиш даври қолдиқлари сақланиб қолмаган. Ундаги юқори қурилиш горизонтида (2-қурилиш даври) қазишма ҳудудида йирик турар жой ёки маҳобатли иншоотнинг очик айвон шаклида қурилган хўжалик хонаси очилди. Хўжалик хонасининг ғарбий девори сув йўли устидаги магистрал йўл ёнида жойлашган. Ушбу девор 44-42x23-21x7-9 см ўлчамдаги хом ғиштлардан терилган бўлиб, кенлиги 1 метр. Хўжалик хонасининг шимолий девори 27x15x3 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлардан бир қатор терилган. Деворнинг сақланган баландлиги 45 см, узунлиги эса 3,1 см.ни ташкил этади. Хонанинг полининг бир қисми ҳам сақланиб қолган. Полнинг айрим қисмларига пишиқ ғишт ётқизиб чиқилган. Хона полининг ғарбий бурчагига 5та ётқизилган пишиқ ғиштларнинг усти анча кўйган. Афтидан, бу ерда сандалга ўхшаш иситиш қурилмалари жойлаштирилган бўлиши мумкин. Полга терилган пишиқ ғиштлар 28x18x3 ўлчамда. шунингдек, полга терилган ғиштларнинг энг йириги 40x25x7 см.ни ташкил этган. Мазкур хонанинг полдан бир нечта сопол идиш бщлақлари топилди.

Хўжалик хонасининг жанубий томонини 4 та ўчоқ, битта майда тошлар билан қопланган нарса қўйиш жойи эгаллаган. Ўчоқлар баъзилари тартибсиз тартибда бўлиб, ишдан чиққандан сўнг кўмилиб, янгиси ясалган бўлиши мумкин. Ўчоқларнинг барчаси қалин кул қатлами билан қопланган бўлиб, атрофида кўп миқдорда қозон синиқлари, хайвон суяклари учрайди. Ўчоқларнинг тузилиши қуйидагича:

1-ўчоқ. Ўлчамлари 34x48 см. Ноксимон кўринишга эга.

2-ўчоқ. 55x36 см.ни ташкил этади.

3-ўчоқ. 40x 45 см ўлчамга эга бўлиб, овалсимон кўринишга эга. Унинг чуқурлиги 40 см.ни ташкил этади. Ўчоқнинг тубига иккита пишган ғишт ётқизилган.

4-ўчоқ. 115x70 см ўлчамли бўлиб, шакли овалсимон.

Токча – нарса қўйиш жойи ўлчамлари 72x51см. Овалсимон кўринишга эга. Юзаси кул қатлам билан қопланган.

Ўчоқларнинг шарқий қисмида пишиқ ғиштлар билан қопланган 75x75 см ўлчамдаги устун асоси ва ёғоч устуннинг қолдиқлари очилди. Ундан 3 м шимолда яна бир устун асоси аниқланган бўлиб, 29x14x3 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлардан терилган. Хўжалик хонасининг шарқий қисмининг бу каби тузилишидан келиб чиқиб, мазкур қисми айвон шаклда бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминга келинди.


Қазишманинг бу қисмидан аниқланган яна бир муҳим топилма бу бутун ҳолда сақланган ўчоқдир. Кузатишларимизга кўра, дастлаб чуқур қовланиб, ҳосил бўлган чуқурнинг барча томонига 4 қатор кичик хом ғиштлар ва гувалалар териб чиқилган Ўчоқнинг шакли доирасимон бўлиб, диаметри 75 см.ни ташкил этади. Оловхонанинг шарқ томонида узунлиги 60 см бўлган “оғзи” қисми мавжуд. Ўчоқга ишлатилган хом ғиштларнинг узунлиги 20 см, эни эса 6-7 см.ни ташкил этади. Хўжалик хонасининг шимолий қисми кенглиги 30 см. лик хом ғиштдан қилинган кичик ихота девори билан ажратилган. Биринчи қисми кенглиги 2.2 м бўлиб, узунлигини аниқлаш имкони йўқ. Зеро, жанубий ва шимолий қисм оралиғи кучли бузилган. Биринчи ғарбий қисм поли пишиқ ғишт билан қопланган. Пол юзасини 4 см қалинликдаги юмшоқ кул қатлам эгаллаган.

Учинчи қурилиш горизонти. Иккинчи квадратдан учинчи қурилиш даврига оид бир нечта девор қолдиқлари аниқланди. Уларнинг дастлабкиси очик айвонли иншоотнинг хўжалик хонаси поли остида жойлашган. У 4 қаторли пишиқ ғиштли девор бўлиб, бурчаклари қаердан бошланиб қаерда тугаганлиги аниқланмади. Унга 15x28x3,5 см ўлчамли ғиштлар ишлатилган. Учинчи қурилиш даврига оид яна бир девор қолдиғи хом ғиштлардан терилган бўлиб, ғарб-жануб томон йўналиш томон 220 см.ни ташкил этган. Хом ғиштларнинг ўлчами 32x15x7 см.ни ташкил этади. Мазкур топилмалар асосида ушбу квадратда иккинчи қурилиш даврида йирик ҳажмли айвонли иншоот бўлганлиги ва унинг остида қолиб кетган учинчи қурилиш даврида ҳам хом ва пишган ғиштлардан бунёд қилинган хоналар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

8-объектнинг давоми сифатда очилган мазкур қазишмадан учта қурилиш даврида бунёд этилган турар жойлар, хўжалик хоналари ва ўралари, шунингдек XI-XIII асрларга оид топилмалар аниқланди. Топилмалар орасида сопол ва шиша идишлар,

мис тангалар ва бошқа хил буюмлар ҳам кўплаб учрайди. Мазкур 8 қазилма қисми қазилманинг олдини қазилганда маълум бўлган учинчи ва тўртинчи қурилиш даврларига хронологик жиҳатдан мос келади (Анарбаев, 1988. С. 178).

Сопол мажмуалари. Қазилмалар давомида қўлга киритилган сопол мажмуалари меъморчилик қолдиқларининг хронологиясини аниқлаштиришга ёрдам беради. Қазилманинг иккинчи қурилиш даврига оид маданий қатламдан аниқланган сиртига оч сариқ фон ва тирналма сирости ўсимликсимон нақш безаклар берилган сирланган товоқ Қорахонийлар даври кулоллигида кенг тарқалган бўлиб, хронологик жиҳатдан XII асрнинг иккинчи ярмига хос деб ҳисоблашимиз мумкин (3,1-2 расм). Сопол топилмалар орасида асосан Қорахонийлар даврида кенг тарқалган “сохта триполье” типига хос қўлда ясалган, сиртига жигар ранг ангоб ёрдамида мислимий-ўсимликсимон мотив туширилган идиш парчаси ҳам топилди (3,3-расм). Мазкур идиш парчасининг бошқа қўлда ясалган безакли идишлардан фарқи шундаки, унинг сирти оч жигар ранг ангоб ёрдамида силлиқланган. Силлиқлангандан кейин тўқ жигар ранг тусда ўсимликсимон нақш берилган. Агар сақланиб қолган нақш сиртига диққат билан эътибор берсак, нақш мотивлари анча симметрик тарзда ишланган. Эътиборли томони шундаки, Фарғонанинг “сохта триполье” сопол мажмуалари нақш мотивлари Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан аниқланган қўлда ясалган сопол нақш мотивларига нисбатан бир мунча бойроқ ва бежиримроқдир. Сирланган товоқ ва қўлда ясалган безакли идишлардан ташқари бўз рангли сопол идишлар ҳам кўплаб топилди. Уларнинг сиртига тирнама ва босма (штампли) безаклар берилган (3, 4-6 расм). Қазилмалар давомида қўлга киритилган сопол идишлари Ахсикентнинг АК-18 ва АК-



3-расм. Сопол идиш бўлаклари

19 сопол мажмуаларига тааъллуқли бўлиб, уларни XII асрнинг иккинчи ярми - XIII асрнинг биринчи чораги билан даврлаштириш мумкин. Мазкур сопол мажмуалари типлари ва нақш мотивларига кўра олдинги давр сопол мажмуаларидан ўзига хос кўринишлари билан ажралиб турган. Худди ўтган даврдаги каби сирланган идишлар очик шаклда, айлана қилиб кесилган, дисксимон тагликдан иборат. Барча идишларнинг ҳар иккала томони сарғиш ва оқиш ангоб билан қопланган. Нақшлар полихром бўлиб, зайтунранг, қизил, яшил ва қора рангларда берилган. Безаклар асосан геометрик ва ўсимликсимон хусусиятга эга бўлиб, тўқима лента, айлана ичидаги содда тўр, айлана ичидаги ҳоч, айлана ичидаги ва турлича хол-хол чамбараклар шаклида туширилган. XII асрнинг охири - XIII асрнинг биринчи чорагига оид (АК-19), коса, ферузаранг ва ҳаворанг сир қопланган кошинли сополларнинг пайдо бўлиши билан характерланадиган комплексни ажратишга имкон берди. Нақшларда ўтган даврлар учун хос бўлган мавзулар давом этади (Анарбаев, 2017. Б. 56-57).

Хулоса қилиб айтганда, 8-қазишма объектининг олдин очилган сўнги қурилиш даврига оид турар-жой мажмуалари, хўжалик иншоотлари ва 18-уларнинг ўртасидан ўтган йўл 18-қазишмага қадар давом этгани маълум бўлди. Биринчи шахристоннинг ушбу қисмида, 8 ва 18 - қазишмаларидан аниқланган меъморий топилмаларининг умумий кўринишига назар солсак, ер ости сув иншоотининг юқориси йўлга айлантирилган ва шу йўлнинг ҳар иккала томонида турар жойлар ва хўжалик хоналари бунёд этилган. Йўлнинг ҳар иккала тарафи ховлилардан хом ғиштли девор билан ажратиб олинган. Сув йўли бунёд этилгач кўмиб юборилган ва йўлга айлантирилган. Ушбу йўл остида майда сопол парчалари ва кулдан иборат чиқиндилар қатламлар ҳам мавжуд. Аниқланган сопол топилмалари Қорахонийлар даври кулолчилигида кенг тарқалган анъаналар асосида тайёрланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Anarbaev A. Farg'onaning qadimgi shaharlari va ularni Markaziy Osiyo tarixida tutgan o'rnini. O'quv qo'llanma. Toshkent, 2021.*
2. *Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. Ташкент, 2013.*
3. *Анарбаев А. Фарғонанинг антик ва ўрта асрлар даври шаҳар маданияти // Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси. Тошкент, 2017.*
4. *Анарбаев А.А., Кубаев С., Насриддинов Ш., Оманов Ш., Муродалиев Р., Пардаев М. 2018-2019 йилларда Ахсикент ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. Самарқанд, 2020.*
5. *Анарбаев А.А. Ахсикент в древности и средневековье (итоги и перспективы исследования) // СА. №1. М., 1988.*

2022 ЙИЛДА ҚЎҚОН ШАҲРИ ТЕПАҚЎРҒОН ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Анарбаев А., Кубаев С.Ш., Оманов Ш.А., Пардаев М.

Қўқон шаҳрининг марказида жойлашган Тепақўрғон археологик ёдгорлигида Фарғона вилояти ҳокимлиги билан тузилган хўжалик шартномасига асосан Наманган давлат университети Археология кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази ҳамкорликда археологик қазув ишларини олиб борди. Тадқиқотлардан Қўқон шаҳрининг қадимий асоси сифатида белгиланган Тепақўрғон ёдгорлиги тарихига оид янги маълумотларни қўлга киритиш мақсад қилинди.

Тепақўрғон ёдгорлиги Қўқон шаҳрининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, ёдгорлик узоқ йиллар давомида шаҳарнинг қабристонларидан бири сифатида фойдаланиб келинган (Анарбаев, Сайфуллаев, Саидов, 2014. С. 21). Фақатгина ўтган асрнинг 70-80-йилларида бу атрофда олиб борилган қурилиш реконструкция ишлари натижасида қабристон фаолияти тўхтатилган. Аммо ёдгорлик худуди кейинги йилларда ҳам замонавий қурилиш-реконструкция ишлари таъсири остида барча томондан бузилган. Бугунда ёдгорлик худудининг 1,5 га ҳажмдаги майдони сақланиб қолган. Айни пайтда қадимги шаҳарнинг 62x62 м ўлчамдаги арки ва уни жанубдан, шарқдан ўраган шаҳристоннинг бир қисми сақланиб қолган.

Тепақўрғон ёдгорлигидаги дастлабки археологик тадқиқот ишлари 2008 йилда Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтининг “Қўқон отряди” томонидан аниқлаштирувчи кичик қазишмалари билан бошланган. Ёдгорликдаги кенг қўламдаги тадқиқот ишлари Ўзбекистон республикаси президентининг 2009 йил 15 декабрда қабул қилган “Қўқон шаҳрининг меъморий қиёфаси ва шаҳар инфраструктурасини тубдан ўзгартириш бўйича чора тадбирлар” қарорига мувофиқ Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номи Археология институти Қўқон ва унинг атрофида жойлашган Мўйи Муборак ва Тепақўрғон ёдгорликларида археологик қазишлари билан кучайди. 2009-2011 - йилги қазишмалар натижасида Қўқон шаҳрининг ўзида жойлашган Тепақўрғон ёдгорлигида ҳам археологик тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур археологик қазишмалар чоғида 4 та қазишма объектида ишлар ўтказилди. 2022 йилги қазиш мавсумида эса 4 қазишма объектида қазишма олиб борилиши билан биргаликда янги 5 қазишма объекти қўшилди.

2022 йилги қазишмалар эса Фарғона вилоятининг таклифига кўра, Наманган давлат университети Археология кафедраси ҳамда Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази қўшма экспедицияси ҳамкорликда олиб борилди.

Мазкур ёдгорликда 2008-2012-йиллардаги археологик тадқиқотлар давомида Тепақўрғоннинг арки ва шаҳристонининг сақланиб қолган қисми бўйича илмий натижалар олинган (Анарбаев, Насриддинов, Раҳимов, Саидов, Юлдашев, 2012. 7-26

б). Тепақўрғон ёдгорлиги Қўқон шаҳрининг энг қадимий асоси бўлиб, антик даврда шаклланиб илк ўрта асрларга қадар мавжуд бўлган. 2022 йилги археологик қазишма ишларидан олдин тепаликнинг энг юқори қисми аниқланиб, қўзғалмас нуқта белгилаб олинди. Шу қўзғалмас нуқталардан бошлаб маданий қатламлар белгилаб олина бошланди.

IV қазишма. Мазкур қазишма 2008-2012-йилги мавсум давомида очиб ўрганилган (Анарбаев, Саидов, Абдуллаев, Рахимов, Кубаев. С. 47-48). Жорий қазишма мавсумида у кенгайтирилди. Қазишмада Тепақўрғон ёдгорлигининг арк қисми муҳофаа девори ва унинг соқчилик буржи очиб ўрганилган (1-расм). Қазишмалардан унинг юқори қисмидан 1-3 метргача бўлган қисми қабристонга айлантирилганлиги сабаб бузиб юборилганлиги маълум бўлди. Эътиборли томони шундаки, қабристон одатий қабрларга ўхшамайди. Қабрлар орасида мусулмон одати бўйича кўмилганлари жуда кам. Уларнинг асосий қисми умумий ёки палапартиш кўмилган майитлардан иборат. Қазишмалар даврида сочилиб ётган ва палапартиш майитли умумий қабрларни тозалаш учун жуда кўп вақт сарфланди. Бундай оммавий қабрлар маданий қатламларнинг сақланишига жуда жиддий зарар етказган. Шу боис, юқори қатламлардаги архитектура қолдиқлари деярли бузилиб кетган. Шунингдек, унга кейинги даврлардаги чиқиндилар ташланган. Чиқинди қатлам айрим жойларда деярли 1 метргача етади.



1-расм. Тепақўрғон ёдгорлиги соқчилар буржи

2022-йилги археологик қазишлар даврида 2008-2012-йилги мавсумда очилган VI қазишма объектида археологик тадқиқотлар давом эттирилди. У ерда жойлашган

мудофаа деворининг бир қисми ва ундаги бурж тозаланди, юқорига томон давом эттирилди. Қазишманинг энига ва бўйига ҳам кенгайтирилиб, катта ҳажмдаги тупроқ олиб ташланди. Ушбу VI қазишма объектда 20x20 метр ўлчамдаги ҳудуд белгилаб олинди. Бу ерда дастлаб 1-1,5 м чуқурликкача тушилди. Ушбу қатлам асосан чиқинди ва оммавий қабрлардан иборат бўлганлиги боис маданий қатламлар бузиб юборилган. Шу боис, қазишма олиб боришда жуда мураккабликлар вужудга келди. Ушбу қазишмада асосан мудофаа девори ва соқчилар буржи жойлашган. Қазишманинг юқори қисми ўтган асрда бузиб юборилган ва чиқиндига тўлдирилганлиги маълум бўлди. Шунингдек кўплаб оммавий қабрлар ҳам қазилган. Шунга қарамай, мудофаа деворининг қалинлиги аниқланди. Мудофаа девори икки қаторли мудофаа чизиғидан иборат эканлиги маълум бўлди. Қўзғалмас нуқтадан 210 см пастдан бошлаб оддий турар жойларга тегишли, деб тахмин қилинган девор қолдиқлари чиқа бошлади.

2022-йилдаги қазишмада соқчилар буржининг юқори қисми ҳам тозаланди. Тозалаш давомида унга чиқинди ташланганлиги ва тартибсиз қабрлар бўлганлиги маълум бўлди. Бурждан аркнинг ички қисми томон қазишмалар давом эттирилиб, биринчи ва иккинчи мудофаа деворларининг чегараси аниқланди. Мудофаа деворлари камида 4 метрдан иборат эканлиги аниқланди. Улар бир бирига тутшиб кетган ва ўта мустаҳкам ҳимоя чизиғини ташкил этганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари соқчилар буржининг ҳар икки ёнидаги мудофаа деворларининг қолган қисмлари очилиб, мустаҳкам қолипли пахсадан терилганлиги кузатилди. Ғиштларининг ўлчамлари 65x65 см.ни ташкил этган. Соқчилар буржи ҳам худди шундай қолипли қолипли пахсадан барпо этилган бўлиб, диаметри 4,2 метрга тенг. Мудофаа буржининг 1,5-2 метрга тенг баландлиги очиб ўрганилди. Унинг юқори қисмининг диаметри 4,2 м. бўлса, қўйи қисминики эса 5, 2 метрга тенг эканлиги аён бўлди. Қазишмадан антик, илк ва сўнги ўрта асрларга оид сопол буюм синиқлари кўплаб аниқланди.


Мазкур қазишманинг шарқий чеккасида, иккинчи мудофаа чизиғи тугаган жойда жуда йирик хом ғишт-блоклар аниқланди. Девор ғарб-шарқ йўналиши бўйлаб жойлашган. Блоклар ҳар-хил бўлиб, энг йириги 110x50 см ўлчамга эга.

V-қазишма. Мазкур қазишма Тепакўрғон аркининг шимоли-ғарб томонида жойлашган. Ушбу қазишма дастлаб учта қазишма ҳудудига ажратилди. V-қазишманинг қўзғалмас нуқтасидан 200-230 см чуқурликкача тушилди. Қазишманинг бу майдони аркнинг ўзига тўғри келади. Мазкур қазишманинг юқори кейинги асрларда бузиб юборилган бўлиб, хўжалик ва қурилиш чиқиндиларига тўла. Бундан ташқари, бир нечта оммавий қабрлар ва трактор ёрдамида бузиб юборилган қабрлар аниқланди. Қабрлар оммавий ва тартибсиз равишда жойлашганлиги боис қазишма олиб боришга жуда катта тўсқинлик қилди. Қазишманинг юқори қисми текислаш асносида хўжалик чиқиндилари ҳам ташланиб, 50-100 см лик қатламни ҳосил қилган. Шу боис ҳам қазишманинг юқори маданий қатламлари бузиб юборилган. Унинг юқори қисмидан XIX-XX асрларга оид пишган ғиштлар аниқланди.

Қазишманинг биринчи квадратида архитектура қолдиқлари учрамади. Фақатгина қўзғалмас нуқтадан 1,85 см пастда ўчоқ ўрни аниқланди. Ўчоқ овалсимон бўлиб, диаметри 80 см.ни ташкил этади. Унинг деярли ярми бузилиб кетган. Унинг сақланиб қолган қисмининг чеккасига ҳам ғиштлар териб чиқилган. Ўчоқнинг ҳамма тарафида оммавий қабрлар мавжуд.

V-қазишманинг ушбу маданий қатламидан бир нечта сўнги антик ва илк ўрта асрларга оид бир нечта ноёб топилмалар, жумладан ҳайкалчанинг оёқ қисми, 2 та урчуқбош ва ўртаси ҳар иккала томондан тешилган тухумсимон тош аниқланди.

Қазишманинг бу квадрати 7 та стратиграфик қатламга ажратиш мумкин (2-расм).



2-расм. Тенақурғон ёдгорлиги 5-қазишмаси стратиграфик чизмаси

1-қатлам. Энг юқори қатлам бўлиб, асосан чимдан иборат. У ўртача 10-20 см.дан иборат.

2-қатлам. У 50-60 см.ни ташкил этиб, техника ёрдамида суриш ва чиқинди ташлаш оқибатида ҳосил бўлган. Қатламдан турли даврларга оид сопол буюмлар ва сочилиб ётган скелетлар аниқланди. Бундан ташқари сўнги ўрта асрлар ва ўтган аср бошларига оид пишган ғишт бўлақлари ҳам чиқди.

3-қатлам. Ушбу қатламнинг маданий қатлами бузиб юборилган ва топилмалар аралаш ҳолда турибди. Қатламда сопол буюмлардан ташқари илк ўрта асрларга оид ханжар қолипи ҳам аниқланди. Шунингдек бу қатламдан сўнги ўрта асрлар ва ўтган аср бошларига оид бутун ва пишган ғишт бўлақлари ҳам аниқланди. Бу қатламда тартибсиз ҳолда қўйилган қабрлар мавжуд. У 40-50 см.ни ташкил этади.

4-қатлам. Мазкур қатламдан кучли куйган кул қатлами аниқланди. Бу қатламда чиқинди ва кейинги асрларга хос сопол ва ғиштлар мавжуд эмас. Антик ва илк ўрта асрларга оид сопол парчалари топилди. Шунингдек, хом ғишт бўлаклари аниқланди. Мазкур қатлам 40 см қалинликка эга.

5-қатлам. Мазкур қатламдан кул қатлами давом этган. Шусабабли бу ерда қабрлар тугайди. Қатламдан антик ва илк ўрта асрларга оид сопол буюмлар, тош тегирмон парчаси ва урчуқбош аниқланди.

6-қатлам. 30-40 см.га яқин оқизинди қатлам.

7-қатлам. Ушбу қатлам қўзғалмас нуқтадан 230 см пастда жойлашган бўлиб, асосан қизғиш кул қатлампидан иборат. Қатламнинг қалинлиги 35 см.ни ташкил этади.

Ушбу қазилманинг 2 квадратидан архитектура қолдиқлари аниқланди. Уларнинг барчасини 1-қурилиш горизонтига оид деб ҳисоблашимиз мумкин. Квадратнинг шимолий бурчагида, қўзғалмас нуқтадан 1,72 см қуйидан хом ғиштлардан иборат пол сатҳи аниқланди. Полнинг шимол томонида қалин девор ўтган. Девор ғарб-шарқ йўналишига эга. Бироқ деворнинг катта қисми қабр қўйилиши ва ўтган асрнинг 70-80-йилларидаги қурилиш реконструкция ишлари даврида жиддий равишда бузилиб кетган. Бу квадратнинг деворлари кесмасидан девор мавжудлигини қўриш мумкин. Деворнинг умумий қалинлиги 4 метрга яқин бўлиб, турли хил ўлчамдаги хом ғиштлардан иборат.

5-қазилманинг шимолий қисми аркнинг баланд ва мустаҳкам девори очилди. Очилган деворнинг бир қисми бузиб юборилган.

Умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, 2022 йилда олиб борилган археологик казув ишлари натижасида ёдгорлик аркининг тузилишига ойдинлик киритилди. Хусусан, шаҳар арки 50x50 м ўлчамда бўлиб, алоҳида мудофаа девори билан ўраб олинган. Мудофаа девори жой рельефи тузилишидан келиб чиқиб қурилган. Мудофаа девори ярим айлана шаклдаги мудофаа билан билан ҳимояланган. Мудофаа девори 65x65 см ўлчамдаги қолипли пахсадан қурилган бўлиб, доим таъмирланиб, кучайтириб борилган. Деворни таъмирлаш ишларида 50-47x25-24x8-10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан фойдаланилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Анарбаев А, Сайфуллаев Б, Саидов М.* Археологические исследования в г. Коканде и его окрестностях. Самарканд, 2014.
2. *Анарбаев А.А., Насриддинов Ш., Раҳимов К., Саидов М., Юлдашев И.* Қўқон шаҳри қадимги тарихини ўрганиш учун 2007 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2008-2009 йиллар. 7-сон. Самарқанд, 2012.
3. *Анарбаев А.А., Саидов М.М., Абдуллаев Б.М., Раҳимов К.А., Кубаев С.* Результаты археологических исследований в г. Коканде в 2008-2011 гг. // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар: 2008-2009 йиллар. 8-сон. Самарқанд, 2012.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ НА ПАЕНКУРГАНЕ В 2022 Г.

Аннаев Т.Дж., Базаров Б.Б., Аннаев Дж.Т.

Крепость Паенкурган была обнаружена в 50-гг. XX века Л. И. Ремпелем. В 1985-1987 гг. археологическим отрядом Института археологии (начальник отряда Т. Дж. Аннаев) были начаты работы по изучению данного памятника. В 90-гг. на Паенкургане проводились раскопки К. Абдуллаевым.

Паенкурган находится в 5 км юго-западнее от г. Байсун и в 12 км восточнее от Железных ворот. Координаты памятника 38°09'328,62" N, 67°11'25,62" E. Он располагается в 500 м от правого берега Хангарансая (Байсунсай), на выходе из южно-гиссарских горных перевалов в предгорную полосу Байсунского района. Крепость возведена на естественной возвышенности. Памятник ориентирован с юго-запада на северо-восток, площадь около 0,7 га (рис. 1). Высота составляет 8-10 м от дневной поверхности.



Рис. 1. Крепость Паёнкурган (снимок с космоса)

На участке выбранным нами для раскопа ранее проводились работы Т.Дж. Аннаевым в начале 90-х гг. XX века. В ходе исследований были открыты несколько помещений, в которых был обнаружен богатый археологический материал юэчжийско-кушанского периода.

В прошлом сезоне мая по июнь месяц 2022 года на крепости Паенкурбан работы были продолжены³. Раскоп заложен на юго-западной части памятника. Цель археологических работ заключалась в выявлении оборонительной стены, а также наличия культурного слоя греко-бактрийского периода в этой части памятника. Первоначально был заложен раскоп размером 4,8 x 9,5 м. В ходе работ площадь раскопа была расширена в длину до 18 м, после чего его общий размер составил 4,8x18,2 м (рис. 2). Раскоп был разделен на три части – раскоп № 1 (южная часть раскопа), раскоп № 2 (центральная) и раскоп № 3 (северная).



Рис.2. Вид раскопа (с севера)

В верхнем – законсервированном слое найденные фрагменты керамики датируются кушанским и юэчжийско-кушанским периодами. Вместе с керамикой в слое встречаются кости мелких и крупных рогатых животных.

³ Раскопки проводились под руководством старшего научного сотрудника Термезского археологического музея Т. Дж. Аннаева и докторанта НЦА АН РУз Б. Б. Базарова, совместно с сотрудниками Термезского археологического музея, а также, магистрантами и студентами Термезского государственного университета.

Раскоп № 2 имеет размеры 4,5 х 4,8 м, а Раскоп № 3 - 4,5 х 4,7 м. После снятия отвала, была вскрыта сырцовая стена. Археологические работы на объектах № 2 и № 3 были приостановлены на вышеуказанном строительном периоде. Был обнаружен археологический материал, который датируется I в. до н. э.

Основные раскопочные работы отчетного сезона были сконцентрированы на Раскопе № 1. Размер раскопа составляет 8х4,8 м. На глубине 2,25 м был выявлен материк представляющий собой белую песчаную почву.

После снятия законсервированного грунта, была выявлена башня (рис. 3) из сырцового кирпича, размером 30-31х9-10 см. Она имеет размеры 3,5х 4 м. Толщина стены 1, 2 м. Вокруг башни был расчищен слой завала кирпичей, перемещанных в некоторых местах с золой. Этот слой предоставил довольно богатый археологический материал – керамику юэчжийско-кушанского времени, терракотовые статуэтки – бюст кушанской богини, покрытой красно-коричневым ангобом, статуэтка нагой играющей лютнистки (голова терракоты была обломана) (рис. 4) и др.

В следующем слое раскопа из завалов кирпичей, в котором иногда прослеживаются следы горелостей встречаются фрагменты керамики греко-бактрийского времени, такие как рыбное блюдо, чаши и кувшины.



Рис. 3. Башня кушанского времени (вид с запада)



Рис. 4. Фрагменты статуэток богини (?) и лютнистки

Под этим слоем следует очень тонкая алебастровая обмазка. Под этой обмазкой начинается 5 см слой засыпки мелкого лесса. Далее следует небольшой слой завала кирпичей, в котором преобладают фрагменты керамики греко-бактрийскому времени. После зачистки завала была выявлена оборонительная крепостная стена (рис. 5). Ширина ее достигает до 3,2-3,5 м. Она сложена из сырцового кирпича размером 36x9-10 см. На уровне оборонительной стены с внутренней и наружной сторон был обнаружен богатый керамический материал греко-бактрийского времени (рис. 6). Обнаружены также индивидуальные находки-пуговица, бусина, налlep в виде бюста лошади, железный гвоздь и другие железные предметы (рис. 7).

На основе проведенных археологических раскопок можно заключить, что Паенкурган являлся важным опорным пунктом уже в конце IV- начале III вв. до н. э. на северных рубежах Селевкидского и Греко-Бактрийского государств. Одновременно, крепость Паенкурган охраняла торговую дорогу, направленную через “Железные ворота” в область Чаганиан и обратно.



Рис. 5. Оборонительная стена греко-бактрийского периода (вид с запада)




Рис. 6. Эллинистическая керамика Паенкургана



Рис. 7. Металлические и прочие находки

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НА ГОРОДИЩЕ ХАЙРАБОДТЕПА В 2022 ГОДУ

Арипджанов О.Ю.

Городище Хайрабодтепа является одним из мало изученных памятников кушанского времени на территории Северной Бактрии. Оно расположено в 1 км к юго-западу от города Ангор, и в 30 км к северо-западу от Термеза. Первые исследования городища были проведены в 1953 г. Л.И. Альбаумом и В.Д. Жуковым, которые изучали цитадель и шахристан (Альбаум, 1961. С. 177-191), а в 1975 году с целью выяснения конструкции крепостных стен был осуществлен разрез стены, в результате которого были выявлены четыре строительных периода (Сабиров, 1981. С. 31-35).

Городище прямоугольное в плане, ориентировано с севера на юг с некоторым отклонением от севера к западу; протяженность его в этом направлении 150 м, а с запада на восток - 100 м. Стены в виде оплывших валов сохранились на высоту 6-9 м. С наружной стороны они поднимаются под углом 35-45⁰, с внутренней – находятся на одном уровне с поверхностью городища (Альбаум, 1960. С. 41-42). В ходе ранних исследований выявлено, что в южной части городища, по-видимому, находились крупные сооружения, а в северной части были обнаружены остатки гончарного производства, следы которого и сегодня можно обнаружить по наличию керамических шлаков в северо-восточной части памятника. К сожалению, вся поверхность городища покрыта слоем рыхлого грунта и это, в основном, связано с сельскохозяйственными работами и поливом огородов местных жителей, расположенных к югу и западу от памятника, что подняло уровень грунтовых вод и привело к засолению почвы городища.

Наши исследования с применением геофизических методов на городище Хайрабодтепа были сконцентрированы в северо-восточном углу, основной их целью было изучение фортификации – стен, башен, а также примыкающей внутригородской застройки. Таким образом, в сентябре 2022 г. был заложен раскоп ХТ-1, состоящий из 4 квадратов размером 8×8 м (рис. 5). В ходе вскрытия квадрата № 1, на отметке -75 см от дневной поверхности в его западной части был обнаружен горелый слой, глина на данном отрезке сильно прокалена. В юго-западном углу данного квадрата на уровне -80 см в горелом слое были обнаружены две монеты⁴. Первая монета – аббасидский фельс времени Харуна аль-Рашида, 182/798-799 г., относящаяся к чекану Балха (рис. 1). Вторая монета – низкопробный дирхам времени Караханидов. В поле сохранилось имя Малик-шах. Место чеканки, возможно, г. Самарканд.

⁴ Монеты были определены к.и.н. А.Х. Атаходжаевым



Рис. 1. Фельс, Аббасиды. Балх 182/798-799 г.

В ходе зачистки верхнего горизонта квадрата № 2 (рис. 5) выявлена кладка из сырцовых кирпичей, образующая круг диаметром более 6 м. Последовательное снятие грунта позволило ее оконтурить. Внутренний диаметр круга составляет 465 см, толщина стен 112 см, кирпич размером 40×30×7-6 см. Внешний диаметр круга около 690 см. Изнутри кирпичная кладка обмазана глиносаманным раствором толщиной 2-3 см. В южной части сооружения был обнаружен вход шириной 130 см, максимальная сохранность стен в проходе 85 см (рис. 2). Кроме того, необходимо отметить, что при зачистке входа были обнаружены фрагменты деревянных балок (?), возможно от перекладины дверного проема, и обожженные кирпичи.



Рис. 2. Башнеобразное помещение. Вид с юга

С левой стороны при входе, на глубине 80 см от гребня стены, обнаружены остатки очага, сложенного из фрагментов обожженного кирпича (рис. 5). В ходе зачистки под ним обнаружен еще один очаг, прямоугольной формы (94×85 см), с

примыкающим к внешней стороне полукругом, в котором имеется круглая ямка, где был закопан кувшин без венчика, диаметром 20 см, и высотой 28 см.

В северной части помещения, прямо напротив входа, был обнаружен еще один очаг (рис. 2-3), с топочной камерой размером 50×44 см, края которой сильно прокалены. По бокам ее были уложены два больших куска пахсы (размер первого, 47-40×35×15-9 см, второго 35×30×15 см). Между ними лежали фрагменты жженого кирпича, камни и кости мелкого рогатого скота. В ходе дальнейшей расчистки была обнаружена окруженная бортиком очажная площадка размером 62×62 см, выложенная из четырех жженных кирпичей (26×26×5 см). Вокруг очага было найдено большое количество мелких фрагментов глазурованной керамики и кости животного происхождения.



Рис. 3. Очаг № 2. Вид с юга




Рис. 4. Разрез квадратов 2-4. Вид с запада

В ходе зачистки завала во внутренней части помещения было обнаружено большое количество фрагментов сырцового и обожженного кирпича, шлаков от керамического производства и костей крупного и мелкого рогатого скота. Вскрытие круглого помещения выявило следующее залегание культурных слоев (рис. 4): верхний слой, как и по всей площади северной части городища в виде пушёнки толщиной от 10 до 15 см (1); слой завала толщиной более 80 см с множеством фрагментов сырцового кирпича размером 40×30×6-7 см (2). Все эти кирпичи, скорее всего, являются остатками стены круглого помещения, кладка которой имеет идентичный размер кирпичей. Натечный слой толщиной 20 см (3), под ней рыхлый комковатый слой (4) с большим количеством фрагментов сырцового и обожженного кирпича. На отметке -135 см обнаружен пол или уровень № 1 (5), а в южной части

квадрата 4 под кладкой кирпичей платформы был зафиксирован комковатый рыхлый слой (6).

Вокруг помещения была обнаружена платформа прямоугольной формы размером 8×10 м (рис. 5), при возведении которой использовали два разных размера кирпича. Верхняя кладка из квадратного сырцового кирпича 26×26×7-8 см. К сожалению, только на юго-восточном углу удалось зафиксировать три ряда кладки. Под ней идет кладка из сырцового кирпича размером 30×50×8 см.




Рис. 5. План раскопа кв. 1-4.

В западной части данного квадрата, в ходе зачистки, были обнаружены фрагменты двух толстостенных керамических кубуров, каждый длиной 280 см и диа-

метром 40-30 см (рис. 5, 5). Сток трубы выходил наружу от северной стены. Под кубурами обнаружен ряд обожженных кирпичей размером 43×43 см. Дальнейшие работы позволили зафиксировать, что еще в древности кубуры были выкопаны.

Относительно функционального назначения круглого помещения и примыкающего к нему водостока сложно сказать. Надеемся, что дальнейшие исследования платформы и близлежащей территории позволят определить это. Отметим, что по результатам предварительных работ и анализу найденных материалов данное помещение обживалось не долгое время и датируется X-XII вв.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Жуков В.Д.* Археологическая разведка на шахристане Хайрабад-тепа // ИМКУ. Вып. 2. Ташекнт, 1961.
2. *Сабиров К.* Новые материалы к изучению укреплений кушанского времени. Городище Хайрабадтепа // ИМКУ. Вып.16. Ташкент, 1981.
3. *Альбаум Л.И.* Балалык-тепе. Ташкент, 1960.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ В ШАХРИСТАНЕ ГОРОДИЩА КАФИРКАЛА УЗБЕКСКО-ЯПОНСКОЙ ЭКСПЕДИЦИИ В 2022 г.

Бердимурадов А.Э., Терамура Х., Уно Такао,
Богомоллов Г.И., Бегматов А., Сандибаев А.Н., Мураками Т.

Городище Кафиркала расположено на левом берегу Даргома, напротив современного селения Найзатепе в 18 км к юго-востоку от городища Афрасиаб в Самарканде. Памятник имеет общую площадь в 16 га. Важной частью в его структуре является шахристан квадратной формы (360x360 м). Основная цель работ 2022 года – изучение застройки шахристана и этапов его обживания. Археологические исследования Узбекско-японской экспедицией этого года охватывали северо-западную и западную части шахристана и были сосредоточены на трех объектах: Раскоп №5, Раскоп №8 и Раскоп №9 (рис. 1).



Рис. 1. Кафиркала. Расположение раскопов

Р№5 – крупный раскоп в северо-западной части шахристана Кафиркалы, площадью более 100 кв. м. Здесь в эпоху раннего средневековья располагался отдельный квартал или крупное домовладение (рис.1). Помещения или отдельные сооружения концентрировались по периметру небольшой внутренней площади с выходом на востоке на общегородскую улицу или рыночную площадь. В прошлый сезон (2021) удалось выявить и по большей части вскрыть большой парадный зал квадратной формы с единственным проходом около юго-восточного угла. Работы

2022 года велись в три этапа. На первом – много времени ушло на расконсервацию объекта, вынос грунта, снос останца в квадрате-3 (далее кв-3), оставленного в прошлом как контрольный участок. Он показал ту же общую картину – его верхние напластования представляют собой остатки платформы сложенной из лент пахсы и рядов из крупных сырцовых кирпичей серо-зеленого цвета. В конце II-го яруса расчищен бугристый уровень пола с мелкими белыми вкраплениями. Но находок на нем практически нет, за исключением небольшого количества костей животных. Ниже идут слои разрушенных строительных конструкций (вероятно, упавшие или сброшенные специально верхние части стен).

Ниже в V ярусе расчищен участок пола, покрытой обмазкой из тонко отмученной глины зеленоватого цвета. На 18-20 см ниже расчищен еще один горизонтальный относительно ровный уровень, который слегка повышался к южной стене и падал к центру раскопа. Его подстилает слой с обломками сырцовых кирпичей из зеленовато-серой глины. Между некоторыми сохранилась промазка из глины желтовато-коричневатого цвета. С этим уровнем и в подстилающем слое найдены фрагменты стеклянных изделий (кусочек венчика стакана и донце банки или графина), также кусок железной пластинки и маловыразительные стенки тулова неполивных горшковидных сосудов.

В начале VII-го яруса вышли на уровень с верхним пожаром. Он больше читается в юго-восточной части. Выяснилось также, что вся восточная стена сложена из крупноформатного прямоугольного сырца (44-46x20-21x10 см, толщина промазки в кладке 1,5-2 см). Работы в кв-3 также показали, что северная стена зала полностью сложена из блоков пахсы.

На втором этапе продолжались работы (расчистка уровней полов, суф) вдоль южной стены пом. №1 (рис.2). Полностью открыт юго-западный угол помещения, он оказался сильно разрушен. Контур примыкавшей к стене суфы был выявлен еще в прошлом году, но его перекрывал толстый слой с горелым деревом, поэтому работы велись медленно и осторожно (рис.3). Она была построена в согдийской традиции, когда параллельно основанию стены была выложена линия из сырцовых кирпичей (составленных тычком) на высоту в три-четыре ряда, а остальное пространство было заполнено грунтом и утрамбовано. Затем поверхность суфы была тщательно обмазана тонко отмученной безсаманной штукатуркой. Ширина ее тоже типична - 120-122 см. Выяснилось, что стена над суфой была обмазана толстым слоем штукатурки, поверхность которой была тщательно заглажена. Вероятно, на неё без применения предварительной подгрунтовки наносилась полихромная роспись. К сожалению, из-за воздействия высоких температур при пожаре она полностью выгорела и затем обрушилась отдельными кусками.

Но отдельные куски штукатурки с росписью все же сохранились на участке вдоль западной стены (Рис. 6). Из них наиболее интересен небольшой фрагмент, на котором сохранился участок голубого цвета и какие-то линии черного цвета, возможно, передающие какую-то конструкцию (рис. 6,3).



Рис.2. Р.5. Вид сверху



Рис. 3. Горелое дерево на суфе

На другом фрагменте на голубом фоне изображен какой-то декоративный элемент в виде расходящихся в разные стороны (веером) узких полосок желтого цвета, возможно, изображение цветка (рис. 6,1). Почти в трех метрах от юго-западного угла над суфой был расчищен еще один кусок настенной живописи, где на голубом фоне сохранилось изображение части грудки и длинной шеи птицы белого цвета (рис. 6,2). Не исключено, что это изображение священной для зороастрийцев птицы – гуся или страуса (мнение А. Бегматова). Тем более, что последние изображены на одной из сцен Афрасиабских росписей.

В то же время ширина суфы вдоль западной стены оказалась всего 90 см. Кроме того, на одном из этапов ее надстроили на всем ее протяжении. Но следов пожара здесь почти нет. Хотя недалеко от суфы (ближе к центру) расчищены два больших обгорелых пятна.

Вдоль основания северной стены после очень кропотливых и сложных расчисток тоже выявлена линия суфы. Ширина ее неодинакова, в западной части 140 см, в восточной 152 см. Ее верхняя часть сильно разрушена в результате позднего обживания. В центре к ней примыкал прямоугольный выступ, возможно, ступенька, шириной 90 см и длиной 337 см. Видимо, это наиболее почетное место (прямо напротив входа), где восседал владетель дома (рис. 4,1; рис.8)

Не менее интересны работы в юго-восточном углу. Здесь в самом углу был законсервирован тандыр из перевернутой вверх дном хумчи. В этом году хумчатандыр была извлечена. Под ним и на этом участке удалось проследить следы трех пожаров. После каждого из них участок вновь обживался. На расстоянии 186 см от юго-восточного угла в южной стене был устроен проход, шириной 151 см (рис. 5). Он имел сводчатое перекрытие, части которого рухнули вниз при разрушении здания после пожара. Причем один из таких рухнувших блоков раздавил в слое пожара керамическое блюдо со слюдяным покрытием и оттисками штампа в виде веточки с гранатом. Выкладка свода начиналась на высоте 1,6 м.

Но самое интересное выяснилось при зачистке пола в проходе и его восточной "щеки". Во-первых, кирпичи в "щеке" оказались немного другого размера, чем в кладке – их толщина - 7-8 см. Во-вторых, в промазке между кирпичами присутствуют размельченные угольки и горелая земля, т.е. глина для промазки взята вместе со слоем пожара. В-третьих, хорошо видно, что обновленная кирпичная кладка приставлена к срезанной наискосок старой кладке (рис. 5).

Обмеры зала дали неожиданный результат, оказалось, что все стены зала имеют разную длину. Западная стена длиной - 10,30 м, северная - 10,35 м, восточная - почти 10,8 м (10,72 м) и южная - 10,15 м. Причем северная в отличие от других сложена из пахсовых блоков (рис. 4).

На третьем этапе к югу от южной стены зала (пом. №1) была заложена новая часть, продолжение Р№5 на юг размером 10х6 м, которую разделили на два квадрата - кв-5 и кв-6. Новая южная площадка Р№5 показала, что участок интенсивно обживался на позднем этапе. Было обнаружено пять ям, два тандыра, несколько зольников и горелых пятен от кострищ и одна полуземлянка (часть ее оказалась в кв.

6, часть в кв. 5). Полуземлянка прямоугольной формы, вытянута по линии юго-запад – северо-восток (рис. 7). Общие ее размеры 4,2 x 2,6 (1,25) м. В северо-западном углу сделан выход, пол здесь постепенно поднимается вверх и завершается невысокой ступенькой. По ширине проход неровный, при выходе ссужается до 1 м, при переходе в землянку расширяется до 1,2 м. Вдоль северо-восточной стены проходит небольшой уступ, видимо, стенка землянки здесь подравнивалась на одном из этапов ее существования. Западная часть землянки ссужается (ее западная стенка шириной - 1,25 м) за счет выступа (1,9x0,7м.) во внутрь землянки., а восточная часть имеет почти квадратную форму шириной 2.6 м. В западной части на расстоянии 25 см от угла устроена ниша, шириной 48 см и глубиной - 25 см.




Рис. 4. Р. 5. План и разрезы



Рис. 5. Проход из пом 1




Рис. 6. Фрагменты росписи

На этапе 2 помещение разгородили на две комнаты. По периметру северной, 4,4(С-Ю)×3,3 м, были устроены суфы: шириной 55 см (северная – 1 м) и высотой 20 см. В северо-западном углу был выход в проулок ”С” шириной 1 м. Южное помещение 2, 4(?)×3,3 (В-3) м имело суфу у северной стены.

Наличие двух длинных помещений-коридоров в первоначальной застройке дома 1, а также характер заполнения в одном из них, необычные для жилищ, позволяют предположить, что здесь могла располагаться конюшня. Нахождение постройки недалеко от входа на площадке также «работает» на эту гипотезу.

Двухкомнатная секция

Раскопки подтвердили вывод, что к северу от дома 1, за магистральной стеной, располагались небольшие секции (первая открыта в 2019 г.), выходящие на улицу «А» и включавшие две комнаты. Стены «малого» дом № 3 были сложены из сырца зеленого цвета 40×30×9 см на красном песчаном растворе. В помещении 1, восточном, 4,2×2,95 (В-3) м, вдоль трех стен, исключая восточную были устроены суфы высотой 40 см и шириной 60 (юг) – 90 (запад) – 80 (север) см. На полу отмечено очажное пятно диаметром 20 см. Проход в соседнюю комнату был устроен в юго-западном углу, по суфе.

В помещении 2, 4,6×3,8 (В-3) м в юго-западном углу располагался ящик 1,55×1,2 (внутри 1,25×0,7) м. В нем была найдена монета Асбара. В северо-западном углу отмечено очажное пятно диаметром 40-50 см. По центральной оси помещения, в северной стене был сделан дверной проем шириной ок. 1 м (подрублен бадрабом) на улочку "А".

Улочка "А" была открыта до северо-западного угла квартального блока, до места ее соединения проулком "С" (рис. 25). Таким образом, она прослежена на 17 м от своего начала у караульного помещения при восточном входе на площадку. По верхнему уровню имела выраженное корыто-понижение к центру до 20 см. Между покрытиями уличного полотна 1 и 2 – 27 см, 2 и 3 – 20 см.

Улочка "С" вдоль западного края квартального блока прослежена на 17 м к югу от места соединения с улочкой "А". Как и у последней, ее ширина поверху сократилась до 1,25 м (первоначально была 1,8 м). В 2,5 м к северу от линии магистральной стены была устроена калитка: в покрытии было отверстие диаметром 23 см, а в фаше западной стены – проем от балки порога диаметром 12 см. Похожая ситуация была зафиксирована в проулке "В" на востоке квартала, т.е., выход на улицу "Главная" были ограничены.

Таким образом, результаты раскопок отчетных сезонов позволяют с еще большей степенью уверенности полагать, что цитадель Пайкенда служила в основном нуждам храма огня. Это делает площадку перед цитаделью единственным претендентом на место расположения дворца или домов знати зарождающегося раннесредневекового города.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Мухамеджанов А.Р., Адылов Ш.Т., Мирзаахмедов Д.К., Семёнов Г.Л.* Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города Средней Азии. Ташкент, 1988.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ СОВМЕСТНОЙ УЗБЕКСКО-ИТАЛЬЯНСКОЙ ЭКСПЕДИЦИИ В КОЙТЕПЕ В 2022 г.

Пардаев М., Женито Б., Лауренза С.,
Пардаев Ш., Чефарелло Ч., Серулло Л

Деятельность совместной узбекско-итальянской археологической миссии в 2022 году, после вынужденной более чем двухлетнего перерыва (2020/2021) из-за пандемии, наконец-то возобновила полевые исследования в Койтепе. В рабочую группу вошли Мухтор Пардаев (содиректор), Шерзод Пардаев с узбекской стороны и Бруно Дженито (содиректор), Сабатино Лауренза, Лучия Серулло и Эдуардо Чефариелло с итальянской стороны.

Предварительные работы по расчистке продолжались около недели, так как почти три года работы не проводились и состояние памятника было несколько нарушено, особенно на участках, близких к самым высоким стенам, с утолщением различного материала из обрушившегося кирпича, истлевшей пахсы, блоков и ветряного песка. В ходе работ были открыты новая траншея № 45 на северной стороне тепе и траншея № 46 на юго-западной стороне (рис. 1, 2).



Рис.1. Раскоп № 45. Вид с юга



Рис.2. Раскоп № 46. Вид с севера.

Важным для траншеи № 45 было обнаружение новой конструкции стены на севере, которая должна была закрыть и определить периметр новой комнаты, обозначенной цифрой 5, точно так же, как стена, закрывающая ее здесь, находится на западной стороне комнаты 3. В траншеи № 46, напротив, было обнаружено продолжение глинобитной стены, найденной ранее, в 2019 году в траншее № 44, а у ее основания обнаружена керамическая чаша, вероятно, с надписью, на греческом языке на внутренней стороне (П) (рис. 3).



Рис.3. Раскоп № 46. Керамическая чаша, вероятно, с греческой буквой на внутренней стороне (“Π”).

Кроме того, были проведены фото и топографические исследования двух возвышений стены на юго-западном участке и первых двух участков в траншеях №№ 5/11 (рис. 4).



Рис.4. Внутренний южный участок раскопа 5/11.

Затем было осуществлено расширение траншеи № 45 к северу (рис. 5, 6) и возобновление раскопок в траншеях № 41, 28, 29 и 21 на северо-восточном склоне тепе (рис. 7).



Рис.5. Северное продолжение раскопа № 45. Вид с дрона.



Рис. 6. Северное продолжение раскопа № 45. Вид с южной стороны.



Рис.7. Раскопы № 41, 29, 28, 21 с определением помещения V.

Расширение к северу от желоба № 45 было заложено почти в центре желоба № 33 и в северном направлении по склону тепе. Здесь, помимо стены, окаймлявшей с севера то, что позже было определено как помещение V, мы обнаружили также твердый и плотный слой рассыпавшейся глины с примесью неровных обломков сырцового кирпича и блоков пахсы. С другой стороны, в ходе работ в траншеях №№ 41 и 28-29 было определено помещение V с удалением некоторых слоев, состоящих из различных обрушений в разное время, прилегающих к нему стен. Наконец, была открыта новая траншея № 47, сразу соединенная с № 46 в направлении запад-восток к вершине тепе и к фотографическому обследованию западной части помещения III. Найденные материалы весьма значительны, в том числе множество других фрагментов керамики, даже крупных размеров (вероятно, от больших емкостей), каменной промышленности (жернова, песты, гладильные машины и т. д.), а также в обвале стены, внутри помещения, терракотовая женская антропоморфная фигурка (рис. 8).



Рис.8. Терракотовая женская антропоморфная фигурка из помещения № V.

Кроме того, была проведена серия топографических работ и фотосъемок в рабочие дни. Особенно интенсивными были последние дни работы сезона по определению помещения V в северо-восточной части тепе и тщательному изучению внешних стен на восточной стороне памятника, исследованиям других «летающих» участков в траншеях № 35, 46, 47 и 23-24. Кроме того, после завершения работ в траншее № 47 другая рабочая группа отправилась работать в траншеи № 25 и 37,

чтобы изучить уровни, на которых лежали два/три больших керамических хумов, и собрать их, чтобы затем доставить в склад Института для их восстановления. Последние дни мы занимались зачисткой территории с целью аэро съемки всей территории с помощью дронов, чтобы иметь план раскопа.

Восстановление крупных хумов, обнаруженных в траншеях № 25-37, проводилось с использованием их 2D и 3D графической документации, а также изысканий и обмерных планов.

Керамические и другие находки

Керамические и другие материалы, обнаруженные в ходе раскопок 2022 года, проводились методологическим методом изучения, что и в прошлые годы. После сбора керамики и других предметов из траншей (ТР) и соответствующих стратиграфических единиц (СУ) их очищали и промывали в соответствии с материалом, из которого они были изготовлены. Необработанные предметы, кости, камни, органические материалы и шлак подвергались лишь кратковременной чистке, чтобы удалить большую часть корки почвы. После очистки первоначально разграничивался состав отдельных фрагментов, которые в дальнейшем были разделены на две макрокатегории: диагностические (93) и недиагностические (1122), всего 1215. К первым относятся те, которые представляют элементы и аспекты, относящиеся к идентификации формы или класса керамики (кромка, ручка, основа, ткань) или которые представляют признаки, представляющие особый технический или декоративный интерес. Последние - это те, которые не обладают этими «диагностическими» характеристиками и полезны только для статистически значимого количественного исследования. Некоторые, особенно интересные фрагменты были выбраны из числа диагностических, которые мы определяем как «значимые» на основании других имеющихся специфических характеристик (сохранность, ткань, декор, типологическое/морфологическое распознавание), которые нарисованы, сфотографированы и инвентаризированы (50 шт.). Окончательная группировка была организована на основе глины (ткани) и ее характеристик. В итоге полевых работ все фрагменты были упакованы и помещены в фонд Института.

2022 ЙИЛДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Пардаев М.Х., Пардаев Ш.М.,
Раҳмонов Ҳ. Ў., Ҳасанбоев Т.Ф.

Жиззах воҳасининг тарихий географияси, гидрогеологиясига доир илмий маълумотларга қараганда воҳада узоқ тарихий даврлардаёқ оқар сув танқислиги мавжуд бўлган. Айниқса, деҳқончилик маданияти ривож топган антик даврда, турли миграциялар ҳамда маҳаллий аҳолининг ўсиш даражаси кескин ошган, оммавий ўтроқлашув ходисаси содир бўлган илк ўрта асрларда оқар сув муаммоси янада кучайган. Шунга қарамасдан ҳар бир қадимий микровоҳа марказида шаҳар маданияти шаклланган. Буни Ғаллаоролдаги Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа, Жиззахдаги Қалиятепа, Ўрда, Шароф Рашидов туманидаги Молтоптепа, Зоминдаги Қўрғонтепа, Жартепа, Оқтепа, Саватдаги Култепа шаҳар ёдгорликлари мисолида кўришимиз мумкин.


Кейинги йилларда Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар моддий маданияти тарихи, археологиясини ўрганишга бўлган қизиқиш ортди. Шу сабабли, 2022 йилда (май-июн, август ойларида) воҳанинг сўнгги ўрта асрларга оид бир қатор ёлгорликларида, хусусан, Ғаллаорол туманида Самарқанд археология институтининг Жиззах экспедицияси томонидан қидирув ва қазув тадқиқотлари ўтказилди.

Самарқанд Суғди билан Уструшонани туташтирувчи марказий қарвон йўли ёқасида жойлашган дастлабки Уструшона рустоқи Харакана (Ғаллаорол тумани) ва унинг марказий шаҳарларидан бири – Қўрғонтепа ҳисобланади. Маълумки, Уструшонанинг ғарбий сарҳадлари бўлмиш Сангзор водийси ҳавзасида ушбу тарихий маданий ўлканинг 3 та – Фекнон (Жиззах), Харакана (Ғаллаорол) ва Бурнамад (Бахмал) рустоқлари фаолият кўрсатган (Пардаев, Раҳмонов, Пардаев, 2015. Б. 47).

Харакана рустоқининг бош шаҳри айнан Сарбозор қишлоғининг шимолий чеккасида, Сангзордан бош олувчи катта ариқнинг чап соҳилида жойлашган Қўрғонтепа харобалари ўрнида бўлган (1-расм).

Қўрғонтепа анъанавий қадимий шаҳар ўрни бўлиб, у арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Арк шаҳристоннинг жанубий-ғарб бурчагида жойлашган ва унинг тағ асос бўйича ўлчамлари 80x80 м (0,64 га) га тенг. Қўрғонтепа шаҳристонининг ташқи кўриниши тўғри тўртбўрчаксимон шаклга эга, майдони 5,5 га. га, арк билан ҳисоблаганда 6,14 га. га тенг. Микрорельеф бўйича шаҳристоннинг дарвозаси ягона бўлиб, у жанубий мудофаа деворларининг ғарбий қисмида, аркнинг шарқий деворлари ёнида бўлган.

Қўрғонтепа шаҳрининг учинчи таркибий қисми - рабодлар ўрни кейинги даврларда текисланиб кетган. Шаҳар аҳолиси ва уни атрофидаги экин майдонлари катта ариқ орқали сув билан таъминланган.



1-расм. Кўргонтёпа топоплани

Ушбу ёдгорликнинг ўрганилиши тарихи қисқа ва узвийликка эга эмас. 1970 йил охирларида (Э. Қодиров бошчилигида) ва 1996 йилда (М. Пардаев раҳбарлигида) шахристоннинг ғарбий қисмида стратиграфик қазувлар ўтказилган. Мазкур ишлар натижасида, Кўргонтёпа маданий қатламларида 6 та катта қурилиш даври аниқланган ва қазув тадқиқотлари материккача давом эттирилмаган.

2022 йил баҳор мавсумида М.Ҳ. Пардаев раҳбарлигидаги Жиззах археология экспедицияси томонидан Кўргонтёпа шаҳар харобаларида археологик қазув тадқиқотлари ўтказилди. Дастлаб, 1996 йилда стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилган жойда тозалаш ишлари амалга оширилди. Ундан сўнг, айти шу қазув жойининг орқа томонидан шимол-жануб йўналиши бўйича шурф ташланди. Қазув ишлари натижасида шурфнинг шимолий ва жанубий эни 4 м.га, шарқий қирқими 8 м. га етди. Шурфнинг шарқий томон қирқимининг 1-яруси (1-8-квадратлар) тупроғи оч оқ рангда, унда девор ўринлари мавжуд эмас. Ушбу ярус қатламлари орасида пишган ғишт, сопол синиқлари ва суяк қолдиқлари қайд этилди.


Шурфнинг 2-ярус тупроғи ҳам оч оқ рангда. Яруснинг 3-4-квадратларида хўжалик хандақининг ўрни сақланган ва у 3-ярусга ҳам ўтган. Ушбу хандақ шимолий бурчакдан 2.5 м узокликда жойлашган бўлиб, у сопол парчалари, суяклар, пишган ғишт бўлақлари, супуринди тупроқ билан тўлдирилган.

3-ярус тупроғи оқ рангда бўлиб, 2-яруснинг 1-квадрати пастки қисми, 3-4-ярусларнинг 1-квадратлари (шурфнинг шарқий ва шимолий қирқимлари туташган) бурчак қисмида ёнғин излари, қизғиш (ёнган) тупроқ қолдиқлари мавжуд. Яруснинг 3-4-квадратларида узунлиги 1 м, сақланиб қолган қалинлиги 20 см. гача бўлган кул

қатлами, чўғ қолдиқ излари қайд этилди.

4-яруснинг 1-квадрати (бурчак қисми) да, юқорида айтиб ўтилгандек 3-ярусда қайд этилган (куйган) қизғиш тупроқ излари ва 3-4-квадратлардаги кул қатлами, чўғ қолдиғининг излари ҳам мавжуд. Ушбу ярус 5-квадрати пастки ва 5-ярус шу квадратининг юқори қисмида археологик бутун, сирланмаган кўза, унинг атрофларидан бир қанча сопол буюм парчалари топилди. 5-6-яруслар тупроғи тўқроқ (қорамтир) рангда, уларда девор қолдиқлари ўрни йўқ. 6-яруснинг 1-квадрати (шурфнинг шарқий ва шимолий деворлари туташган) бурчак қисмида ёнғин, чўғ қолдиқлари излари сақланиб қолган. Қўрғонтепа шахристонида ташланган шурф 3 м. дан ошиқроқ чуқурликкача тушилди ва бу тадқиқот ҳам материккача давом эттирилмади. Юқорида келтирилганидек, ушбу шаҳар ёдгорлигида 6 та қурилиш даври аниқланган эди ва биз томонимиздан амалга оширилган археологик қазув тадқиқотлари натижасида сўнгги 2 та (5-6) қурилиш даврларини очишга муваффақ бўлдиқ (Ҳасанбоев, 2022. Б. 50). Қирқимлардан маълум бўлишича, сўнгги қурилиш даври шурфнинг шарқий қирқими юқорисидан 55-60 см пастда жойлашган ва бутун девор бўйлаб оч сарғиш пол қатлами сақланган.

Шурфнинг нисбатан марказида ушбу қурилиш даврларига тегишли 1.8x0.8 м. га тенг хўжалик хандақи ўрни сақланган. Бешинчи ва олтинчи қурилиш даврлари оралиғида 1 м.дан ортиқроқ маданий қатлам мавжуд. Пол сатҳи аниқ кўринган, ранги оқиш кулга ўхшаш ингичка қатлам билан қопланган. Қатламдан кул қолдиқлари, сопол парчалари, суяк қолдиқлари топилди (2-расм).



2-расм. Қўрғонтепа қирқим чизмаси

Қўрғонтепа шаҳар ёдгорлигидан топилган кулоллик идишлари икки гуруҳ (сирланган ва сирланмаган)га бўлинади. Сирланган идишларнинг ассортименти кўпроқ бўлиб, уларни лаган (ош товоқ)лар, катта коса (чуқур товоқ)лар, косалар, ликопча(тарелка)лар ташкил этади (3-расм).




3-расм. Сополлардан намуналар

Қазув тадқиқотлари давомида қўлга киритилган кулоллик идишлари намуналарининг даврий санаси хронологик жиҳатдан (5-қурилиш даври) XIV-XVI ва (6-қурилиш даври) XVI аср охири XVII-XVIII асрлар билан даврланди.


Археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилган яна бир ёдгорлик Лапахтепа қишлоқ макони бўлиб, у Қашқабулоқ-2 (Зоқир тўп) қишлоғининг шимолий-шарқ томонида, Сангзор дарёсининг чап қирғоғидаги текис экин майдони ўртасида жойлашган. Лапахтепанинг ташқи кўриниши тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 110x95 м (1,045 га) бўлиб, шарқ-ғарб йўналишида чўзилган. Унинг ғарбий қисми баландлиги шарқий қисмидан анча паст бўлиб, ушбу нотекислик асосида икки ярусли кўринишни олган. Ушбу кўрғончанинг ён томонлари тик бўлиб, бу унинг мустаҳкам муҳофаа деворларига эга бўлганлигидан далолат беради. Кўрғоннинг кириш дарвозаси ғарбий девор марказида бўлган. Лапахтепада 1983 йилда стратиграфик тадқиқотлар (А. Бердимуродов) ва 1996 йилда планиграфик қазишмалар (М. Пардаев) ўтказилган.

2022 йилда Жиззах археология экспедицияси томонидан Лапахтепа харобаларида археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди. Дастлаб, 1983 йилда А. Бердимуродов томонидан стратиграфик қазув тадқиқотлари ўтказилган жойда тозалаш ишлари амалга оширилди. Сўнгра, ушбу қазув жойининг орқа томонидан шимол-жануб йўналишида 4x5 м. узунликда стратиграфик шурф ташланди. Қазув тадқиқотлари давомида қарийб 1,5 м. чуқурликкача тушилди (Ҳасанбоев, 2022. Б. 51), дастлаб 2-3 см. лик чим қатлами олиб ташланди ва ундан сўнг 50-55 см. лик оч сарғиш тупроқ қатлами қайд этилди.



4-расм. Лапахтепа топоплани


Шурфнинг ғарбий қирқим 2-ярусидан 15-20 см қалинликдаги тош терилган қатлам (стяжкали пол) аниқланди. Ғарбий қирқимнинг шимолий бурчагидан бу пол қатламининг 1,5 м. қисми лой билан зичлаб қилинган ва ундан кейин тошли пол қатлами бошланиб, жануб томонга давом этган, унинг қалинлиги 7-10 см.га тенг. Ушбу полдан пастда 15-20 см. қалинликдаги, оч кўк, ўртача юмшоқ маданий қатлам аниқланди. Ушбу қатламдан сўнг 24x5 см. ли хом ғиштдан қурилган девор қолдиқлари чиқди. Хом ғишт қурилган девор қолдиқлари ғарбий қирқимнинг жанубий томонида ва жанубий қирқимнинг ўнг томонларида ҳам мавжуд. Ғарбий қирқимнинг ўнг бурчагида 2-3 см. қалинликдаги, унчалик кўзга ташланмайдиган кул қолдиқлари сақланиб қолган (5-расм).



5-расм. Лапахтепа қирқими чизмаси

Тадқиқотлар давомида қўлга киритилган кулоллик идишлари намуналарининг даврий санаси илк ўрта асрлар ва сўнги ўрта асрлар қилиб белгиланди ҳамда ўтмишда Лапахтепа ҳарбий қўриқчи қалъа сифатида фаолият кўрсатган, деган хулосага келинди.

Катта Хонимқўрғон Хонимсарой қишлоғининг шимоли-шарқий қисмида, Тошкент-Самарқанд марказий трассасининг жануб (чап) томонида, текис, дашт худудида қадимий Туятортар каналидан чиқарилган шоҳ ариқнинг иккига ажралишидан ҳосил бўлган “оролча” ўртасида, табиий баландлик, қир устида жойлашган. Катта Хонимқўрғоннинг топографик пландаги кўриниши квадратсимон шаклда бўлиб, унинг шимолий ва шарқий томони – 170 м, жанубий томони - 180 м, ғарбий томони – 165 м узунликка эга, баландлиги – 3,5-4,0 м.га тенг. Ёдгорлик тўрт томондан муҳофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, иншоотнинг тўрт бурчагида 4 та, шарқий ва шимолий деворлар марказида 1 тадан, ғарбий девор марказида жойлашган, эни 3,0-3,2 м атрофидаги дарвозанинг икки ёнбошида 2 та, жами 8 та ҳарбий бурж орқали қалъанинг муҳофаа қудрати оширилган. Катта Хонимқўрғоннинг жанубий ва шимолий деворлари ортида эни 3,0 м.га яқин, чуқурлиги 1,2 м.гача бўлган хандақлар сақланиб қолган. Ўтмишда ушбу хандақлар сув билан тўлдириб қўйилган ва бу иншоотнинг муҳофаа имкониятини янада оширган. Ёдгорликнинг шарқий ва ғарбий томонидаги эни 8-10 м.га тенг шоҳ ариқлар хандақ вазифасини ўтаган (6-расм).



6-расм. Хонимқўрғон топоплани

Катта Хонимқўрғонда дастлабки тадқиқотлар М.Х. Пардаев раҳбарлигида 2018 йилда кичик ҳажмли қазув ишлари ўтказилган. 2022 йил (август ойида) Катта Хонимқўрғонда Жиззах отряди томонидан археологик қазув тадқиқотлари амалга оширилди.

Дастлаб, 2018 йилда қазилган стратиграфик шурфдан 20 м. шарқ томон узоқликда (ёдгорлик ички томонида) 2x5 м., чуқурлиги 1,5 м. лик шурф ташланди. Қазув жараёнида ҳеч қандай маданий қатлам ва моддий ашё намуналари қайд этилмади. Шундан сўнг ташланган шурфдан яна 40 м. лар чамаси жануби-шарқдан 1x2 м.лик стратиграфик шурф ташланди, аммо қирқимлардан ҳеч қандай маданий қатлам излари аниқланмади.

Кейинчалик, бу ерда амалга оширилган дастлабки археологик қазув тадқиқотларига янада аниқлик киритиш мақсадида 2018 йилда қазилган стратиграфик шурф тозаланиб, у жануб ва шарққа томон кенгайтирилди. Стратиграфик шурфнинг умумий ўлчамлари 3x8 м. га етди. Қазув ишларидан мақсад сўнгги ўрта аср маданий қатламларини ўрганиш бўлганлиги сабабли ёдгорликнинг тағ замини (материк)гача олиб борилмади.

Стратиграфик шурфда 4 та қатлам қайд этилди, уларнинг 3 таси юқори қурилиш даврига, 4 чи қатлам илк ўрта асрларга (VII-VIII аср) тааллуқли бўлиб, ушбу даврлар моддий маданият намуналари билан саналанди. Хусусан, юқори қурилиш даври XVI-XVIII асрларга, қуйи қурилиш даври VII-VIII асрларга тааллуқли кулоллик идишлари қайд этилди (Ҳасанбоев, 2022. Б. 52-53) (7-расм).



7-расм. Сополлардан намуналар

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Хонимқўрғонда айти пастдаги мавжуд археологик артефактларга асосланиб VIII асрда ҳаёт тўхтаган, XV-XVI асрлардан бошлаб ушбу чегара зонасидаги муҳим иншоотдан фойдаланиш давом этган.

Хонимқўрғон археология ёдгорлигининг уй-жой қолдиқлари, архитектураси ҳақида дастлабки хулосаларга келиш мақсадида бир-биридан 25-30-40 м. узоқликда горизонтал ва вертикал (1x1x1м.) стратиграфик шурфлар ташлаб чиқилди. Бу шурфлардан аниқ бўлдики, қўрғоннинг марказий қисмидаги юқори қурилиш даврлари, деб тахмин қилинган қатламларда моддий-маданият ашёлари топилмади.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хонимқўрғоннинг марказий қисми очик майдон (боғ ёки шунга ўхшаш жой) бўлган ва у ерда ҳеч қандай қурилиш ишлари амалга оширилмаган. М. Пардаевнинг фикрича, қарийб 3 гектардан иборат, мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган мазкур майдонга ўтов-қора уйлар ўрнатилган бўлиб, бундай тартибдаги иншоотлар даврий санаси мўғуллар истибдоди даврларига тўғри келади. Бунга Қарши ҳудудидаги Қалъайи-Заҳҳоки Моронни мисол қилиш мумкин.

Тадқиқотлардан яна шу нарса аниқ бўлдики, ёдгорликнинг тўрт томон мудофаа деворларидан бир хил, яъни 5-6 м. узокликдагина маданий қатлам излари, кулоллик идишлар намуналари қайд этилди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Хонимқўрғондаги турар-жойлар мудофаа деворларига туташтирилган ҳолда қурилган ва ундан фойдаланилган.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги маълумотлар асосида фикр юритадиган бўлсак, сўнгги ўрта асрларда Самарқанд бу даврда фаолият кўрсатган давлатларнинг пойтахти ёки пойтахт мақомидаги шаҳар ҳисобланган. Хусусан, 1536 йилга қадар Самарқанд Шайбонийлар давлатининг расмий пойтахти ҳисобланган. Шунинг учун ҳам Самарқанд савдо карвонлари, ўзаро олди-сотди жараёнларининг маркази, кўпчилик маҳаллий ва ажнабий савдогарларининг ошиқадиган жойи бўлган. Хонимқўрғон эса Самарқандга киришнинг остонасида жойлашган. Хонимқўрғон катта, кичик савдо карвонларига хизмат кўрсатадиган карвонсарой вазифасини ўтаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Хонимқўрғоннинг марказий қисми очик майдон, у ерда карвон туяларини бемалол жойлаштириш мумкин. Мудофаа деворларига туташтирилган ҳолда қурилган турар жойларда карвонбоши, савдогарлар, савдо карвони ишчиларига хизмат кўрсатадиган маиший хоналар бўлган деган, фикрни билдиришимиз ҳам мумкин.

Катта Хонимқўрғоннинг юқори маданий қатламларидан 2 дона сўнгги ўрта асрларга оид сирланган сопол тоғора гардиши, 3 дона сирланмаган сопол сув кўзаларнинг гардиш ва тагдони, 1 дона диаметри 25 см. бўлган, Қалиятепада қайд этилган идишларга ўхшаш сирланган лаган парчалари ҳам топилди. Тадқиқот ишлари давомида Катта Хонимқўрғондан ғарбда жойлашган, айни кунда ҳам фаолиятдаги Сарой қишлоғи қабристонини дала тадқиқоти нуқтаи назардан кўздан кечирдик. У ердан ҳам сўнгги ўрта асрларга тегишли сирланмаган кўзаларнинг тагдони, сирланган чойнакнинг қопқоғи, диаметри 39 см бўлган сирланган, ранги тўқ яшил тоғоранинг синиқлари топилди.

Мазкур сопол идишлар ўзининг шакли, ташқи ва ички кўриниши, ясалиш технологиясига кўра, пастдаги маданий қатлам сопол идишларидан кескин фарқ қилади. Қиёсий таҳлиллар, солиштирма тадқиқотлар ва айниқса, ушбу давр мутахассислари фикрларига таяниб бу топилмаларни XV-XVI; XVII-XVIII аср бошларига тегишли эканлиги аниқланди.

Сўнгги ўрта асрларда Жиззах воҳаси мавжуд Ўрта Осиё хонликлари тарихида, уларнинг ўзаро маданий алоқалари, савдо-сотик муносабатларида муҳим аҳамият касб этган. Жиззах воҳасининг маданий тараққиётига аввало Марказий Сўғднинг,

кейинчалик, Тошкент ва Бухоро воҳалари, Хуросоннинг марказий шаҳарлари таъсири сезиларли даражада юқори бўлган. Буни биз Жиззах воҳасидан топилган XIV-XVI асрларга оид сирланган кулоллик идишлари намуналарида кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. *Пардаев М., Раҳмонов Ҳ., Пардаев Ш.* Шимолий-ғарбий Уструшонанинг археология харитасига доир сўнгги маълумотлар // Ўзбекистон археологияси - № 1 (10). Самарқанд, 2015.
2. *Ҳасанбоев Т.* Жиззах воҳасининг XV-XVI асрлар археология ёдгорликлари ўрганилиши тарихидан (Ғаллаорол тумани мисолида). Сўнгги илмий тадқиқотлар назарияси республика илмий-услубий журнали. 3-сон. 2022.

2022 ЙИЛДА ЧИЛЛАТЕПА ВА БУРҚУТТЕПА ЁДГОРЛИКЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Раҳимов К.А., Раимқулов А.А., Саидов М.М., Холматов А.Н.,
Хужамов С., Омонов Д.С.

Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг бир гуруҳ илмий ходимлари томонидан 2022-йилнинг ноябр ойида Навоий вилояти, Кармана туманидаги Чиллатепа ва Бурқуттепа ёдгорликларида археологик қазув тадқиқотлари олиб борилди⁹.

Кармана шаҳри ҳудудида жойлашган Бурқуттепа ёдгорлигининг таркибий қисмлари бўлган арк, шаҳристон ва рабод қисмларини чегарасини аниқлаш мақсадида битта шурфда қазув ишлари олиб борилди. Бурқуттепа ёдгорлиги рабод қисми ҳудудини аниқлаш мақсадида унинг аркдан 20 метрлар жанубда шурфлар ташланди, ушбу шурфда аралаш қатламлар қайд этилди (1-расм). Ёдгорлик тўғрисидаги биричи қисқача маълумот 1934 йилда ўтказилган Зарафшон экспедициясининг бошлиғи А.Ю. Якубовский томонидан қолдирилган. Унинг ёзишича, ёдгорлик арк (куҳандиз), шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган (Якубовский, 1934. С. 150).



1-расм. Бурқуттепа. Шурф-1. 1-чим қатлам; 2-деҳқончиликда ишлов берилган юмишқ қатлам; 3-ўртача зичликдаги бўз рангли тупроқ қатлам.

1986 йилда ёдгорликни схематик плани тузилган ва унинг устидан териб олинган археологик топилмаларнинг бўлақларига асосан Бурқуттепада эрамиздан аввалги III-II асрлардан ўрта асрларгача инсон ҳаёти ва фаолияти давом этганлиги тахмин қилинган (Маньлов, 1987. С. 171-173).

⁹ Гуруҳ таркибида Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтининг катта илмий ходимлари, тарих фанлари доктори А.А. Раимқулов, тарих фанлари номзоди К.А. Раҳимов, тарих фанлари бўйича фалсафа докторлари (PhD) М.М. Саидов, А.Н. Холматов, кичик илмий ходимлар С. Хужамов, Д.С. Омонов, Н. Алимов ва Т. Рузибоевлар иштирок этдилар.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида аркнинг 8 метр кенгликдаги мудофаа девори очиб ўрганилди, шунингдек, унинг шимолий қисмда шаҳристонда олиб борилган қазилма ишлари натижасида бу ерда ёдгорликнинг эр.авв. IV-III асрларига тегишли археологик топилмалар билан бирга ертўлага ўхшаш - уй-жойнинг ўрнинг қолдиғи топилди. Ёдгорлик шаҳристонда (ҳозирда қабристон айлантирилган) олиб борган қазилмалар натижасида X-XIII асрларга оид кўплаб кулоллик идиш бўлаклари ва пишиқ ғишлар, тегирмон тошлари қайд қилинган (Хўжаназаров, Мирзаахмедов, Грицина, Рахимов. 2001. Б 189-190; Хужаназаров, Грицина, Мирзаахмедов. 2002. С. 179-186).

Чиллатепа ёдгорлиги Самарқанд-Бухоро йўлининг (М-37) чап томонида, Буркуттепадан 4 км шарқда, Нарпай қишлоғидан икки км чамаси шимолда жойлашган, у тўғритўрбурчак шаклда. Ёдгорлик икки қисмдан – арк ва манзилгоҳдан иборат. Аркнинг жанубий чеккасида 2,8x7,5 м ўлчамдаги траншея ва унинг манзилгоҳини шимолий чегарасида иккита ёнма-ён жойлашган қазилмаларда (биринчиси 3x5,5 м ва иккинчиси 2,5x3,75 метр ўлчамдаги майдонда) тадқиқот ишлари олиб борилди.

1986 йилда Навоий отряди томонидан ёдгорликни схематик плани тузилган, расмга туширилиб, тавсифи берилган ва шурф ташланган. Унга кўра ёдгорлик 2 қисмдан: арк ва шаҳристондан иборат. Арк баландли 6 м бўлиб, у тўғрибурчак кўринишда. Ўлчами 65x80 метр, чеккалари тик, айрим жойларида жарлик кузатилади. Қирқимларида 42x23x9 см, 42-45x29x8-10 см ўлчамдаги хом ғишлар кўринади. Аркнинг юқори майдонидаги айрим қисмларида хоналар йўналишлари кузатилади.

Шаҳристон аркдан шарқда жойлашган бўлиб, шимол-жануб томон 120 м. га чўзилган. Эни эса ғарбдан шарқ томон 85 м. ни ташкил қилади. Шарқда коллектор билан чегарадош. Коллектор бўйлаб алоҳида дўнгликлар кузатилиб, улар шарқий девор қолдиқлари сифатида эътироф этилган. Шаҳристон шимол ва жануб томондан қисман бузилган.

Ҳозирги кунда ёдгорликнинг умумий майдони 145x85 м. ни ташкил қилади. 2022 йилда Чиллатепа ёдгорлиги аркнинг жанубий чеккасида 3x6,5 м ўлчамдаги траншея ва унинг манзилгоҳи шимолий чегарасида 3x5,5 м ҳамда 3x4 м катталикидаги майдонда қазилма ишлари олиб борилди.

Аркнинг жанубий чеккасидаги траншея ўлчами 2,8x7,5 метр, репер нуқтасидан 10 метр ошиқроқ чуқурликда қазилди (2-расм). Қазилмани шимолий томонини ер сатҳи репер нуқтасидан ҳисоблаганда III яруснинг ўрталаридан, жанубий томони эса XV яруснинг ўрталаридан бошланади.

Тадқиқотлар натижасида траншеяда антик даврдан XII асрларгача бўлган давр моддий маданиятлари аниқланди. Бу ерда аниқланган мудофаа деворларини қолдиқлари 5 та қурилиш даврига оид бўлиб, узоқ муддат оралиғида бир неча бор таъмирланганлиги кузатилади.

Траншеяда олиб борилган қазилма ишлари мобайнида кўплаб моддий-маданият намуналари қайд қилинди. Анъанавий тарзда топилмаларнинг асосий қисмини кулоллик идиш бўлаклари ташкил қилади. Мазкур кулоллик идишларининг асосий қисми кулоллик чархида, қолган қисми кўлда ясалган бўлиб, улар вазифасига кўра-


хўжалик ва ошхона идишларига ажратилади. Хўжалик идишларининг асосини хумлар, хумчалар, сув кўзалар, ошхона идишлари эса қадах, кўза, коса ва хурмачалар каби идишлар ташкил қилади. Ушбу кулоллик идишлари антик, яъни эрамининг II-III асрлари ва илк ўрта асрлар билан даврлаштирилди. Чиллатепа ёдгорлигидаги кулоллик идишларига шаклан ўхшашлари Бурқуттепа ёдгорлигида ҳам қайд қилинган (Хўжаназаров, Мирзаахмедов, Грицина, Рахимов. 2001. Б 189-190; Хужаназаров, Грицина, Мирзаахмедов. 2002. С.179-186)



2-расм. Чиллатепа. 1-қазишма

Ёдгорлик манзилгоҳидаги биринчи қазишма унинг шимолий томонида жойлашган бўлиб, унинг ўлчами 3x5,5 метрни ташкил қилади. Дастлаб бу ерда шурф шаклида, яъни 2x3 ўлчамда қазилди. Шурфнинг ер сатҳидан 20 см. лар чуқурликда қазилгандан сўнг, унинг шимолий томонида хом ғиштдан (48-49x24-25x9-10 см) терилган деворга дуч келинади. Деворнинг шимолий томонини аниқлаштириш мақсадида шурф кенгайтирилди (3-расм). Қазишмани жанубий томонида ер сатҳидан 60-65 см чуқурликда сўнгги йилларда (ўтган аср охирларида) қўмилган қабр очиб ўрганилди. Ушбу қазишмада очиб ўрганилган девор VII-VIII асрларда манзилгоҳни мудофаа девори вазифасини бажарган. Дастлабки маълумотларга кўра манзилгоҳ сўнгги антик даврда шакланган бўлиб, ушбу давр маданий қатламлари устида илк ўрта асрларга тегишли хом ғиштдан қурилган мудофаа девор қолдиқлари очиб ўрганилди. Мудофаа девори 42x23x9 см ўлчамдаги хом ғиштдан қурилган бўлиб, сақланиш баландлиги 1 м ва кенглиги 1,85 м ни ташкил қилади. Унинг хом ғиштли сарғиш ва кул рангдан иборат бўлиб, улар орасидаги лой қалинлиги 5-7

см. гача этади.



3-расм. Чиллатена. 1-қазишма

Мудофаа деворини давомийлигини аниқлаш мақсадида №1-қазимадан 6,5 метрлар ғарбда, манзилгоҳни шимолий томонида ўлчами 2,5x3,75 метр майдонда қазишма (№2 қазишма) ишлари олиб борилди(4-расм). Қазишманинг ер сатҳидан 20-25 см. лар чуқурликда қазилгандан сўнг, унинг марказий томонида хом ғиштдан (48-49x24-25x8-9 см) терилган девор қайд қилинди. Деворни устки қисми тозалаб очилди ва унинг шимолий чегарасидан ташқари ҳудуд ер сатҳидан 1,60 метрлар чуқурликда қазилди. Мудофаа деворининг эни №1-қазимада очиб ўрганилган деворга нисбатан кичикроқ бўлиб-1,45 м.га, сақланиш баландлиги 1,05 м.га, ғиштлар орасидаги лой қалинлиги 5-7 см.га тенг. Деворни ташқи томонини остки қисми юқори қисмига нисбатан бир оз торайиб боради. Ушбу мудофа девори №1-қазимадаги девор билан бир хил сатҳда (ҳар иккаласи ҳам XII-XIX ярусда) жойлашганлиги аниқланди.


Иккала қазишмада очиб ўрганилган мудофаа деворини илмий таҳлилини кўрсатишича, улар илк ўрта аср қатламлари устига қурилган бўлиб, хом ғиштлар ўлчами ва бу ердан қайд қилинган кулоллик идишларини эътиборга олиб айтадиган бўлсак девор илк ўрта асрларнинг сўнгги (VII-VIII аср) даврларига оид бўлиши мумкин. Демак, манзилгоҳ ҳудуди сўнгги антик ва илк ўрта асрларни бошларида кенгроқ ҳудудни қамраб олганлигини кўрсатади.

2022 йилда Чиллатепа ва Буркуттепа ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган материалларни илмий таҳлилига асосланиб қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин.

Биринчидан, Кармана шаҳри ҳудудида сўнги ўрта асрлардан бошлаб олиб борилган қурилиш ишлари давомида Буркуттепа ёдгорлигини рабод қисми тўлиқ ўзлаштирилганлиги кузатилди.

Иккинчидан, Манзилгоҳдаги мудофаа девори маданий қатлам устига қурилган, у ягона қурилиш даврига тегишли бўлиб, девор билан бир хил сатҳда қайд қилинган кулоллик идиш бўлақларини қиёсий таҳлилини кўрсатишича, девор эрамининг VII-VIII асрларида қурилган.

Учинчидан, ёдгорлик устидан қорахонийлар (XI-XII аср) даврига тегишли тўғритўртбурчак шаклдаги пишиқ ғишт, кулоллик идишларидан қопқоқ, қозон, коса ва кўзаларни бўлақларини териб олинishi, илк ўрта асрларда инқирозга учраган қишлоқ макони XI-XII асрларда, яъни Қорахонийлар даврида яна қайта ўзлаштирилганлигини кўрсатади.



4-расм. Чиллатепа. 2-қазими

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Маньков Ю.П.* Отчет о работах в Навоийской области по теме: Составление карты археологических памятников Навоийской области в 1986 г. // Научный архив ИА АН РУз. Ф.2. Оп.1. Д. 76. Самарканд, 1987.
2. *Хужаназаров М., Грицина А.А., Мирзаахмедов Д.К.* Археологические исследования Карманинского отряда // Археологические исследования в Узбекистане - 2001 год. Тошкент, 2002
3. *Хужаназаров М., Мирзаахмедов Д.К., Грицина А.А., Рахимов К.А.* Кармана ва унинг атрофида олиб борилган археологик ишлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2000-йил. Самарканд. 2001.
4. *Якубовский А.Ю.* Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока. Том. II. Л., 1940.

2022 ЙИЛДА МИНГТЕПА ШАҲРИСТОНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚАЗУВ ИШЛАРИ

Раҳмонов Х., Томойуки У., Бегматов А., Мирзаахмедов С., Декруйенар Д.,
Омонов Д., Махкамова Н.

Мингтепа ёдгорлиги Самарқанд вилояти Жомбой тумани Қорамўйин маҳалласининг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган. Ёдгорлик тўғрисида дастлабки маълумотлар ўтган асрнинг 70-йилларида Х.Ф. Ахунбабаев томонидан берилган (Ахунбабаев, 1983. С. 154).

2022 йилдаги археологик тадқиқотлар Мингтепа шаҳристонидаги жануби-ғарбий томонида жойлашган **Р-3 қазилма** амалга оширилди. Мазкур қазилма майдонида 2021 йилда археологик тадқиқот ишлари олиб борилиб, натижада иккита (1-3хоналар) хона ўрни қисман очилган эди. 2022-йилдаги қазув тадқиқотлари натижасида юқорида қайд этилган хоналар тўлиқ очиб ўрганилди.

1-хона. Тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб, ўлчами 2х3,1 м ташкил этади. Хона девори ғиштлар ёрдамида қўтарилган. Бунда сақланиб қолган деворларнинг баландлиги 3,1 м. Хонанинг жануби-ғарбий томонидаги шифт қисмида туйник ўрни қайд этилиб, ўлчами 20х30 см.ни ташкил этади. Мазкур туйник хонани гигиеник жиҳатдан ҳавосини тозалаш ва ёритиш вазифасини бажарган. Хона поли эса шиббаланган туپроқдан ҳосил қилинган. Пол устида 7-8 см қалинликда оқ кулранг қамишдан тўқилган буйра, дарахт ва бошқа органик моддаларнинг куйган қолдиқлари қайд этилди. Мазкур хонага кириш эшигининг ўрни шимол томонда қайд этилиб, унинг баландлиги 1,7 м, эни 0,5 м. Эшикнинг томи гумбазсимон шаклда, ўлчми 52х26х8, 50х25х8х9 см бўлган хом ғиштлар ёрдамида ёпилган.



1-расм. 1-хонанинг жанубий девори



2-расм.1-хонанинг ғарбий девори

Мазкур хона иккита қурилиш давридан иборат бўлиб, биринчи қурилиш даврида, хона каттароқ, иккинчи қурилиш даврида, хонанинг жануби-ғарбий қисми-дан 47x23x9 см ўлчамдаги ғиштлар билан терилган. Ушбу хона иккинчи қурилиш даврида ётоқхона сифатида фойдаланилган. Хонанинг жануби-ғарбий қисмида, 2,1x1 м, баландлиги 30 см ўлчамдаги супа қайд этилди.

2 – хона. Мазкур хона биринчи хонанинг шарқий қисмида жойлашган. Унинг ўлчамлари 2,5x9 м.ни ташкил этади. Хонанинг жануби-шарқий бурчак қисмида кириш эшик ўрни аниқланди. Ўлчамлари 1,9x1,2 м. ни ташкил этади. Эшикдан хонага киришда 2.3x0,7x0,3 м супа қайд этилди. Супа ғишт билан терилиб, устидан сомонли лой билан сувалган. Хона тўлиқ 52x26x10 см ўлчамдаги хом ғиштлар билан кўтарилган. Хона деворлари 2-3 см сомонли лой билан сувалган. Ушбу хона икки қаватдан иборат бўлиб, сақланиб қолган баландлиги 4,3 м.ни ташкил этади. Илк ўрта аср архитектурасида томни аркасимон қилиб ёпишда бундай усуллардан кенг фойдаланилган (Сандибоев, 2021. 74). Пол устида 15 см қалинликда, кучли ёнғин излари, оқ кулранг органик қолдиқлар учрайди.

3-хона. Мазкур хона 1-хонанинг ғарбий қисмида жойлашган. Хона тўғри тўртбурчак бўлиб, эни 2,7 м.ни ташкил этади. Мазкур хонанинг шарқий девори уч қатор лентасимон пахса девор билан кўтарилган. Бундай усулда кўтарилган деворлар Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар даври ёдгорликларида кенг тарқалган (Воронина, 1953. С. 12; Пардаев, 1997. Б. 142-143; Пардаев, Гофуров, 2016. Б. 133-135).

Хонанинг шимолий ва жанубий деворлари 51x23x7 см ўлчамдаги ғиштлар ёрдамида кўтарилган. Ғиштларнинг устки қисмида, иккита, баъзиларида учта бармоқ

излари қайд этилди (3-расм). Гиштлар дастлаб вертикал, сўнгра юқорига кўтарилган сари, горизонтал шаклда терилиб том қисми ёпилган. Бундай услуб, Афросиёбнинг илк ўрта асрлар даврига оид иккинчи қурилиш даври меъморчилигида учрайди ва улар VII аср билан даврлаштирилган (Ахунбабаев, 1999. С. 20).



3-расм. 3-хонанинг умумий кўриниши

Тангалар. 1-3-хоналарда бир донадан тангалар қайд этилди. Улар бутун бўлсада, сақланиш ҳолати яхши эмас. Эҳтимол, қадимда кўп муомалада бўлганлиги ҳамда коррозияга учраганлиги сабабли яхши сақланмаган.

Ҳайкалчалар. 1-хонадан бир дона қўйнинг бош қисми сақланиб қолган ҳайкалча қайд қилинди (4-расм). 2-хонанинг пол сатҳидан одам тасвири туширилган, бел қисмидан пастки қисми сақланиб қолган сопол пластинка қайд қилинди (5-расм).

Ҳайвон суяклари. Ҳайвон суяк таҳлиллари шуни кўрсатадики, 1- хонадан асосан қўйлар, кейин эчки, сигир, оз миқдорда чўчка ва кийик суяклари қайд этилди. Ўша даврда одамлар томонидан истеъмол қилинган ҳайвон суяклар орасида бир дона одам тиш изи сақланган суяк аниқланди (6-расм). 3-хона полидан бир дона одам қўл меҳнати билан ишлов берилган, зиг заг кўринишдаги суяк қолдиғи қайд қилинди (7-расм).

Кулоллик идишлари. Қизиш жараёнида энг кўп қайд қилинадиган кулоллик идишлари саналади. Кулоллик идишлари орасида қозонлар асосий ўринни эгаллайди. Қозонларнинг умумий тавсифини берадиган бўлсак, улар қўлда ва кулоллик чархида ясалган. Уларнинг гардиши тўғри, кийшиқ горизонтал ҳолатда жойлашган, гардиш боши учли тумшукча кўринишида пастга қайрилган. Бу идишлар нисбатан юпқа деворли бўлиб, узунчоқ тана, қисқа бўйинча орқали

гардишдан кескин ажралган. Қўлда ясалган қозонларнинг елкасига параллел ҳолатда иккита тўлқинсимон шаклда қулоқлар ўрнатилган. Гардиш учи думалоқ ташқарига қайрилган, қорин қисми пуфакдек кескин катталашган, бўйин қисмида иккита тақасимон кулоқ ўрнатилган. Бу турдаги қозонлар Жиззах воҳасидаги Қалиятепа ёдгорлигининг VII-VIII асрларга тааллуқли қатламларида ҳам учрайди (Пардаев, 1999. Б. 145).



4-5 расм. 1 ва 2 хоналардан топилган ҳайкалчалар



6-расм. Сигирнинг қовуғга суяги.



7-расм. Зиг-заг кўринишидаги суяк.

Хумлар ўртача сифатли лойдан, гардиш қисми чархда, пастки қисми кўлда ясалган. Гардиши учбурчак кесмага эга, тепаси ва ташқи томони кулоллик чархида

текисланган. Бу турдаги хумлар Кофирқалъа, Тали-Барзу ёдгорликларида учрайди (Маршак, 2012. С. 241).

Қўлга киритилган материаллар орасида VII асрнинг охири VIII бошларига тааллуқли кулоллик идишлари, жумладан, хумлар, хумчалар, қозонлар, товалар, катта ҳажмли кўзалар, коса, товоқ, ликобча, ёғлоғи (кружка), пиёла, манқалдон, исирикдон ва кичик ҳажмли (миниатюра) сопол идишлар аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. *Ахунбабаев Х.Г.* Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг // ИМКУ. Вып. 18. Ташкент, 1983.
2. *Ахунбабаев Х.Г.* Дворец ихшидов Согда на Афрасиаба. Самарканд, 1999.
3. *Маршак Б.И.* Керамика Согда V-VII веков как историко-культурный памятник. Санкт-Петербург, 2012.
4. *Пардаев М.Х.* Жиззах воҳасининг VII-VIII асрлардаги кулоллик идишлари. ИМКУ. Вып. 30. Самарқанд, 1999.
5. *Пардаев М.Х., Фофуров Ж.И.* Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари. Тошкен, 2016.
6. *Сандибоев А.Н.* Маймурғ илк ўрта асрларда. Тошкент, 2021.

2022 ЙИЛДА ОҚТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ

Раҳмонов Х., Махкамova Н.

Оқтепа ёдгорлиги Самарқанд вилояти Булунғур тумани Мингчинор маҳалласининг жанубий қисмида жойлашган. Ёдгорлик ҳақидаги дастлабки маълумотларни 1979-1980 йилларда Ҳ.Ғ. Ахунбабаев томонидан қайд этилган. тумандаги ёдгорликларни рўйхатга олиш ишлари давомида унинг тархи чизилади, арки ва шарқий қисмидаги ибодатхона ва унинг атрофида шаҳристон жойлашганлигини айтиб ўтилади. Арк иккита алоҳида тепаликдан иборат бўлиб, унда қазилма ишларини олиб боради. Қазилмалар асосида ёдгорликнинг умумий даврий санасини милоддан аввалги III, милодий XI асрлар билан даврлаштиради. (Ахунбабаев, 1983. С. 154).

2022 йил ноябр ойида Оқтепа ёдгорлигининг арк ва шаҳристон қисмида учта қазилма участкасида тадқиқот ўтказилди (шурф). Бу қазилмалардан кўзланган мақсад ёдгорликнинг даврий санасига аниқлик киритиш вазифа қилиб олинди. Ахунбабаев томонидан 1980-йилда иккита қазилма (шурф) қазилган, биз унинг давоми сифатида учинчи қазилмани ўтказдик (1-расм).



1-расм. Оқтепа ёдгорлигининг тарҳи

3-қазилма. Иккинчи қазилмадан 15 м шимоли-ғарбда, аркнинг марказий қисмида 3x5 м кенгликда қазилма ишлари давом эттирилди. Биринчи қатлам 10 см ранги қора чим қатламидан иборат. Иккинчи қатлам 40 см ўртача зичликдаги оч сариқ рангда. Учунчи қатлам сариқ қизил рангда, кучли қуйиш аломатлари бор. Ушбу қатламдан пишган ғишт парчалари унинг ўчамлари 24x23.5 см, унинг

атрофидан сомонли лой сувоқнинг қаттиқ куйган парчалари аниқланди. Тўртинчи қатлам нисбатан юмшоқ ранги оч қизил, сарғиш бўлиб, ғишт ва қизариб пишган сувоқнинг парчалари учрайди. Бешинчи қатламдан бошлаб ўрта асрларга оид, пишган ғишдан терилган хумдоннинг новлари аниқланди. Бу қазишмада қўлга киритилган кулоллик идишлари кам сонли бўлиб, унинг барчаси синиқ ҳолатда, даврий жиҳатдан турлича.

4-қазишма. Учинчи қазишмадан 200 м шимолда, шаҳристон қисмида амалга оширилди. Шаҳристоннинг шимолий қисми ҳозирги кунда тўлиқ фермер хўжалиги томонидан экинзорга айлантирилган. Қазишманинг ўлчами 3x2 м, чуқурлиги 3 м.ни ташкил этади. Тадқиқот натижасида 13 та маданий қатлам аниқланди.

1-қатлам. Қатлам, таркибий жиҳатдан асосан гумусдан иборат бўлиб, ўсимлик илдизлари ва замонавий чиқиндилардан иборат.

2-қатлам. Ушбу қатлам ғоваксимон кулранг грунтдан иборат бўлиб, таркибида майда оҳак қолдиқлари учрайди. Қатламнинг қуйи қисмида чангсимон кум зарралари, ўрталарида зангсимон қизғиш қаттиқ лой бўлакчалари, кам миқдорда органик қолдиқлари учрайди. Ҳайвон суяклари, кулоллик идишлар, хум, кўза, қадаҳ ва коса буюмлари учрайди.

3-қатлам. Қатлам қаттиқ, оч сариқ рангда, таркибида майда кум зарралари, оҳак излари учрайди. Қатламнинг қуйи қисмида ғоваксимон майда кесаклар мавжуд.

4-қатлам. Оч жигарранг, ғоваксимон, ўртача қаттиқликдаги қатлам. Таркибида майда оҳак қолдиқлари, кум зарралари мавжуд. Қатламдан хум ва қозон бўлаклари, шунингдек, қизил, жигарранг ангобли сопол идишларнинг гардиши, девори ва таг қисмлари топилди.

5-қатлам. Ўртача қаттиқликда, тўқ жигарранг, қизғиш зангсимон рангда бўлиб, таркибида кесаксимон бўлақлар, қора куюнди парчалари мавжуд. Қатламдан қизил ва қорамтир ангобли сопол идиш бўлаклари топилган.

6-қатлам. Оч кулранг, ўртача қаттиқликдаги ғоваксимон бўлиб, унинг юқори қисмида кум зарралари, майда оҳак бўлаклари мавжуд. Қатламда асосан қизил, қисман қора ангобли сопол парчалари мавжуд. Косалар ва қадаҳларга икки томонлама тўлиқ ангоб берилган, баъзиларида горизонтал пардоз бериш натижасида ҳосил бўлган қорамтир, олчаранг чизиклар учрайди.

7-қатлам. Ўртача қаттиқликда, ғоваксимон, оч жигарранг тусда. Пахса ва хом ғишт девор қолдиқларидан иборат. Ушбу қатлам асосан жанубий кесмада қайд этилди. Қатламдан қизил ва қорамтир ангобли идишлар аниқланди.

8-қатлам. 10-30 см қалинликдаги юмшоқ қатлам бўлиб, таркибида майда кул қатламлар мавжуд.

9-қатлам. Таркибида майда оҳак бўлаклари, қуйи қисмида кум ва майда тошлар учрайди. Қатламнинг баъзи қисмларида кул қолдиқлари ҳам мавжуд. Қатламдан пардозланмаган ва пардозланган қорамтир ангобли сопол идишларнинг бўлаклари топилган.

10-қатлам. 10-25 см қалинликда, таркибида кўп миқдорда кул аралаш, гумус, ҳайвон суяклари учрайди.

11-қатлам. Қатлам ичида иккита микроқатлам мавжуд бўлиб, улар оч кўким-тир рангда, юмшоқ. Бу қатламларнинг таркибида кул, кумирсифат куюнди қолдиқлари ва майда оҳак парчалари бор.

12-қатлам. Юмшоқ қатлам бўлиб, таркибида тоза кул қатламлари микро қатлам сифатида кузатилади. Қатламда ошхона сопол идишлари, қозон, това, манқалдон парчалари мавжуд.

13-қатлам. 50 см қалинликда бўлиб, тупроқ ва қум аралаш, ўртача зичликда.

Аниқланган қатламларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин (2-расм). Қазишма маданий қатламларида кулоллик идишлари, ҳайвон суяклари кўплаб учрайди. Кулоллик буюмларида сон жиҳатидан жигарранг ангобли идишлар устунлик қилади. Уларнинг барчаси синик ҳолатда бўлиб, даврий санаси эрамыздан аввалги III эрамызнинг I асрларга тааллуқли.




2-расм. 4-қазишманинг жанубий кўриниши


5-қазишма. Шаҳристоннинг ғарбий қисмида, жарлик ёқасида 4x1 м, чуқурлиги 3 м. да тозалаш ишлари амалга оширилди. Бу қазишмадаги кулоллик топилмалари даврийлиги жиҳатидан синхрон тарзда тўртинчи қазишма билан ўхшаш. Бу ҳудуддан асосан кўплаб қизил ангоб берилган эллинлар даври кулоллик буюмлари кўлга киритилди.

Тўртинчи ва бешинчи қазишмалардан кўплаб кулоллик намуналари аниқланди. Тўртинчи қазишмада икки дона айнан эллинлар маданиятига характерли “балиқбоп идиш” нинг таг ва гардиш қисми аниқланди. Бири қизғиш лойдан ишланган бўлиб, ранг берилмаган, иккинчисига жигарранг ангоб сурилган (3-4 расм). Бундай идишларнинг ички томони таг қисмида юмалоқ майдончанинг бўлиши асосий характерли жиҳатларидан биридир. Бундай идишлар эллинистик даврда кенг тарқалган очик, чўзилган шаклга эга бўлган идишлардан саналади. Бу кулоллик

идишлари Афросиёб II, Кумушкент II, Кўктепанинг эллинистик даври қатламларида учрайди (Исамиддинов, 2002. С. 144).



3-расм. 5-қазимиадан топилган кулоллик идишлари



4-расм. 4-қазимиадан аниқланган қулоллик буюмлари

Қулоллик идишлари орасида қизил, жигарранг ангоб суртилган идишлар асосий ўринни эгаллайди. Ошхона идишлари қалин ангоб билан қопланган, улар

печда юқори ҳарорат натижасида, олча-қизилдан, жигарранггача рангларга эга. Кўзалар ва хумларнинг кўпчилиги юпқа ангоб берилган. Бундай кулоллик идишлари Кумушкенттепанинг иккинчи қатламида учрайди. Даврий санаси эрадан аввалги III асрлар билан даврланган (Пугаченкова, 1989. С. 43). Қадаҳлар цилиндрсимон, баъзан гардиш қисмидан пастга, бел қисмининг қайрилган қисми қалинлашган. Ангоби икки томонлама, ташқи томондан бел қисмининг эгилишигача, вертикал чизикли, силлиқ пардоз бериш чизиклари қўлланилган. Қадаҳлар, косалар ва кўзалар технологик жиҳатдан мураккаб ишланадиган кулоллик идишлари сирасига киради. Оқтепа ёдгорлигида аниқланган ушбу идишлар маҳаллий анъаналар билан қоришган ҳолда ишланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Ахунбабаев Х.Г.* Археологическое изучение Булунгурского района в 1979-1980 гг // ИМКУ. Вып. 18. Ташкент, 1983.
2. *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской культуры Самаркандского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпохи раннежелезного века и в период античности). Ташкент, 2002.
3. *Пугаченкова Г.А.* Древности Мианкаля. Ташкент, 1989.


2022 ЙИЛДА ЧАП ҚИРҒОҚ КАТ-ҚАЛЪАДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Садуллаев Б.П., Абдиримов Р., Рахимов Ш.Б.,
Собиров С.У., Каримов Я.А.

Чап қирғоқ Кат-қалъа ёдгорлиги Урганч шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда Хоразм вилояти Шовот тумани ҳудудида жойлашган. Шаҳар трапеция шаклига эга бўлиб, унинг умумий майдони 9,5 га.

2022 йилдаги дала тадқиқот ишлари шаҳарнинг ғарбий қисмида, 2021 йилда очилган 8-қазишма давом эттирилди.

8-қазишмада тадқиқотлар давом эттирилиб, унинг кўлами жанубга ва жануби-шарққа томон янада кенгайтирилди (1-расм). Натижада, юқори қатламда антик даврнинг иккинчи ярмига тегишли турар-жой ўрни, шунингдек, қуйи қатламларида эса архаик даврга оид монументал иншоот қолдиқлари очилди. 8-қазишманинг шимоли ва жануби-шарқий секторида 2 та шурф ҳам солинди. Қазишма ҳудудидан аниқланган VII-VIII, IX-XI, XVIII-XIX асрларга оид сополлар шаҳар тарихини янги маълумотлар билан бойитди.



1-расм. 8-қазишма тарҳи

(1-2 қум билан тўлдирилган йўлак ва паҳса девор, архаик давр; 3-илк антик давр йирик иншоот девор қолдиғи; 4-сўнги антик давр меъморий қолдиқлари)

Қазишманинг шимоли-шарқий секторида маданий қатламлар бироз чуқурлашилди. 2021-йилда аниқланган илк антик давр девори шарқ йўналишида шимолий ва жанубий қирралари бўйлаб пол сатҳида очилди. Девор пахсадан барпо этилган бўлиб, унинг қалинлиги 1,9 м.ни ташкил қилади. Пол сатҳида асосан, милоддан аввалги IV-III асрларга оид кўплаб хум қолдиқлари аниқланди. Ҳозиргача бу деворни ҳали тўлиқ очиш имконияти бўлмади.

Ғарбий йўналишдаги йўлакнинг жанубий девори ҳам қисман очилди. Бу ерда йўлакнинг кўндаланг равишда икки девор орасида эни 1,15 м бўлган 2021 йилда солинган шурф кенгайтирилиб, пол ости қатламлари ўрганилди. Йўлакнинг бу қисми шимол-ғарб йўналишидаги йўлак поли остидаги қатламлардан кескин фарқ қилади. Полнинг қалинлиги 7-10 см бўлиб, у 35-37 см қалинликдаги кул ранг кум тўлдирма устида барпо этилган. Кум тўлдирма остида квадратсимон ва тўғрибурчакли хом ғишт тўшамалари (42x46x12 см, 41x45x12 см, 42x20x12 см) аниқланди. Хом ғишт тўшамаларининг икки ён томони яхши тозаланган пахса девор қирраларини эслатади. Ғиштлар ҳам кум устига тўшалган. Шурфда материккача қазув ўтказилмади.

8-қазишманинг жанубий секторида 2021-йилда очилган хоналарда қазиш ишлари кенгайтирилиб, умумий ҳисобда бир-бирига туташ 3 та хона очиб ўрганилди. Хоналарнинг умумий узунлиги 8,5 м бўлиб, шимолдаги 1-хона ва жанубдаги 3-хона 2 та тенг кичик хоналарга ажратилган. Кичик хоналар тўғрибурчак (1-хона 1,9x2,2 м) ва квадрат шаклда (3-хона 1,9x1,9 м). Кичик хоналар билан бирга барча хоналарнинг бўйи 4,25-4,3 м.ни ташкил этади. Хоналарнинг девор қалинлиги 40 см бўлиб, ўлчами 38x38x10 см бўлган хом ғиштлар ёрдамида барпо этилган. Фақат 3-хонанинг жанубий девори 60 см.ни ташкил этади. Деворларнинг сақланиб қолган баландлиги 1-хонада 90-95 см.гача, жанубий хоналарда 25-30 см.гача етади. 1-хонадан жуда кўплаб кул, кўмир, суяк ва сопол қолдиқлари аниқланган бўлиб, афтидан бу хонада ўчоқ жойлашган. Сополлар ва қурилиш материалларининг таҳлили, уларни Хоразмнинг бошқа ёдгорликлари (Кўйқирилган-қалъа, Тупроқ-қалъа) билан солиштириш асосида милодий III-IV асрларга тегишли эканлигини кўрсатади. Кириш жойлари хоналардан хоналарга ўтиш орқали амалга оширилган.

8-қазишманинг шимоли-ғарбий секторида қазиб очилган хоналардан бирида деярли қазишма юзасидан 20-25 см чуқурликда, кенлиги 3 қатор, бўйига 8-9 қатор сақланган ўртаси ботиқ шаклдаги пишган ғишдан (ҳажми 34x23x4 см) терилган пол сатҳи аниқланган эди. 2022 йилда бу хонанинг атрофи кенгайтирилиб, ундан жануби-ғарб томонда хом ғиштлардан терилган йирик платформа қолдиғи кузатилади. Унинг катта қисми кейинги даврлардаги инсон ҳаёт фаолияти давомида кучли емирилган. Афтидан, бу шу хона учун супа вазифасини бажарган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Жанубий-шарқий секторда қазиш ишлари ер юзасидан 0,8 м. дан 1,5 м гача чуқурлашилди. Унинг шарқий томонида юқори қисмидаги зич кул ранг қатламларда (қалинлиги 40-70 см) асосан XVIII-XIX асрларга оид бўлган сопол идиш бўлаклари

қайд этилди. Жанубий қисмида қазишма юзасидан 0,8-1,5 м пастдаги ўртача зичликда ва юмшоқ кул ранг қатламлар кўплаб илк ўрта асрлар сополлари кузатилди.

5-шурф. Шурф (**Ш №5**, 2x2 м) 8-қазишмадаги марказий секторнинг шимоли-ғарбий бурчагида амалга оширилди. Умумий ҳисобда қазишма юзасидан 4,3 м чуқурликда ер ости сувлари сатҳигача тушилди (маданий қатламлар пастдан юқорига қараб тавсифланган). Бу сатҳда кумлоқ лойқа материк қатлам, унинг устида эса 20 см қалинликда қизғиш лойқа материк қатлами кузатилади (IX ярус). Бу қатламни 35-40 см. ли кул ранг кумлоқ лойқа яшимтир линзалардан иборат қатлам қоплаб туради, яъни 4,1 м чуқурликда маданий қатламлар бошланади (VIII ярус). Бу ерда асосан ёнган куйган тупроқ излари, майдаланган сопол қолдиқлари учрайди. Ушбу қатлам устида кул қатлами ҳосил бўлган ва асосан шурфнинг шимоли-ғарбида шаклланган. Кул қатлам устида IX-XI асрларга оид сополлар парчалари, суяк ва шишадан ишланган буюмлар қолдиқлари кузатилади. Бу кул қатлами шимоли-ғарбий қирқимда кузатилган чуқур ўранинг туб қисмига тўғри келади (VII ярус). Ўра шурф тепасидан унинг ғарбий қирқими бўйлаб архаик ва антик давр қатламларини кесиб тушган бўлиб, афтидан, унинг асосий қисмини ғарбий қирқимни кенгайтириш орқали аниқлаш мумкин. Кул қатламини оч кулранг тусдаги тупроқ қатлами (қалинлиги 30-40 см) қоплаб туради (VII ярус боши VI ярус охири). Бу қатлам тепасида қизарган, куйган тупроқ изларидан иборат қатламлар давом этади (VI ярус). Ер ости сувлари сатҳидан 1,9 м баландликда пахса деворнинг пастки қисми кузатилади (V ярус). 60-80 см. ли пахса девор устида ўртача зичликдаги суяк ва оқ доғлар аралашган кул ранг қатлам (қал. 30-40 см) шаклланган (IV ярус боши III ярус охири). Унинг тепасида ўртача зичликдаги ёнган доғлар ва яшил қатламчалардан иборат кул ранг қатлам (қал. 20-55 см) давом этади (III ярус). Бу қатламдан юқорида сопол ва кўмир аралаш қаттиқ кул ранг қатлам (қал. 12-70 см) кузатилади (II-III яруслар). Энг юқори қатламлар юмшоқ кул ранг тупроқ ва кесаклар аралашган ўртача зичликдаги қатламлардан иборат (I-II яруслар).


Шурфда олиб борилган қазиш ишлари давомида платформанинг ташқи қиррасини аниқлашга имкон бермади. Материк устидаги қатламларда шаҳар тарихини даврлаштирувчи манбалар аниқланмади. Шурфнинг қуйи қатламларида (3,5 м гача) IX-XI асрларга тегишли топилмаларни жамлаган ахлат ўранинг мавжудлиги платформа деворининг ташқи чеккаларига шикаст етказган. Бироқ 5-шурфдаги ўрадан топилган IX-XI асрларга оид сопол буюмлар шаҳарнинг ғарбий қисмидан бу даврда ҳам фойдаланилганлигини кўрсатади.

6-шурф. 8-қазишманинг жануби-шарқий секторида энг чекка қисмида солинган шурфнинг (**Ш. №6**) умумий чуқурлиги 3,52 м. ни ташкил этди. Шурф 3,5 м чуқурликда қадимги иншоот деворлари ва хом ғиштлар тўшамаси аниқланган сатҳда тўхтатилди. Шурфнинг ғарбий қисмида пахса девор ва унга параллел равишда жойлашган хумдон бўлақлари – футеровкалардан терилган яна бир девор кузатилади. Уларни ўртасини 20 см. ли кум билан тўлдирилган ариқча ажратиб туради. Ушбу деворларнинг шарқий томони кул ранг кум билан тўлдирилган бўлиб, 45 см қалинликдаги кумлар тозалаб очилгач, унинг остидан хом ғиштлар (ҳажми, 44x45x11-12 см)

тўшамаси аниқланди (VII ярус). Ғишт таҳламлари шарқий томонга давом этганлиги қирқим остида кўзга ташланади. 1,5 м қалинликдаги жигарранг сопол ва суяклар аралаш ўртача зичликдаги юқори қатламларда (III-VI яруслар) ҳеч қандай меъморий қолдиқлар кузатилмасда, антик даврга тааллуқли маданий қатламлар яққол кўзга ташланади. Юмшоқ кул аралаш яшил ва кул ранг ўртача зичликдаги юқори қатламлар (I-III яруслар) илк ўрта асрлар сополларидан ташкил топган.

Тадқиқотлар давомида архаик давр сополлар қолдиқлари ҳам аниқланиб, идишлар орасида асосан, манжетсимон гардишли хумчалар кўпчиликни ташкил этади. Топилмалар таҳлили, уларнинг Ёз II, Ёз-III ва ХБТ-II мажмуаларига ўхшашлигини кўрсатди ва бундай типдаги сопол намуналари Хоразм ва Шимолий Бактрия, Марғиёна ва Серахс худуди бўйлаб мил.ав. VI-IV асрларда кенг тарқалган (Воробьева, 1959, С. 63-78; Массон, 1955. С. 3-9; Тереножкин, 1950. С. 155-156; Дьяконов, 1954. С. 121-140; Баратов, Матрасулов, 2003. С. 38-45). Ушбу типдаги сополлар шаҳарни даврлаштиришда муҳим маълумот сифатида унинг вужудга келишини милoddан аввалги VI-V асрлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Сопол буюмлар ичида антик давр илк босқичига (милoddан аввалги IV-III асрлар) ва сўнги антик давр (милодий I-IV асрлар) сополлар мажмуаси ҳам катта ўринни эгаллайди. Кейинги икки йил давомида аниқланган айрим сопол ҳайкалчаларнинг ўхшаши ҳозирда ҳеч бир ёдгорликда аниқланган эмас. Уларнинг иконографиясида ўзига хос тасвирларнинг ажралиб (2,1-2-расм) туриши қадимги Хоразм коропастикасида янги типларни ажратишга кўрсатишга хизмат қилади. Сўнги антик давр қатламларидан буқа тасвирли (2,3-расм) сопол намунасининг топилиши Чап қирғоқ Кат-қальанинг ўрта аср манбаларида Ёкут ал Ҳамавийнинг “Китоб муъжам ал-булдон” асарида келтирилган “Ғавшфинж” шаҳри билан қиёсланиши учун асос бўла олади ва бу ерда буқа култи билан боғлиқ иншоот қолдиғи мавжудлигига ишора бўлади.



2-расм. Сўнги антик давр сопол ҳайкалчалари

Илк ўрта асрларга (VI-VIII асрлар) оид сопол буюмлар мажмуи қадимгиларига қараганда камроқ миқдорда гавдаланади, аммо улар орасида ҳам ифодали буюмлар учрайди. Ушбу мажмуага доир сопол идишлар ичида ўзига хос вазасимон кўчма оташгоҳларнинг аниқланиши бу даврда зардуштийлик дини билан боғлиқ расм-русумларни ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

IX-XI асрларга тегишли сопол буюмлар мажмуига даҳлдор янги намуналар қўлга киритилди. Жумладан, бир тутқичли, таг қисмида 3 та бўртма оёқчалари бўлган кўзанинг намуналари Хоразмнинг Жигарбант, Олмаотишган-2 ёдгорликларининг IX-XI асрлар қатламларида ҳам аниқланган (Вишневская, 2001. С. 144. Рис. 15, б). Идишларни асосан сирланмаган ва сирланган идишларга ажратиш мумкин.

XVIII-XX аср бошларига тегишли сопол буюмлар шаҳардаги барча қазилма-ларда аниқланган бўлиб, сирланмаган ва сирланган идишлар билан ажралиб туради. Бу даврга тааллуқли идишлар 8-қазилманинг жануби-шарқий секторида кўплаб қўлга киритилди. Улар орасида кўзалар, тоғора, чироғдонларни алоҳида қайд қилиш мумкин.

Шу билан бирга тадиқотлар жараёнида 2022-йил 16-21-май кунлари ЕТТБ нинг Хоразмдаги Интеграллашган Маданий Мерос Дастури доирасида Лой архитектура-сида замонавий усулларни қўллаш буйича семинар-тренинг ҳам бўлиб ўтди¹⁰. Тренинг доирасида 8-қазилма жанубида тўлиқ очилган мил. II-IV асрларга тегишли 3 хона қолдиқлари сомон сувоқ ёрдамида консервация қилинди. Шунингдек, очилган археологик объектларнинг юзасини геотекстил матоси билан қоплаб, устига ёйилган тупроқни шиббалаш орқали консервация қилиш тажрибаси ҳам қўлланилди (3-расм).



3-расм. II-IV асрлар тегишли хоналарнинг консервацияси

¹⁰ Семинар тренинг Франциянинг Лой архитектураси халқаро маркази етакчилигида (CRAterre, Шамсиа Садозаи бошчилигида) Хоразм Маъмун Академияси ва Урганч Давлат Университети билан ҳамкорликда бажарилди.

Шундай қилиб, археологик тадқиқотлар ёдгорликнинг ғарбий қисмида антик даврга оид иншоотлар қолдиқларини ўрганишда муҳим маълумотларни тақдим қилди. Мавжуд маълумотларга кўра, шаҳарнинг ғарбий қисми аксарият ҳудудида ҳаёт антик даврининг сўнгги босқичига фаол бўлган. Илк ўрта асрлардан кейин то охириги босқичига ушбу ҳудуддан чиқиндиларни ташлаш учун фойдаланилган ва буни кўрсатилган даврларга оид кўплаб ахлат ўралари аниқланганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баратов С.Р., Раҳманов У.В., Матрасулов Ш., Садуллаев Б., Раҳимов Ш. Археологические исследования поселения Хумбузтепа в 2011-2012 годах. // Археологические исследования в Узбекистане в 2012 году. Самарканд, 2013.
2. Воробьева М.Г. Керамика Хорезма античного периода // ТХАЭЭ. Т. 4. М., 1959.
3. Садуллаев Б.П., Абдиримов Р., Собиров С.У., Раҳимов Ш.Б., Исмоилов Ш.З., Абдуллаев Ж.Р. Чап қирғоқ Кат-қалъада олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 14-сон. –Самарқанд, 2022.
4. *Yāqūt Ibn- 'Abdallāh ar-Rūmī/Wüstenfeld, Ferdinand*, 1808-1899 [Herausgeber]: Jacut's Geographisches Wörterbuch aus den Handschriften zu Berlin, St. Petersburg und Paris auf Kosten der deutschen morgenländischen Gesellschaft. Dritter band. Verlag: in Commission bei F. A. Brockhaus. Leipzig 1868. Signatur: A.or. 981-3.
5. Массон В.М. Древнемаргианское поселение Яз-Депе. №3. Ашхабад, 1955.
6. Тереножкин А. И. Согд и Чач // КСИИМК. Вып. XXXIII. М.–Л., 1950.
7. Дьяконов М. М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА Вып. XIX. – V. М., 1954.
8. Баратов С., Матрасулов Ш. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане 2002 год. Вып. 3. Самарканд, 2003.
9. Вишневецкая Н. Ю. Ремесленные изделия Джигербента (IV в. до н.э. – начало XIII в н.э.). М., 2001.

2022 ЙИЛДА АФРОСИЁБ ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Саидов М.М., Очилов Ш., Бадриддинов Д.

Афросиёбнинг шимоли - ғарбий қисмида жойлашган 49-объектда қазув ишлари 2019-йилда бошланган бўлиб, асосий мақсад Афросиёбнинг шимолий ғарбий қисми топографиясига аниқлик киритиш, қорахонийлар даври моддий маданиятини ўрганиш, палеоботаник, палеоантропологик материаллар ёрдамида шаҳар аҳолиси турмуш даражасини ўрганишга қаратилди.

2020-йилда 5x5 ўлчамдаги майдонда қазув ишлари олиб борилиб, бу ерда битта қабр ўрни тўлиқ очиб ўрганилган, қолган учта қабрнинг контри белгиланган эди. Ушбу қабрлар ер сатҳидан 70-100 см пастдаги аралаш қатлам остида аниқланган бўлиб, улар 40x25x10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан бунёд этилган Шу асосда, ушбу (Саидов, Рахимов, Очилов, 2019. 284-286 бб; Саидов, Рахимов ва бошқ. 2020. 138-139 бб.) 2021-йилда олиб борилган тозалаш ишлари давомида яна 9 та қабрнинг контрлари аниқланди.

2021-йилда қазишманинг жануб томонидаги 5x5 м бўлган майдонда эса учинчи ярусда эса ўлчамлари 40x20x9-10 см бўлган хом ғиштдан терилган иккита девор қолдиқлари кузатилди (Саидов, Рахимов, Очилов Назаров, 2023. 123-128 бб.). 2022 йилда эса ушбу хонанинг ўлчамларига аниқлик киритиш мақсадида қазув ишлари жануби шарқда 5x5 м, жанубда 10x5 м ўлчамда кенгайтириш орқали олиб борилди.

Қазишма ишлари 2021-йилда очилган қазишманинг шарқий томондан 5x5 м (шарқий қазишма), жанубий томондан эса 5x10 м ўлчамли майдонда (шимолий қазишма) олиб борилди.

Қазув ишлари давомида биринчи ярус (0-50 см) асосан аралаш қатламдан иборатлиги кузатилди. Хусусан, ушбу ярусда аралаш ҳолатда сирланган ва сирланмаган сопол синиқлари, ҳайвон суяклари, тош ва пишган ғишт бўлақлари, мисдан ясалган металл буюм қолдиқлари қайд этилди (1- расм).

Иккинчи яруснинг (0,50-1 м) юқори қисмида, шарқий қазишманинг шимоли-шарқий бурчагида тандир излари қайд этилди. Қазув ишлари давомида тандир махсус ўраб олинган супа устида бунёд этилганлиги ва юқори қисми яхши сақланмаганлиги аниқланди (2-расм). Хусусан, диаметри 76 см бўлган тандир жойлашган супа ер сатҳидан 75-80 см пастда, шартли равишда биринчи сатҳ, деб номланган қаттиқ юза устида жойлашган. Ғарбий томони 20-21x22-27x21-25x7-9 см ўлчамдаги тик қилиб терилган хом ғиштлар билан ўраб олинган. Шимолий ва шарқий қисми қазилмаган майдон остига тўғри келади. Жанубий қисми ва юза қисми кучли бузилган ва бу ерда кўплаб чўпонота тош бўлақлари кўплаб учрайди.

Тандирнинг жануби-ғарбий қисмида диаметри 60-65 см, чуқурлиги 50 см бўлган ўра аниқланиб, унинг ичи дастлаб кул билан тўлдирилиб, кейин юза қисми тупроқ билан кўмиб ташланганлиги қайд қилинди.



1-расм. 1-қазув жараёнида аниқланган танга ва металл буюмлар



2-расм. Тандир қолдиги

Тандир ичидаги қатламдан палеоботаник таҳлил учун 21 кл тупроқ олинди. Таҳлил натижаларига кўра, тандир ва кул-тупроқдан тандир ичидан, 44 та турли хил ўсимлик, жумладан, 3 та узум (битгаси ёмон сақланган), 5 та гуруч, 1 та олма ва бошқа ўсимлик уруғлари аниқланди.

Жануби-ғарбий томондаги кул қатламдан (ўрадан) 2 кл тупроқ олинди. Унда 2 дона узум уруғи, оғир чўкмадан эса тухум пўчоғи парчалари аниқланди.

Шарқий қазишманинг ғарбий томонида эса ушбу сатҳ юзасида 38-40x20-22x7-8 см ўлчамдаги хом ғиштлар билан терилган қурилма қолдиқлари кузатилди. 1 м² дан зиёд майдонни эгаллаган қурилма яхши сақламанганлиги туфайли унинг функционал вазифаси ҳақида фикр айтиш қийин. Қурилманинг шимолий ғарбий бурчагида ўра қайд қилиниб, унинг ичидан кўплаб сопол парчалари билан бирга мис танга, металл парчаси (мих) топилди.

Иккинчи ярусда ҳам аралаш ҳолатда сирланган ва сирланмаган сопол синиқлари, ҳайвон суяклари, тош ва пишган ғишт бўлаклари қайд этилди.

Қазишманинг жанубий томонида гипсли сувоқ қолдиқлари кузатилди. Гипсли сувоқда ҳеч қандай белги, тасвир учрамайди. Бундан ташқари бу ерда устун остига терилган пишган ғишт қолдиқлари кузатилади.

Жанубий қазишманинг иккинчи ярусидан иншоот қолдиқлари қайд қилинмади. Топилмалар шарқий қазишма топилмаларига ўхшаш. Фақатгина бу ерда ҳам иккинчи ярусдаги каби биринчи сатҳда ҳам гипс ёки ганч қолдиқлари кузатилди. Бундан ташқари сатҳ юзасида илк ўрта асрларга мансуб мис танга қайд этилди.

Бундан ташқари ёдгорлик атрофида геофизик изланишлар ҳам олиб борилиб, қазишманинг шарқий томонида бир қатор иншоот қолдиқлари кузатилди.

Қўлга киритилган маълумотлар шаҳарнинг ушбу қисми илк ўрта асрларда қаровсиз қолдирилгач, XI асрдан қайта ўзлаштирила бошланганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, бир қатор турар жойлар билан бирга шаҳарнинг шимолий ғарбий қисмида йирик қабристон ҳам шаклланганлиги борасида бирламчи хулосага келинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саидов М., Нормуродов Д., Очилов Ш. Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилган қазишма ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 11-сон. Самарқанд, 2020.
2. Саидов М. М., Раҳимов К. А., Сандибоев А., Рашидов Н., Назаров А, Очилов Ш., Бадридинов Д. Самарқанд шаҳри ҳудудида 2020 йилда олиб борилган археологик қидирув тадқиқотлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 12-сон. Самарқанд, 2020.
3. Саидов М. М., Раҳимов К. А., Очилов Ш., Назаров А. Афросиёб ёдгорлигидаги қазув ва Самарқанд вилоятида олиб борилган дала қидирув ишлари // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 13-сон. Самарқанд, 2023.

АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ НА СУЛЕЙМАНТЕПА В 2022 г.

Саидов М. М., Воякин Д. А., Сорокин Д., Хужамов С.,
Гильберт С., Долгушев А., Гурулев М., Кузьминова А.

В 2022 году были проведены научно-исследовательские работы по изучению раннехристианского памятника Сулеймантепа. Объект расположен в Ургутском районе Самаркандской области, в предгорной местности на южной окраине города Ургут. В экспедиции приняли участие специалисты из Узбекистана, Казахстана, США.

Ранее с 2004 по 2008 год на этой территории уже проводились археологические работы, в результате которых был открыт монастырь, датируемый IX-XIII вв (Грицина, Савченко, Иванов, 2006; Грицина, 2018. С. 123-127).

Целью исследований 2022 года был поиск некрополя, относящегося ко времени существования данного монастыря, а также продолжение работ на его территории.

Исследования на памятнике состояли из нескольких этапов:

1. Подготовительный этап, состоящий из проведения геодезических и геофизических работ на будущих участках исследований;

2. Проведение археологических работ на двух участках: монастырь, некрополь;

3. Обследование близлежащих гор на предмет наличия наскальных надписей.

В процессе проведенных работ были получены следующие результаты:

1. С помощью геодезических работ с применением GNSS приемника Trimble R3 и лазерного тахеометра Leica TCR 407 был подготовлен топографический план монастыря и прилегающей территории, создана трехмерная модель рельефа, с использованием геомагнитного сканера GSSI SIR 300 с антенной 270 МГц проведено геомагнитное сканирование будущих участков археологических исследований.

Геофизические работы были проведены на участке Сулеймантепа (монастырский комплекс) и Сулеймантепа 1 (монастырский некрополь). В частности, на участке №2 расположенного к юго-западу от монастыря были получены следующие результаты:

На глубине от 0 до 76 см выявлены аномалии в крайней северной и южной частях участка, в центральной части участка видны следы аномалий низкой плотности, скорее всего, относящиеся к нижним слоям;

С глубины 51 см и до 127 см видны аномалии высокой плотности, и они расположены по всей площади участка. Его можно разделить на три части-северную, центральную и южную. Северная часть расположена вдоль северного края участка и отделена от центральной части полосой низкой плотности, шириной около двух метров, проходящей через весь участок. В центральной части участка также видна полоса аномалий шириной около шести метров, внутри которой можно увидеть отдельные аномалии округлой формы. В южной части участка

выявлена полоса шириной около 6 метров, на которой находятся аномалии в виде линий, вытянутых с севера на юг.

Обобщая полученные результаты, можно сказать, что на этом участке находятся три отдельные крупные структуры, вытянутые с запада на восток. Северная часть участка была раскопана в 2022 году, на глубине 1,3 метра была выявлена вымостка из крупной гальки.

2. На территории монастыря были заложены три раскопа – раскоп №1 снаружи монастыря в юго-западной части, раскоп имеет трапецевидную форму, вытянут с севера на юг, размеры 8х7 м. Раскоп №2 расположен восточнее раскопа №1 также снаружи монастыря, заложен на месте старого шурфа, расширением до размеров 4.7х2.8 метра, вытянут по линии З-В, Раскоп №3 расположен внутри монастыря, вдоль южной стены (размеры 10.5х0.5 м) (рис. 1, 2).

В результате проведенных работ на раскопе №1 на глубине 1.3 метра выявлена мостовая, идущая с запада на восток вдоль южной стены, ширина мостовой 2.4 метра, выявленная длина 6.5 метров. В западной части мостовая имеет подъем в виде ступени, высота ступени достигает 40 см. На территории раскопа №2 был достигнут материковый слой на глубине 205 см, в северном профиле раскопа видна кладка из крупного галечника, являющаяся основанием внешней стены, также на ней расположены крупные пахсовые блоки тела стены. На территории раскопа №3 был расчищен и задокументирован внутренний фас внешней южной стены, глубина раскопа составила 2.3 метра.



Рис. 1. Территория ST - монастырь. Раскоп № 1-3, общий вид. Вид на юг

В ходе раскопок с южной стороны стены от ранее раскопанных монастырских сооружений, были выявлены бордюр, сложенный из крупных и мелких скальных камней, отделявший каменную мостовую снаружи. Так же расчищена булыжная

мостовая, со следами повреждения, последующего ремонта и засыпки в более позднее время утрамбованным плотным суглинком. Расчищена с южной стороны монастырская стена, с поврежденной кладкой из камней и пахсы. Зафиксированы следы разрушений и оплывов грунта и осыпи с внешней стороны, произошедших после ухода обитателей монастыря в конце XIII века. Все это говорит о том, что после XIII века жизнедеятельность на территории монастыря прекратилась, и возобновилась лишь в начале XX века, когда монастырь пребывал в разрушенном состоянии, перекрытый слоем грунта, и поросший густо растительностью.



Рис. 2. Территория ST - монастырь. Раскоп №2, общий вид. Вид сверху

В процессе поисковых работ на прилегающей к монастырю территории были обнаружены фрагменты человеческих костей, выявленных при проведении земляных работ с применением экскаватора. Данный участок расположен в 240 метрах южнее монастыря на территории сада. Извлеченные останки были отправлены в лабораторию для проведения радиоуглеродного датирования.

В результате на территории могильника был разбит раскоп, вытянутый вдоль склона по линии ЮЗ-СВ, размерами 22x7 м, раскоп состоит из 3 террас, опускающихся по склону с ЮВ на СЗ. Всего на территории некрополя было исследовано 17 погребений. Раскоп №3 расположен внутри монастыря вдоль южной стены (размеры 10.5x0.5 м) (рис. 3). Погребения ориентированы по линии запад-восток, конструкция погребений представляет собой входную яму, расположенную с востока, выкопанную на глубину около 1,5 метра и погребальной камеры, в виде подбоя в западном направлении, проход между входной ямой и погребальной камерой был заложен сырцовыми кирпичами.



*Рис. 3. Зона ST_1 - кладбище. Общий вид. Заключительная фотография.
Вид на восток*

При изучении внутренней поверхности погребальных камер и могильных ям обнаружены следы инструмента, которым выкапывался грунт и форма погребальной конструкции. Инструмент, скорее всего, выглядел в виде деревянного стержня к концу которого крепилась заостренная металлическая пластина шириной от 2 до 4 см.

Сами погребальные камеры были засыпаны грунтом прежде, чем проход в них закладывали сырцовыми кирпичами, также грунтом подсыпали пол погребальной камеры и затем помещали тело умершего.

Погребенных укладывали на спину в вытянутом положении, руки скрещены на поясе, ноги к востоку, головой к западу лицом слегка приподнято взором на восток. Раскоп №3 расположен внутри монастыря, вдоль южной стены (размеры 10.5x0.5 м) (рис. 4). Погребального инвентаря не обнаружено, все захоронения принадлежат мужчинам, только в одном погребении был обнаружен небольшой керамический светильник.

Планировка некрополя достаточно четкая – погребения расположены сеткой, расстояние между ними запад-восток около 1,5 метра, север-юг около 1 метра. Часть погребений была обнаружена в профиле раскопа, а также в обрыве рядом с раскопом.



*Рис. 4. Рисунок 121 - Зона ST_1 - кладбище. Элемент № 60, 61, 62, 63 после очистки.
Вид на юг*

Это указывает на то, что границы некрополя простирались за пределы нынешнего раскопа. Дальнейшие исследования позволят получить больше информации о границе памятника, изучение антропологического материала и проведение анализов ДНК позволит лучше понять кто и в каких условиях проживали на территории монастыря.

Раскопки, в результате которых был обнаружен некрополь в Сулеймантепа (ST-1) предоставляют значительную информацию относительно обитателей средневекового монастыря, обнаруженного раскопками чуть более двух десятилетий назад. Согласно текущей интерпретации, некрополь содержит останки монахов, живших в монастыре и на основании радиоуглеродных данных и остеологической информации полученных из останков датируемые IX - X вв.

При беглом изучении данных останков можно сделать очевидный вывод, что все погребенные, которых можно окончательно идентифицировать (13 из 17 могил), были мужчинами. В трех из четырех могил, для которых не удалось определить пол, отсутствовали череп и таз из-за повреждений, полученных либо в результате предыдущих строительных работ, либо в результате механических раскопок во время первоначального открытия кладбища. Четвертое захоронение, в котором пол не удалось определить, принадлежало, возможно, подростку, что делает окончательное заключение менее определенным. Даже в этих четырех могилах все кости были взрослого размера и крепкие, что подтверждает вывод о том, что все погребенные были мужчинами. Сравнение с другими христианскими некрополями и Церквей Востока в Центральной Азии показывает на широкую смесь взрослых и несовершеннолетних захоронений, перемежающихся и даже

похоро-ненных вместе, возможно, в семейных группах. В Центральной Азии не известно ни одного другого строго разделенного мужского кладбища. То, что кладбище является христианским, не вызывает сомнений, наличие захоронений в направлении запад-восток. Каждое захоронение тела уложено в лежачем положении, голова погребенного находится с западной стороны, а ноги - в восточной части погребальной камеры. В десяти из тринадцати погребений с неповрежденными черепами (77%) голова была слегка приподнята и подложена "подушка". Эта практика была зафиксирована в среднеазиатских христианских индивидуальных могилах в Согде (Узбекистан), а также на некрополях Семиречья/Жетысу (Кыргызстан и Казахстан) в средневековый период. В то время эта практика была широко распространена во всем христианском мире.

3. Проведены работы по обследованию близлежащих гор на предмет наличия наскальных надписей, относящихся ко времени существования монастыря. Обнаруженные надписи ранее уже известные, новых надписей пока не выявлено. Данная работа более основательно будет проводиться в последующие годы. Планируется подготовка картографического материала с локализацией мест с надписями, проведение подробной документации, включающей фотофиксацию, создание трехмерных моделей поверхностей на которых нанесены надписи, перевод и интерпретация.


СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Грицина А.А., Савченко А.В., Иванов Г.П.* Отчет о работах Восточно-Согдийской археологической экспедиции АН Узбекистана и АН Украины. Самарканд–Киев, 2006.
2. *Грицина А.А.* Трансоксиана-Мавераннахр: христианство и манихейство // Религии Центральной Азии и Азербайджана. Том IV. Христианство. – Самарканд: МИЦАИ, 2018. 104-157

2022-ЙИЛДА САМАРҚАНД ШАҲАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Саидов М., Раҳимов К., Сандибоев А.,
Раҳмонов Х., Арзиев К.

2022-йилда Самарқанд археологик экспедицияси томонидан Самарқанд шаҳар ҳудудида бир қатор археологик назорат ишларини олиб борилди (1-расм).



1-расм. Самарқанд шаҳридаги қазималар ўрни

Дастлабки археологик кузатув ишлари “Ёшлик” ўйингоҳи ҳудудида олиб борилиб, ушбу ҳудуд ўрни XIX аср охири - XX аср бошларига оид картографик маълумотларга кўра боғ бўлганлиги кузатилади. XX аср бошларига келиб ушбу ҳудудда пилла қуришиш заводи қурилади. Завод билан иншоотлар 1990-йилларда бузиб ташланади. Шундан сўнг текисланиб, стадионга айлантирилади. Белгиланган ҳудуд МИЦАИ томонидан георадар орқали тадқиқ этилган бўлиб, бунда белгиланган ҳудуднинг турли қисмларида нисбатан зичлик баланд бўлган қисмлар қайд қилинади. Георадар ҳамда картографик маълумотлар асосида стадион ҳудудида 6 та шурф ташланиб, унинг биттаси стадионнинг шимол қисмида, иккинчиси шарқда, учинчи ва тўртинчиси ғарбда, бешинчиси жанубда яъни, стадиондан ташқарида ва олтинчиси эса стадион марказида жойлаштирилди.

Шурфлар траншея шаклида 6x3 м ўлчамда ташланиб, ер сатҳидан 5 метр чуқурликка қадар етказилди. Шурфлар оралиғидаги масофа ўртача 25-60 м ни ташкил этди. Ушбу чуқурликда барча шурфларда лёсс-материк қатламлар қайд қилинди.

Шурфларда олиб борилган кузатув ишлари натижасида аниқланган қатламлар таркиби, тузилиш ва тузилмаси бир бирига ўхшаш эканлиги қайд этилди. Хусусан, 2 ярусга (1 ярус 0,5 м) қадар қатламлар қаттиқ шиббаланган бўлиб, ўта зич. Барча қатламларда 4 ярусга қадар (фақат 1 чи шурфда 5 ярусга қадар) аралаш қатлам кузатилиб, ушбу қатламда замонавий қурилиш қолдиқлари учрайди. Бу айниқса 1, 3 ва 6 шурфларда яққол намоён бўлиб, георадарда акс этган зичликлар шулар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу ярусдаги қатламларда замонавий чиқиндилар билан аралаш ҳолатда кам сонли теурийлар ва сўнгги ўрта асрларга оид сопол ва ғишт бўлақлари кузатилди.

5 ва 6 яруслар оралиғида 1,2 м қалинликгача оч кўк тусдаги тупроқ қатлам кузатилиб, унинг таркибида 10-12 асрларга оид сопол буюмлар қолдиқлари кузатилди. Хусусан, 5 шурфда VIII аср охиригача оид мис танга аниқланди.


Материк шимол томондаги шурфларда 3,2 м.да кузатилиб, жануб томон ва марказдаги шурфларда 3,20-3,5-4 м.да кузатилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоот қолдиқлари аниқланмади. Фақатгина 1 чи шурфда диаметри 70 см бўлган учта бадраб аниқланиб, ушбу бадраблар таркибида Қорахонийлар даврига оид сопол парчалари, пишиқ ғишт қолдиқлари ва узум данаклари кузатилди. 6 шурфда эса 5-6 ярусда сув ва қум излари (канал қолдиғи?) аниқланди. Бу ҳолат ҳудудни Самарқанд шаҳрининг таркибий қисми - рабоднинг ҳудуди доирасида бўлганлигини яна бир бора тасдиқлайди. Лекин, ушбу ҳудуд шаҳристон сингари зич жойлашмаган бўлиб, унда боғ ва дала майдонлари кўп учраган. Хусусан, Ибн Ҳавқал бу борада сўз юритиб, “...рабоднинг маркази ва унинг ҳамма бозорлари тўпланган ер Рас ат-Ток [ҳисобланади]. Кейин унга бозорлар, кўчалар ва маҳаллалар туташиб кетади, [рабад] нинг чеккасида эса бўш ерлар, қасрлар ва боғлар [жойлашган]... Карвонсаройлар ва савдо расталари [асосан] рабадда, [улар нинг] фақат бир қисми мадинада [жойлашган]. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги хариталарда ҳам ушбу ҳудудларнинг маълум бир қисми узумзор ва бошқа қишлоқ хўжалиги ерлари билан банд бўлганлигини кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, кузатув ишлари олиб борилган майдонда 1990 йилда олиб борилган қурилиш ва хўжалик ишлари натижасида Теурийлар ва ундан кейинги даврлар қатламлари бузилганлиги сабабли уларни кузатиш имкони бўлмади.

2-археологик назорат ишлари Самарқанд шаҳридаги У. Турсунов кўчаси 82-манзилдаги майдонда олиб борилди ва бу ерда турли хил ўлчамдаги 6 та шурф ташланиб, қатламларнинг хусусиятига қараб, 2,3-4,8 м чуқурликга қадар қазилди.

1-4-шурфлар таркибий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлиб, материкга қадар қазилди ва археологик топилмалар қайд қилинмади. 5-6 шурфлар чуқурлиги қарийб 5 м.ни ташкил этиб, энг қуйи қатламларда аралаш ҳолатда кулоллик идишлар парчалари, 37x18x5,5 см ўлчамдаги бир дона пишиқ ғишт қайд этилди. Бундай ўлчамдаги ғишт ва ўхшаш материаллар 2019-йилда қазилма ҳудудидан 150 м шимолий ғарбда олиб борилган археологик кузатувлар давомида аниқланган.



2-расм. Самарқанд шаҳридаги қазишмалар ўрни

Худудга оид картогорафик жумладан, тарихий хариталар, сунъий йўлдошдан олинган фототасвирлар маълумотлар таҳлил қилинганда, XIX аср охиридаги харитада очик яланглик, ҳудуднинг шимолий ва шимолий шарқий қисмида қабристон бўлганлиги акс эттирилган. 1970-йилдаги сунъий йўлдош тасвирида ҳам худуд очик майдон эканлигини кўриш мумкин. 1970-йилдан кейин майдон ўзлаштирилиб, бу ерда типография билан боғлиқ бир қанча маъмурий бинолар қурилган бўлиб, уларнинг айримлари 2020-2021-йилларда бузиб ташланган.

Шунингдек, худудга оид хариталарни жойлашуви қазишма олиб борилган худуд Амир Темураркини шимолий теграси билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. 1868 ва ундан кейинги айрим тадқиқотчиларнинг хариталарида ҳам бу борада схематик маълумотларни кўришимиз мумкин. Қайд этиш жоизки, хариталарда келтирилган Арк мудофаа деворининг ички ва ташқи томонидаги туташ жойларида ўртача 5-10 м бўш жой мавжудлигини кўриш мумкин.

3-худуд Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи, Афросиёб ёдгорлигининг шимолий, Сиёб ариғининг ўнг томонидаги худудида жойлашган. Худудда яъни, Афросиёб ёдгорлигининг шимолий, Сиёб ариғини ўнг томонидаги худудида олти шурфларда (6 та) қазиш ишлари олиб борилди.

Ҳозирда ушбу худудда мевали дарахтлар экилган бўлиб, шимолдан жануб томон пасайиб келади. Шурфлар ва Сиёб ариғи оралиғидаги масофа ўртача 15-25 м.ни ташкил этади.

Шурфлар 2x3 м ўлчамда бўлиб, худуднинг турли жойлашув сатҳига қараб 1,25-1,7 метр чуқурликга қадар қазилди. Шурфларнинг барчасида ушбу чуқурликда ер ости сувлари чиққанлиги сабабли материкга қадар тушиш имкони бўлмади.

Шурфда олиб борилган кузатув ишлари натижасида аниқланган қатламлар таркиби, тузилиш ва тузилмаси бир - бирига ўхшаш эканлиги қайд этилди. Хусусан, шурфларда асосий 4 та қатлам аниқланди.

1- қатлам. Чим қатламдан иборат.

2- қатлам. Бўз рангли тупроқдан иборат бўлиб, қалинлиги ўртача 20-60 см гача етади. Мазкур юмшоқ қатлам таркибида ўсимлик илдизларини қолдиқлари, ўрта асрларга оид кулоллик бўлақлари учрайди. Хусусан, 1, 2 ва 4 шурфларда ўрта ва сўнгги асрларга тааллуқли лаган, коса, хумча ва бошқа турдаги кулоллик идишлар бўлақлари аралаш ҳолда кузатилди.

3-қатлам. Сарик рангдаги юмшоқ тупроқли аралаш қатлам бўлиб, 25-110 см қалинликда учрайди. Қатлам таркибида ўсимлик илдизларини қолдиқлари учрайди. Фақатгина 2 шурфда 1,5 метрлар чуқурлигидаги аралаш қатламда бир дона 24x24x4 см ўлчамдаги пишиқ ғишт ва бўлақлари қайд этилди.

4-қатлам. Оч кул рангли ўртача зичликдаги аралаш қатлам бўлиб, 30-50 см қалинликда қайд этилди. Ушбу қатлам тупроғини таркибида ўсимлик илдизини қолдиқлари, сарғиш кесакчалар, занг доғлари кузатилади.

Кейинги ҳудуд Хожа Абду Берун масжидининг жануби-ғарбий томонидаги майдон бўлиб, бу ерда археологик маданий қатламлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида 2 та шурф ташланди. Шурфлар материкка қадар яъни 1,4-1,7 м чуқурликка қадар етказилди. Ҳар иккала шурфда ҳам материкка қадар қатламлар қабристон ва кейинги йилларга оид деҳқончилик ва хўжалик ишлари натижасида шаклланганлиги қайд этилди.

5 ҳудуд Самарқанд вилояти, Самарқанд-Тошкент йўлини ўнг, Зарафшон дарёсини чап томонидаги Чўпонота тепалигида (39.41.11 N: 67.03.10 E) жойлашган. Ушбу ҳудудда маданий қатлам мавжудлигига ойдинлик киритиш ҳамда белгиланган майдонни тўлиқ камраб олиш мақсадида ҳудуднинг турли жойларида 20 та шурфлар ташланиб, улар 20-80 см чуқурликка қадар қазилди. Қатламларнинг тузилиши бир бирига ўхшаш бўлиб, қуйидагилардан иборат.

1- қатлам. Чим қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 3-5 см га тенг.

2- қатлам. Бўз рангли юмшоқ тупроқдан иборат бўлиб, уни тупроғи ғавоқроқ, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этмайди. Унинг қалинлиги 10-35 см. гача етади. Мазкур қатлам таркибида таркибида археологик топилмалар кузатилмади.

3-қатлам. Иккинчи қатлам остида геологик қатлам, яъни қизғиш рангли тош қатлам кузатилади.

Шу билан бирга, белгиланган ҳудуднинг жанубий, шарқий ва ғарбий ҳудудларидаги қирқимларида олиб борилган тозалаш ишлари натижасида ҳам юқорида қайд қилинган қатламлар кетма кетлиги қайд этилди.


Археологик қазув ишлари давомида 20 та шурфда ҳам маданий қатлам, археологик топилмалар ёки тарихий аҳамиятга эга иншоот қолдиқлари қайд этилмади.

Барча объектлар бўйича олинган илмий хулосалар Самарқанд вилоят маданий мерос инспекциясига тақдим қилинди.

2022 ЙИЛДА КАРМАНА ТУМАНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ИШЛАРИ

Саидов М. М., Раҳимов К. А., Холматов А. Н.

Кармана ҳудуди археологик ёдгорликларини ўрганиш ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошланган бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар 1934 йилда Зарафшон экспедицияси томонидан амалга оширилади. Хусусан, изланишлар давомида Қияқўрғон, Дингак, Буркуттепа ва бошқа бир қатор археологик ёдгорликлар рўйхатга олинади (Якубовский, 1940). Кейинчалик, бу борадаги изланишлар ЎзР ФА Археология институтининг 1980 йилдаги Бухоро отряди ва 1986 йилдаги Навоий отряди томонидан амалга оширилади. Хусусан, 1986-йилда Ю. П. Манылов томонидан олиб борилган изланишлар давомида 28 та ёдгорликнинг рўйхати шакллантирилади (1-расм) (Манылов, 1987). Ушбу рўйхат асосида 2018-2019 йилдаги маҳаллий инспекция томонидан хатлов ўтказилиб, ушбу маълумотлар 04.10.2019 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 846-сон қарорига киритилади (Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари..., 2019).



1-расм. Кармана тумани археологик ёдгорликларининг жойлашув схемаси.
1986 йил (Манылов, 1987)

2022 йилдаги кейинги хатлов жараёнида Маныловнинг 1986 йилдаги ҳисоботи ва 846-сон қарорида келтирилган 28 та ёдгорликнинг маълумотлари ва жойлашуви тўғрисидаги маълумотлари кўпгина ҳолатда бир-бирига тўғри келмаслиги қайд этилди. Хусусан, Чиноқтепа ёдгорлиги Дархонтепа, Мозортепа ёдгорлиги Арабхона-1, Аллонттепа-1 ёдгорлиги Арабхона-2 мазорқўрғони билан нотўғри локализация қилинган. Шу билан бирга бир неча янги ёдгорлик қайд қилинсада улар эски

ёдгорликлар билан нотўғри қиёсланган.

Кузатув - қидирув ишлари давомида Ю.П. Манылов томонидан аниқланган ва топографик хариталари келтирилган рўйхат асосидаги барча ёдгорликлар ва янги аниқланган объектлар ўрни ва координаталари аниқ шакллантирилди ва туман археологик харитаси яратилди. Натижада, илгари рўйхатда бўлган 28 та ёдгорлик билан бирга қўшимча 18 та археологик ёдгорлик ўрни аниқланди. Ушбу ёдгорликлардан 8 таси мозорқўғонлар жамланмаси бўлиб, илгари рўйхатга олинган айрим мозорқўғонлар сонига ҳам аниқлик киритилди. Хусусан, Арабхона 3 да 7 та, Арабхона-4 да эса 7 та мозорқўғонлар қайд этилган бўлса, ушбу мавсумдаги изланишлар давомида мозорқўғонлар жамланмасида 34 та ва 26 та мозорқўғонлар жойи белгиланди.

Бундан ташқари Каттакон мозорқўғонлари 2, 3, Қоршилиқ, Диггарон 1,2, Ҳазора 1,2,3 мозорқўғонларида жами 130 дан зиёд мозорқўғонлар қайд этилди.

Шу билан бирга, 7 та археологик ёдгорликлар аниқланиб, уларнинг топопланлари чизилди, тавсифланди ва рўйхатга олинди. Туманнинг жанубий қисми ҳудудида эса илгари номаълум бўлган қоятош суратлари рўйхатга олинди.

Дархонтепа -3 ёдгорлиги Дархон аҳоли пункти жанубида, Чиноқтепа ва Дархонтепа-2 ёдгорликлари оралиғида жойлашган. Ёдгорлик овалсимон кўринишда бўлиб, диаметри 39-41 м, баландлиги 4 м. ни ташкил қилади. Дастлаб масофавий зондлаш орқали қайд қилиниб, кейин бевосита жойига бориб тадқиқ қилинди. Ёдгорликнинг юза қисмида кам сонли сўнгги антик ва илк ўрта асрларга мансуб сопол парчалари кузатилади.

Дўнгтепа. Аллон маҳалласи, Тоғгузар-2 аҳоли пунктнинг шимолида, Чиноқтепа ёдгорлигининг ғарбида жойлашган. Тепалиқ тўғрибурчак кўринишда бўлиб, томонлари 50x55 м. ни ташкил қилади. Дастлаб масофавий зондлаш орқали қайд қилиниб, кейин бевосита жойига бориб тадқиқ қилинди. Ёдгорликнинг уч томони дала майдони, жануби эса маҳалла кўчаси билан чегараланган. Атрофида майда сопол парчалари кузатилиб, шулар асосида сўнгги антик ва илк ўрта асрлар билан даврлаштирилди.

Хархона. Узумзор аҳоли пунктнинг жанубий шарқида, М-37 йўлидан 950 м шимолда жойлашган. Тўғрибурчак кўринишда бўлиб, томонлари 50x55 м. ни ташкил қилади. Дастлаб масофавий зондлаш орқали қайд қилиниб, кейин бевосита жойига бориб тадқиқ қилинди. Тепалиқ тўртбурчак кўринишда бўлиб, ўлчами 50x55 м.ни ташкил қилади. Тепалиқнинг устки қисмида сопол бўлаклари кузатилиб, шулар асосида сўнгги антик ва илк ўрта асрлар билан даврлаштирилди.

Янгитепа. Зарафшон дарёсининг чап қирғоғида, Ислонкент аҳоли пункти ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик дастлаб масофавий зондлаш орқали қайд қилиниб, кейин бевосита жойига бориб тадқиқ қилинди. Тепалиқ икки қисмдан – арк ва шахристондан иборат. Арк қисми 80x80 м ўлчамда бўлиб, баландлиги 7-7,5 м. ни ташкил этади. Тўрт томонида бурж ўринлари кузатилади. Шахристон қисми эса нотўғри тўғрибурчак кўринишда бўлиб, томонлари 135x145 м.дан иборат. Юза қисмидаги сопол парчалари асосида сўнгги антик ва илк ўрта асрлар билан даврланди.

Чиноқтепа-2. Янгиобод маҳалласи, Урганжи қишлоғи ҳудудида, Зарафшон дарёсининг чап томонида жойлашган. Нотўғри овалсимон кўринишда сақланган бўлиб, ҳозирги вақтда қабристонга айлантирилган. Ўртасида кичиккина баландлик қисми сақланган бўлиб, юза қисмида антик ва илк ўрта асрларга оид сопол парчалари қайд қилинган. Устки қисми шўрхоқ билан қопланган. 2010 йилларда Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан Чиноқтепа ёдгорлиги билан қиёсланган. Лекин, 1987 йилдаги архив маълумотлари асосида Чиноқтепа бошқа жойда локализация қилинганлиги туфайли, ушбу ёдгорлик Чиноқтепа-2 номи билан рўйхатга олинди.

Калтепа-2 ёдгорлиги Кармана шаҳридан 13 км шимоли шарқда, Зарафшон дарёсининг жанубида жойлашган. Овалсимон кўринишда сақланган бўлиб, ҳозирги вақтда устки қисми сурилган. 2010 йилларда Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан Калтепа ёдгорлиги билан қиёсланган. Лекин, 1987-йилдаги архив маълумотлари асосида Калтепа бошқа жойда локализация қилинганлиги туфайли ушбу янги ёдгорлик Калтепа-2 номи билан каталогга киритилди.

2021 йилда Самарқанд археология Институтининг мутахассислари томонидан ушбу археологик ёдгорликда унинг даврий санасига ойдинлик киритиш ва тарихий маданий қатламларини аниқлаш мақсадида археологик шурф кузатув ишлари олиб борилган. Тадқиқотлар давомида ёдгорлик 50x35 м ўлчамли майдонга эга эканлиги қайд этилиб, ёдгорликда 4 та шурф қазиб ўрганилган. Ўша вақтда ёдгорлик усти сурилганлиги ва устида чорпоялар ўрнатилганлиги қайд қилинган.

Мозортепа-2 ёдгорлиги Кармана марказидан 9 км ғарбда, Дўрмон маҳалласи ҳудудида жойлашган. Тўртбурчак кўринишда бўлиб, ҳозирги вақтда устки қисми қабристон билан қопланган. 2017-йилда Навоий вилояти маданий мерос бошқармаси томонидан Мозортепа ёдгорлиги билан қиёсланган. Лекин, 1987-йилдаги архив маълумотлари асосида Мозортепа бошқа жойда локализация қилинганлиги туфайли ушбу тепалик Мозортепа-2 номи билан рўйхатга олинди.


Айни вақтда 1970-1980 йилларда бузилиб кетган 2 та ёдгорлик ўрни ГИС тизими ёрдамида қайд этилди.

Олчинтепа. Жалойир МФЙ ҳудудида, Ғойиб ота қабристони рўпарасида жойлашган. Дастлаб масофавий зондлаш орқали қайд қилиниб, кейин бевосита жойига бориб тадқиқ қилинди. 1970 йилдаги космик суратларда белгиланган жой ўрнида тепалик кузатилган. 2000 йилдаги тасвирларда эса тепалик ўрни текис бўлганлигини кўриш мумкин. Тепалик ўрни бевосита кузатилганда, илк ўрта асрларга мансуб сопол парчалари қайд қилинди.

Урганжитепа. Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида, янги Урганжи аҳоли пункти ҳудудида жойлашган. Масофавий зондлаш орқали 1970 йилдаги космик суратларда белгиланган жой ўрнида тепалик ўрни кузатилган ва 2000-йилдаги тасвирларда эса тепалик бузиб ташланганлигини кўриш мумкин. Тепалик ўрни бевосита кузатилганда, унинг ўрни текис майдон эканлиги, лекин юза қисмида сўнгги антик ва илк ўрта асрларга мансуб сопол парчалари қайд қилинди.

Ҳозирги кунда туманда бирламчи маълумотларга кўра 46 та ёдгорлик қайд

қилинсада (2-расм), туманнинг жанубий қисми етарлича тадқиқ этилмаганлиги ва бу ерда қоятош тасвирлари кузатилганлиги келгуси йилда ушбу тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса бизга туманнинг тўлиқ археологик харитасини яратиш ва шу асосда ҳудудни ўзлаштириш динамикасини ёритиш имконии беради.



2-расм. 2022 йилда Кармана тумани археология ёдгорликларининг жойлашув схемаси

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 04.10.2019 йилдаги 846-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4543266>
2. *Маньлов Ю. П.* Отчет о работах в Навоийской области по теме: Составление карты археологических памятников Навоийской области в 1986 г. // Научный архив ИА АН РУз. Ф.2. Оп.1. Д. 76. Самарканд, 1987.
3. *Якубовский А. Ю.* Археологическая экспедиция в Зарафшанскую долину в 1934 г. // Труды отдела истории культуры и искусства Востока. Том. II. Ленинград, 1940.

2022 ЙИЛДА ҚЎРҒОНТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Сандибоев А.Н., Мураками Т., Бегматов А., Хўжамов С.Х.,
Арзиев К., Махаммадиев Ғ., Алимов А., Аззамов Ғ.Х.

Марказий Осиёнинг йирик қадимий маданий, тарихий-географик ўлкаларидан бири бўлган Суғдда илк ва ўрта асрларда шаҳарсозлик, қишлоқ маконлари, суғорма деҳқончилик, хунармандчилик, маҳаллий ва халқаро савдо муносабатлари, пул муомаласи юқори даражада ривожланган ўлкаларидан бири бўлган. IX-XII асрларга оид араб манбаларида, жумладан, ал-Истаҳрий, ибн Ҳавқал ва ал-Муқаддасий асарларида Самарқанд Суғдига қарашли бўлган рустоқлар (Бунжикент, Варақсар, Шовдор, Маймурғ, Дарғом, Санжарфағн, Абғар, Ёркат, Бурнамад, Бузможан, Кабуданжкат, Видор, Марзубон) ва шаҳарларнинг (Иштихон, Кушония, Добусия ва Арбинжон) номлари келтирилган (Истаҳрий, 2019. Б. 162-165; Ибн Ҳавқал, 2011. Б. 61-64; el-Makdisi'nin, 2018. С. 225; Бартольд, 1963. С. 144). Мазкур рустоқлардан бири Санжарфағн бўлиб, араб манбаларида қайд этилишича бу рустоқ нисбатан кичик рустоқ бўлган, унинг таркибига бир нечта қишлоқлар кирган (Истаҳрий, 2019. Б. 162; Ибн Ҳавқал, 2011. Б. 61). XVI асрга оид вақф ҳужжатларида бу рустоқ номи Санжар Фигон шаклида учрайди (Мукминова, 1966. С. 254-255, 275, 281). Бу рустоқ сўнги ўрта асрларга келиб Занжирбоғ шаклида қайд этилиб, у Аббос ҳамда Караунас ариқларининг орасида жойлашган (Вяткин, 1902. С. 38; Сандибоев, 2020. Б. 13). Санжарфағн рустоқи Бормиш (Аббосарик, Янгиарик) ва Башмин (Караунас, Қозонарик) каналларининг ўртасида жойлашган бўлиб, унинг маркази сифатида Эшонравот қишлоғида жойлашган Қўрғонтепа археологик ёдгорлиги билан локализация қилинган (Сандибоев, 2021. Б. 13). Ёдгорлик арк, шаҳристон ва рабод қисмларидан иборат.

Сўнги йилларда маҳаллий аҳоли томонидан ёдгорликнинг шаҳристон қисмидан тупроқ олиниши натижасида кесмада бир қатор гумбазсимон қилиб ёпилган хоналар ўрни қайд этилган. 2022 йилда аркнинг ғарбий томонида (1,3-қазиишмалар) ҳамда аркнинг шимоли-ғарбий томонида (2-қазиишма) археологик казув ишлари амалга оширилди (1-расм).

1-қазиишма Қўрғонтепа ёдгорлигининг шаҳристон қисмидан қазилган бўлиб, унинг ўлчами 5x6,5 м. Ушбу қазиишмада 2 та қурилиш даври кузатилди (2-3 расм). Жумладан, биринчи қурилиш даврига оид қатламдан 1-хона ўрни ҳамда унга туташ бўлган йўлак (каридор) очиб ўрганилди. Бунда хона тўғри тўртбурчак шаклда, ўлчами 2,25x1,7 м бўлиб, хонанинг ғарбий томонидаги девор ўрни сақланиб қолмаган. Хона деворларининг эни 1 м бўлиб, хом ғишт ёрдамида кўтарилган (50x30x7-8 см). Хонага кириш эшигининг ўрни жануб томонда қайд этилиб, унинг эни 1 м, коридор билан ўзаро боғланган. Хона поли кучли ёнғин натижасида қизғиш тус олган. Хона билан ўзаро туташган коридорнинг эни 1,5 м, бўлиб, унинг девори хом ғишт ёрдамида кўтарилган (50x30x8 см). Биринчи қурилиш даврига

оид бўлган кулолчилик идишлари VII-VIII асрларда Суғд ҳудудида кенг тарқалган.

Иккинчи қурилиш даври мазкур хонанинг юқори қисмида қайд этилди. Яъни, биринчи қурилиш даврига оид бўлган деворлар устига қурилган. Бунда қазишманинг жанубий томонида тор йўлакчасимон коридор ўрни очилиб, у шарқдан ғарбга томон йўналган. Мазкур коридорнинг деворлари пахса блокдан қилинган. Коридорнинг пол сатҳи қайроктошлардан қилинган. Коридорнинг шимоли – ғарбий томонида вертикал (тик) қилиб 9 дона хом ғиштлар терилган супа ўрни мавжуд. Бунда ғиштлар ўлчамлари 30-31x17x6,5-7 см. Иккинчи қурилиш даврига оид бўлган кулолчилик идишлари XI-XII асрлар билан даврлашади.

Умуман, 1- қазишмада иккита йирик қурилиш даври кузатилди. Унинг биринчи қурилиш даврига оид бўлган хом ғишт ўлчамлари Ахсикент (Анарбаев, 2013. С. 183) ва Кофирқалъа (Бердимуратов, Джоржети, Мантеллине, 2009. С. 69.) ёдгорликларида V-VII асрлар билан даврлаштирган. Иккинчи қурилиш даврига мансуб бўлган хом ғиштлар Афросиёб ёдгорлигида XII асрлар билан даврланади.

3-қазишма 1-қазишманинг шимолий қисмида кесмани тозалаш натижасида қайд этилган бўлиб, бунда томи гумбазсимон усулда хом ғишт ёрдамида ёпилган хона ўрни очилди (4-расм). Мазкур хонанинг эни 2,5 м бўлиб, пол юзасидан то гумбаз қисмигача бўлган баландлиги 2,5 м. Хонанинг ер сатҳидан товон қисмигача бўлган жойи пахса девор билан кўтарилган бўлиб, ҳар иккала томоннинг ҳам баландлиги бир хил яни 96 см. Гумбаз асоси бўлган товон қисми хом ғиштлардан терилган. Хона гумбази яхши сақланиб қолмаган. Гумбаз қурилишида фойдаланилган хом ғиштларнинг ўлчамлари 50x28-30x9-10 см.

Шунингдек, аркнинг шимоли-ғарбий томонидан қазилган 2-қазишмада 6 та хонанинг ўрни қирқмада тозаланди (5-расм). Бунда хоналар йўлакчасимон коридорлар шаклда, эни 2,1-2,55 м, баландлиги 2,52-2,8 м бўлиб, уларнинг томлари гумбазсимон усулда хом ғиштлар ёрдамида ёпилган. Бунда хона томони ёпишда хом ғиштлар икки усулда терилган. Яъни, биринчи усулда хом ғиштлар товон устидан вертикал тарзда ёни билан териб хоналар томлари ёпилган бўлса (1-4 хоналар), иккинчи усулда горизонтал қаламали ғиштли товон устидан хом ғиштлар вертикал тарздаги юзаси билан териш орқали ҳосил қилинган (5-6 хоналар). Бу икки хил усулда хоналарнинг томларини ёпиш Ўрта Осиёда илк ўрта асрларда кенг тарқалган (Нильсен, 1966. С. 240; Негматов, Хмельницкий, 1966. С. 31; Сандибоев, 2021. Б. 74). Хоналарнинг пол сатҳида (1-2-хоналар) кул қатламининг қайд этилиши сиёсий жараён, эҳтимол арабларнинг Суғдга қилган юришлари билан боғлашга имкон беради. Иккинчи қурилиш даврига келиб, гумбаз устига қурилган пахса блок қайд этилди (2-хона). Мазкур қурилиш даври сопол идишларни XI-XII асрлар билан даврлаштириш мумкин.

Хуллас, 2022 йилда Қўрғонтепа шаҳристонида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида VII-VIII асрларга оид бўлган турар жой ўрнлари очиб ўрганилди. Хоналар полларида қайд этилган кул қолдиқлари эҳтимол, 712 йилда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араблар ҳужуми натижасида турар жойлар вайрон бўлганлиги борасида хулосага келиш имконини беради. Иккинчи қурилиш

босқичи XI-XII асрлар билан даврланади ва бу даврга келиб, биринчи қурилиш даври бинолари тупроқлар билан тўлдирилган ва улардан яшаш хоналари сифатида фойдаланилган.


Фойдаланилган адабиётлар рўххати

Манбалар

1. Истахрий. Китаб ал-масалик вал-мамалик (йўллар ва ўлкалар китоби) / Араб тилидан ўзбек тилига Р.Т. Худайберганов таржимаси. Тошкент, 2019.
2. Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал – ард / Араб тилидан ўзбек тилига Ш.С. Камолиддин таржимаси. Тошкент, 2011.
3. El-Makdisi'nin. El-Makdisi'nin Ahsenü't-Tekâsim fi Ma'rifeti'l // Ekâlim isimli eserinin değerlendirilmesi ve Türkçe tercemesi, Fatih Sultan Mehmet. Istanbul, 2018.

Адабиётлар

4. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. Ташкент, 2013.
5. Бердимуратов А.А. Джоржети Д., Мантеллине С. Археологические Исследования на городище Кафиркала 2006-2007 годах // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар, 2006-2007 йиллар. 6-сон. Тошкент, 2009.
6. Вяткин В.Л. Материалы к исторической географии Самарканского вилаета // Справочная книжка Самаркандской области. Вып. 7. Самарканд, 1902.
7. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в (По материалам «Вакф-наме»). Ташкент, 1966.
8. Негматов Н.Н., Хмельницкий С.Г. Средневековый Шахристан. (Материальная культура Уструшаны). Вып. 1. Душанбе, 1966.
9. Нильсен В.А. Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V-VIII вв.). Ташкент, 1966.
10. Сандибоев А.Н. Илк ўрт асрларда Маймуруғ. Тошкент, 2021.



1-расм. Қўргонтепа ёдгорлигининг топографик тарҳи



2-расм. Қўргонтепа. 1-қазимма



3-расм. Қўргонтепа. 1-қазиммани умумий кўриниши



4-расм. Қўргонтепа. 3-қазимиша. Гумбазсимон хонанинг ўрни



5-расм. Қўргонтепа. 2-қазимиша. Ханаларининг умумий кўриниши

2022 ЙИЛДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Сандибоев А.Н., Раҳимов К.А., Холматов А.Н., Раҳмонов Ҳ.Ў.,
Хўжамов С.Ҳ., Алибеков А., Алимов Н., Ботиров И.

2022 йилда Самарқандда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида кулолчилик хумдонлари, металл эриш қўралари ва тошга ёзилган турк - руний ёзуви топиб ўрганилди. Шунингдек, қоятош суратлари ва металл руда конининг ўрни ҳам қайд этилди. Бу эса Суғдда илк ва ўрта асрларда хунармандчилик, тасвирий санъат тарихини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



1-расм. Жомбой. Полвонариқ хумдонининг умумий кўриниши

Жумладан, Жомбой тумани Полвонариқ МФЙ Довчарарик қишлоғида яшовчи фуқаро Анвар Бўтаевнинг ўзига қарашли бўлган томорқа ерини шудгор қилаётган пайтида кулолчилик хумдони қайд этилгани юзасидан Самарқанд археология институтига хабар келиб тушди. Мазкур хумдон Я. Гуломов номидаги Самарқанд археология институтининг Жомбой гуруҳи томонидан тўлиқ очиб ўрганилди.




2-расм. Жомбой. Полвонариқ хумдони оловхонаси йўлагининг умумий кўриниши

Хумдоннинг пишириш қавати деворининг ўрни сақланиб қолмаган. Унинг тузилишига кўра уч қисмдан: оловхона, унга бориш йўлаги ва пишириш камерасидан иборат (1-3-расмлар). Оловхона материк қатлам қовлаб олиниб ҳосил қилинган, чўзинчоқ шаклда, ўлчамлари 1,75x0,65 м, баландлиги эса 1,8 м. Оловхона ва ўтин солиш йўлагида кул, тупроқ, ғишт парчалари, девор сувоқ қолдиқлари ва сопол идиш бўлақлари учрайди (3-расм). Шунингдек, оловхона девори кучли ёнғин таъсирида куйган ва тошқолга айланган. Хумдоннинг пишириш қаватига иссиқлик ўтказиб берувчи ҳил новлари симметрик равишда жойлашган бўлиб, улардан 8 таси тўлиқ сақланган. Ҳил новлари пишириш қаватига қараб суйри шаклда, оловхона марказидан пишириш қавати четига қараб йўналган, уларнинг узунлиги 0,6-1,2 м, эни 0,06-0,14 см. Оловхона томи хом ғишт ёрдамида ёпилган бўлиб, бунда ғиштларнинг эни 18-19 см, қалинлиги 10 см. га тенг. Оловхонанинг ўтин солиш йўлакчаси эса хумдоннинг шарқий томонида жойлашган, узунлиги 1,65 м, кенглиги эса 0,4-0,6 м. Ўтин солиш йўлаги суйри тарзда оловхона оғзи томон пасайиб, энига кенгайиб боради. Йўлак шифти гумбазсимон кўринишга эга бўлиб, полдан гумбазнинг юқори нуқтасигача бўлган оралиқ масофа 1,46 м.

Пишириш қавати айлана шаклда бўлиб, унинг диаметри 3 м (3-расм). Пишириш қаватидаги ҳил новлари устига айлана шаклдаги диаметри 34 см, қалинлиги эса 5-7 см бўлган хом ғишт қайд этилди. Пишириш қаватининг поли сомон аралаштирилган лой ёрдамида сувалган. Мазкур хумдоннинг тузилишига кўра илк темир даврига оид

бўлган Саратепа - 2 хумдонларига ўхшашдир (Иваницкий, 1992. С. 22-23). Шунингдек, бу типдаги хумдонлар Суғднинг илк ўрта асрлар даврига оид бўлган Жомбой (Рахимов, Саидов, Эргашев, Кубаев, Сандибоев, 2013. Б. 185-187.), Ерқўрғон ва Исабойтепа (Исамиддинов, Хасанов, 2000. С. 113, 114, 126) ёдгорликларида ҳам қайд этилган. Хумдонида қайд этилган хумча, кўза, коса, хурмача ва қозон каби сопол идиш бўлаклари кулолчилик чархдида ясалган (4-5 расмлар) бўлиб, улар Суғдда VI-VIII асрларда учрайди (Лебедева, 1990. Рис. 1. 32-33; Бердимуратов, Самибаев, 1999. 68, 10; 72. 3 31; Соколовская, 2015. Рис. 74,16; Маршак, 2012. Рис. 135, 5).



3-расм. Довчарариқ: а-хумдоннинг пишириш қавати, в-оловхона кесмаси

Чангалли хумдонлари Нуробод тумани, Жарқудук МФЙ, Чангалли кишлоғида жойлашган. Мазкур хумдонлар маҳаллий аҳоли ўзига қарашли бўлган томорқа еридан тупроқ олиши натижасида унинг пишириш қавати ва оловхонаси яхши сақланиб қолмаган.


1-хумдон Чангалли сойнинг чап таманида, ундан 80 м узоқликда жойлашган бўлиб, хумдоннинг фақат оловхона қисми сақланиб қолган (6-расм). Хумдон оловхонаси материк қатлам устига қурилган бўлиб, юмалоқ шаклда, унинг ғарбий томонидаги сақланиб қолган девор баландлиги 1,2 м. Қолган томонларидаги деворлари сақланиб қолмаган. Хумдоннинг девори ва унинг поли кучли ёнган олов таъсирида қизғиш тус олган. Оловхона девори 3-5 см қалинликда тошқол бўлиб қуйган. Унинг поли айлана шаклда бўлиб, диаметри 1,7 м. Хумдон полида тошқол бўлаклари, тупроқ ҳамда кул қатлам қайд этилди.

2-хумдон 1-хумдондан 12 м жануб томонида жойлашган бўлиб, унинг фақат оловхона қисми сақланиб қолган. Оловхона материк қатлам устига қурилган, юмалоқ шаклда, диаметри 1,7 м, баландлиги эса 0,8 м (7-расм). Хумдоннинг ўтхонаси кучли ёнган олов таъсирида қуйган ва тошқолга айланган, унинг қалинлиги 10 см. Тошқол ташқариси эса 10-12 см қалинликда қуйган ва натижада қизғиш тус олган. Хумдон ичида тупроқ, тошқол бўлаклари ҳамда кул қатлами қайд этилди.


3-хумдон Чангалли сойнинг ўнг томонида жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг тупроқ олиши натижасида бузилиб кетган. Мазкур хумдоннинг оловхонаси материк қатлам устига қурилган бўлиб, юмалоқ шаклда, диаметри 1,9 м (8-расм). Оловхона деворлари гранит тошларидан қилинган, қалинлиги 10-12 см. Шунингдек, оловхонадан пишириш хонасига юқори ҳароратни ўтказиб берувчи ҳил новлари ҳам қайд этилди, унинг ўлчамлари 20-21x20 см. Оловхона томи қулаб тушганлиги сабабли пишириш қавати яхши сақланиб қолмаган. Хумдоннинг пишириш қавати ҳам ғишлар ёрдамида кўтаришган, юмалоқ шаклда диаметри 2,2 м. Мазкур хумдонда кулолчилик чархида ясалган хурмача ва ёғлоғи гардиш бўлаклари қайд этилди ва бундай турдаги идишлар илк ўрта асрларда Суғдда кенг тарқалган (9-расм).

Маълумки, илк ўрта асрларда сопол идишлар пиширишга ихтисослашган хумдонларнинг такомиллашган шакли юмалоқ шаклдаги, икки ярусли, гумбазсимон шаклдаги хумдонлар бўлиб, улар кулолчилик идишларини пиширишда қулайлиги билан бир қаторда ёқилғи маҳсулотларини тежашга ҳам мўлжалланган (Сандибоев, 2020. Б. 85).


Жомбой ва Чангаллида қайд этилган хумдонлар ҳам илк ўрта асрларга оид икки ярусли юмалоқ шаклда қурилган бўлиб, бу ўз навбатида сопол идишларни пиширишда қулайлиги билан бир қаторда ёқилғи маҳсулотларини тежашга ҳам олиб келгани эҳтимолдан холи эмас.




4-расм. Хумчалар




5-расм. Сопол идишлар




6-расм. Чангалли : Хумдон – 1нинг умумий кўриниши, чизмаси ва кесмаси



7-расм. Чангалли : Хумдон – 2 нинг умумий кўриниши, чизмаси ва кесмаси



8-расм. Чангалли. 3– хумдон: хумдоннинг умумий кўриниши, чизмаси ва кесмаси.



9-расм. Ёғлоги ва хурмача

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Бердимуратов А.Э., Самибаев М.К.* Храм Джартепа. Ташкент, 1999.
2. *Иваницкий И.Д.* Саратепе–2 – поселение керамистов середины I тыс. до н.э. под Самаркандом // ИМКУ. Вып. 26. Ташкент, 1992.
3. *Исамиддинов М.Х., Хасанов М.Х.* История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Ташкент, 2000.
4. *Лебедева Т.* Керамика Афрасиаба V-VI вв. н.э. // ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, 1990.
5. *Маршак Б.И.* Керамика Согда V-VII веков как историко–культурный памятник (К методике изучения керамических комплексов). Санкт – Петербург, 2012.
6. *Раҳимов К.А., Саидов М.М., Эргашев О.Т. Кубаев С.Ш., Сандибоев А.Н.* Жомбой туманида олиб борилган археологик тадқиқотлар // Археологические исследования в Узбекистане 2012 гг. Вып. 9. Самарканд, 2013.
7. *Соколовская Л.Ф.* Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб конца VII – начала XIII вв.) // Археология Центральной Азии: архивные материалы. Т. I. Самарканд, 2015.

НУРОТА ТОҒИ АҲОЛИСИННИНГ АНТИК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МЕТАЛЛСОЗЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

Сандибоев А.Н., Раҳимов К.А.,
Холматов А.Н., Алибеков А.


Маълумки, Нурота тоғларидаги қадимий металл конларига бой бўлиб, ўрта асрларда Синтоб, Қорақудуқ, Консой, Узунсоқол, Давлатхўжа, Карул-Чорметан, Олтинсой ва шу билан бирга Ингичка конларидан олтин, Ухумдан мис, Фиджаксой, Ходрудсойдан темир, Илончидан кўрғошин, Темирчидан феруза қазиб олинган (Пругер, 1978. С. 212-219; Буряков, Журавлев, 2000. С. 57-61).

2022 йилда Я. Ғуломов номидаги Самарқанд археология институтини бир гуруҳ илмий ходимлари томонидан Нурота тоғларида олиб борилган археологик изланишлар натижасида ҳам металл эртиш кўраларининг ўрни очиқ ўрганилди. Жумладан, Нурота тоғининг шимолий ён бағрида жойлашган Фориш туманидаги Нурак қишлоғининг юқорисидаги Чоткесар сойида сочилиб ётган темир тошқоллар ҳамда металл эритиш кўрасининг девор қолдиқлари қайд этилди. Металл эритиш оқибатида кўра деворлари кучли олов таъсирида қизғиш тус олган. Металл эритиш кўраси атрофидан йиғиб олинган кулоллик идишларнинг (хум, хурмача, кўза ва бошқа) парчалари ривожланган ўрта асрларга тегишли бўлиб, улар кулоллик чархида ясалган.

Шунингдек, Хўкизўлди металл эритиш кўраси Фориш тумани, Гараша қишлоғи, Хўкизўлди сойининг ўнг томонида жойлашган. Мазкур қурилма айлана шаклда, диаметри 1 м, сақланиш баландлиги 1,4 м ташкил қилсада, унинг шарқий томони сойнинг сув ювиши оқибатида сақланмаган (1-2-расмлар). Металл эритиш кўраси материк қатламни ковлаб олиб қурилган, кўранинг ён деворлари остки қисмига тик ҳолатда турли хил ўлчамдаги тошлар терилган. Ушу тошларнинг баландлиги 68-72 см, кенлиги 18-22 см, қалинлиги 2-2,5 см. га тенг. Тик терилган тошлар устидан эса горизонтал шаклда 4 қатор тошчалар терилган. Бу тошларнинг ўлчами турли хил бўлиб, унинг устидан 8-10 см қалинликда лой ётқизилган. Кўранинг полига ҳам ҳар хил ўлчамдаги тошлар терилган. Металл эритиш кўрасини ён деворига тошчалар лой билан терилган бўлиб, кўранинг ички қисми 2-3 см қалинликда сомон аралаш лой билан сувалган. Кўра ён деворининг юқориси, яъни лой билан кўтарилган қисми юқори ҳарорат натижасида 10-12 см қалинликда қизариб куйган. Кўранинг сақланган қисми стратиграфиясини тўплами қуйидагича: юқорида биринчи қатлам 20-30 см қалинликда юмшоқ тупроқ қатлам, уни таркибида ўсимлик илдизлари, озроқ тош, ёнган кўмир қолдиқлари кузатилади. Иккинчи куйган тупроқ қатлам 28-30 см қалинликдан иборат бўлиб, уни таркибида олов таъсирида куйган девор қолдиқлари, майда тошчалар, шлак парчалари учрайди. Учунчи қатлам 36-38 см қалинликдаги тепадан йиқилиб тушган металл тошқоллардан иборат. Мазкур қатлам остида эса куйган тупроқ қатлам ётқизилган, унинг орасида маъдан тошқоллари, шлак, тошчалар ва кул учрайди. Пол устида 14-16 см қалинликдаги кул қатламидан иборат.



1-расм. Темир эритиш қўрасининг умумий кўрinishи



2-расм. Темир эритиш қўрасининг чизмаси



3-расм. Темирчишган руда конини самодан олинган сурати



4-расм. Темирчишган руда кони пункти


Кўрадан 20 метрлар жанубда кўплаб тошқоллар қайд қилинди ва унинг атрофидан маҳаллий аҳоли томонидан қўлда ясалган хумча топилган. Хумча лойи таркибида майдаланган тошча ва майдаланган сопол (шамот) ва қум учрайди. У бир хилда пиширилмаган. Идиш тўртта балдоқдан иборат бўлиб, уни баландлиги 50 см, оғзи ва тагдонини айланаси 27 см, деворини қалинлиги 0,8-1,2 см. ни ташкил қилади. Этнографик манбаларда ушбу хилдаги идишлар “тўрткулок” номи билан аталади.

Бу турдаги металл эритиш қўралари Оҳангарон воҳасидан ҳам топилган бўлиб, уларнинг деворлар пишган ғиштдан, баъзи қисмлари тошдан терилган (Буряков,

1974. С. 46).

Маълумки тошлар сув шимувчанлиги даражаси паст бўлганлиги учун ҳам иссиқлик даражасини ўзидан тез ўтказиб берган ва шу билан бирга кўрани камерасида иссиқ ҳароратни узоқ вақт сақлаб туриш учун хизмат қилган. Бундан ташқари кўра деворларини тошдан терилиши улар камера ичида юқори даражадаги иссиқ ҳароратни қисқа муддатда ҳосил қилишга имкон берган бўлиши мумкин. Натижада, ушбу юқори ҳароратда рудадан (маъдан) темир эртиб ажратиб олинган.

Нурота тоғининг жанубий ён бағрида Қорачақия қишлоғининг шимоли - ғарбий томонида жойлашган, маҳаллий аҳоли томонидан Темирпишган, деб номланган. Ҳамда ушбу жойда қадимий руда қазиб олиш кони қайд этилди. Темирпишган руда кони Нурота тоғ тизмасининг жанубий ён бағридан оқиб тушувчи Тошқўрғонсойнинг чап томонида, денгиз сатҳидан 748 м баландликда жойлашган. Ушбу кон очик усулда (карьер) ковлаб олинган бўлиб, унинг умумий майдони 518,27 м². Мазкур майдонда 5 тадан ортиқ бўлган темир рудани ажратиб олиш нукталари қайд этилди (3-4 расм). Бунда траншея кўринишда ҳосил қилинган темир рудани ажратиб олиш нукталари тўғри тўртбурчак шаклда, ён деворлари кучли юқори ҳароратда ёнган олов таъсирида қизғиш тус олган. Руда кон атрофидан кулоллик чархида ясалган хурмача бўлаклари ва кўза дастаси қайд этилди (5-расм). Бунга ўхшаш хурмача идишлари Суғд ёдгорликларининг I-II асрларига тегишли қатламларида кузатилади. Шунингдек, Жўш қишлоғи марказида жойлашган Бекқўрғонтепа археологик ёдгорлигининг шаҳристон қисмида металл эритиш қўраларининг ўрни қайд этилди. Мазкур қўралар атрофида сочилиб ётган металл тошқолларни гувоҳлик беришича, бу ердаги қўралардан металлни қайта эритиш ва тозалаш учун фойдаланилган.



5-расм. Руда кони атрофида қайд этилган сопол идиш бўлаклари

Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида келтиришича, “Арканақун тоғидаги қиёт ва дарлакин қабилалари кўпайгач, улар тоғдан ташқарига чиқмоқчи бўлганларида, ушбу тоғнинг бир томони темир маъдандан иборат эканлигини биладилар ва уларни йўл-йўл қилиб қазиб, барча қавмлар тўпланишиб, жуда кўп ўтин ва кўмир тўда қиладилар. Кийик, Оху терисидан 900 та дам ясадилар. Ҳар бири 50 ман келадиган кўмир оташини ёқдилар ва дамларни ишга солдилар. Олов кучая боргач, тобига келди ва дарҳол темир сувдек оқа бошлади. Кўп ҳаракат билан тоғнинг баъзи жойларини эритиб, йўл очдилар ва ташқарига чиқдилар” (Мирзо Улуғбек, 1994. 59 б), дея қайд этади. Яъни, асарда қиёт ва дарлакин қабилалари Арканақун тоғида ўзларига йўл очиш учун тоғдаги металлни эритиб ташлагани ҳақида гап кетмоқда.

Хуллас, инсоният қадимдан металл қазиб олиш ва унга ишлов бериш орқали меҳнат қуроллари, қурол-яроғлар яшашга ўтиш билан тоғ-кон саноати ривожига катта ҳисса қўшиб келган. Ёзма ва археологик манбаларнинг илмий таҳлили Нурота тоғларида темир, мис, олтин, кўрғошин ва феруза каби конларнинг мавжудлиги ҳамда металл эритиш билан боғлиқ бўлган кўраларнинг очиб ўрганилиши бу ҳудудда ўрта асрларда металлсозик хунармандчилиги юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Буряков Ю.Ф.* Горное дело и металлургия средневекового Илака (V-начало XIII вв. М., 1974.
2. *Буряков Ю.Ф., Журавлев Л.К.* Извлечение благородных металлов в средневековом Согде // Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самарканд, 2000.
3. *Пругер Е.Б., Дресвянская Г.Я.* Средневековые горный промысел Нурататау // История и археология Средней Азии. Ашхабад, 1978.

2022 ЙИЛДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШЕРОБОД ТУМАНИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАР

Сулейманов Р.Х., Муҳаммадиев А.Ғ., Ойназаров Х.Ғ.

2022 йил май-июнь ойларида амалга оширилган археологик дала қидирув ишлари Сурхондарё вилояти Шеробод тумани худудларида олиб борилди. Тадқиқот ишлари Қуруққўлчасойдан шимолий-шарқидан Хатак аҳоли пунктигача бўлган тоғ ва тоғолди худудларидан бошланиб, Боғлидара ва Тангидара орқали ғарбга Тангидара ва Боғлидаранинг юқори қисмигача бўлган худудларни қамраб олди.

Археологик дала қидирув тадқиқотлар натижасида топиб ўрганилган объектларнинг асосий қисми Боғлидара ҳамда унга туташ худудларда жойлашган. Боғлидаранинг юқори қисми Майданак деб номланувчи баланд тоғ адирликларидан бошланади. Дара маҳаллий аҳоли томонидан учта қисмга ажратилиб, бошланиш қисми Олтиқунлик дара, ўрта қисми Тошлиюрт ва қуйи қисми Боғлидара номлари билан аталади. У юқори ҳамда қуйи қисмида нисбатан тор бўлиб анча тик ёнбағирлик ҳосил қилган. Тошлиюртдан то Етимтоғ тоғигача бўлган худудда дара кенгаяди. Етимтоғга туташ нуқтадан Боғлидарасойга жанубдан яна иккита Олмабулоқсой ва Қулдарозсой сойликлари келиб қушилади ҳамда ягона ўзан ҳосил қилган ҳолда нисбатан анча тор дара бўйлаб шарққа қараб оқади.

Тошли унгури даранинг чап ёнбағрида, шу номдаги булоқ ёнида жойлашган. Ушбу худуд табиий-рельеф тузилиши жиҳатидан даранинг энг кенг яланглик қисми ҳисобланади.


Унгур айвони горизантал жойлашган қоятош ётқиқиқлари устида шаклланган. Унгур 65x15 м ўлчамда бўлиб, айвонининг баландлиги 15-20 м. Майдон ер юзаси сатҳи ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Энг ғарбий ва шарқий нуқталари ер сатҳи баландлиги ўртасидаги фарқ 5 м.ни ташкил этади. Унгур майдони тепадан қулаган тош парчалари уюми натижасида бир нечта қисмларга ажралган. Унгур майдонидан ташқарида қоятош ётқиқиқлари 45⁰ нишаблик остида сой ўзани сатҳигача тушиб боради. Сой ўзани сатҳигача бўлган тоғ ёнбағри 300 м.ни ташкил этиб, бута ва дарахтлар билан қопланган.

2021-2022 йилларда олиб борилган дастлабки изланишлар вақтида ушбу худуддан псевдо бифас ва бир дона учринди топилди (1-расм).

Унгур майдони юзаси кукунсимон, чиринди ҳолидаги қорамтир қумоқ тупроқ билан қопланган. Маданий қатламлар ҳолатини аниқлаш мақсадида ғарб томонда, унгур асосига нисбатан перпендикуляр ҳолда 3x1 м ўлчамда кичик траншея ташланди. Қазилар жараёнида қуйидаги кетма-кетликда, тузилишига кўра биридан фарқ қилувчи тўртта қатлам аниқланди.

1-қатлам. Айвондан қулаган турли ўлчамдаги тош аралаш кулранг тусли, чиринди ҳолидаги қумоқ тупроқ.

2-қатлам. Тош аралаш сарғиш тупроқ қатлами. Ҳайвон суяклари, илк темир даврига оид сопол парчалари ҳамда кул қолдиқлари мавжуд. Қалинлиги 0,5-1 м.



1-расм. Сохта бифас

3-қатлам. Майда кум ва шағал аралаш кулранг-жигарранг тусли, соз тупроқли қатлам. Тош даврига мансуб оралик қатлам бўлган ушбу қатламдан, ер сатҳидан 140 см чуқурликда чакмоқтошдан ясалган учринди топилди.

4-қатлам. Зич соз тупроқли қатлам. Археологик топилмалар учрамайди.

Юқоридаги қатламлар қоятош ётқизиклари устида жойлашган бўлиб, траншея шимолий ва жанубий қисмида қоятош ётқизиклари сатҳи турли хил жойлашган. Унинг сатҳи шимолий чеккада 1,5 м чуқурликда аниқланган бўлса траншея жанубий нуқтасида унинг сатҳи 2 м. гача чуқурлашади.

Топилмалар ичида юқори қатламдан топилган ўрта асрларга оид сопол кўза дастаси мавжуд. У тирнаб чизилган нақш билан безатилган (3-жадвал, 1-расм).

Сопол буюм парчаларининг асосий қисми илк темир даврига тегишли. Уларнинг ичида қўлда тайёрланган тик гардишли юмалоқ шаклдаги коса алоҳида ажралиб туради (3- жадвал, 2-расм).

Боғлидара-I. Боғлидара-I кенг ва катта майдонга эга бўлиб, қадимги одамларнинг яшаши учун анча қулай бўлган. У Тошли унгуридан жанубий-шарқда 1,5-2 км масофада жойлашган. Боғлидара-I дан 200 м ўнрокда, чуқур ва текис майдонли, кириш қисми жанубий-ғарбга қараган ғор кўринишидаги иккинчи объект жойлашган. Ғор жойлашувининг бироз ноқулайлиги ва кўтарилишнинг қийинлиги туфайли тадқиқ этилмади.

Боғлидара-I кенглиги 40 м, чуқурлиги 5-7 м ўлчамдаги айвонли унгур кўринишида бўлиб, айвон ости майдони текис тупроқ қатлами билан қопланган. Тупроқ қатлами курук, кукунсимон кумоқ тупроқдан иборат. Баъзи жойларда унгур айвонидан қулаган, турли ўлчамдаги тошлар учрайди. Ёдгорлик маданий қатламлари ҳолатини аниқлаш мақсадида унгурнинг ғарбий ва шарқий қисмида иккита траншея қазилди. Траншеялар 3x1,5 м ва 2,5x1 м ўлчамда бўлиб, ҳар иккала траншея унгур асосига нисбатан перпендикуляр ҳолда жойлашган.




Таблица 1.




Таблица 2




Таблица 3.

2-расм. 1-3 жадваллар

1-траншеяда тупроқ қатлами унчалик қалин эмас. Қоятош ётқизиклари ер юзаси сатҳига яқин жойлашган бўлиб, қазув майдони шимолий-ғарбий қисмида 95 см, жанубий-шарқий қисмида эса 155 см чуқурликда қоятош ётқизиклари аниқланди. Маданий қатламлар кетма-кетлигида ўт ва илдизли юза қисмидан сўнг кул ва куйинди аралаш кумоқ тупроқли 60 см қалинликдаги 1-маданий қатлам жойлашган. Ушбу қатламда, баъзи бир жойларда зич, сарғиш-оқиш рангли кул қатлампидан иборат оралик қатламлар мавжуд. Ушбу қатламда ҳайвон суяклари ва сопол синиқлари учрайди. Ундан куйида 1,5 м бўлган чуқурликда унгур айвонидан қулаган тошлар аралаш оч кулранг-сарғиш рангли кумоқ тупроқ қатлами ётибди. Ушбу қатламда ҳайвон суяклари ва илк темир даврига оид сопол синиқлари мавжуд. Баъзи жойларда кул ва куйган ёғоч қолдиқлари учрайди.

1-траншеяга нисбатан ўнроқ жойлашган, иккинчи шарқий траншеяда ҳам юқоридаги тартибдаги кетма-кетликдаги қатламлар кўзатилди. Юза ўт ва илдизли қатламдан сўнг 15-20 см қалинлидаги кул аралаш биринчи маданий қатлам аниқланди. Унда ҳайвон суяклари ва сопол парчалари билан бирга кул ва куйинди қолдиқлари учрайди. Иккинчи траншея худудида қоятош ётқизиклари нисбатан чуқурроқ жойлашган бўлиб, ушбу хусусият унгур майдони юза сатҳининг ҳолатида ҳам кўзга ташланади. Яъни, майдон юза сатҳи ғарбдан-шарққа қараб кичик нишабликка эга. Маданий қатламлар қалинлиги ушбу жойда 2 м.ни ташкил этади. Маданий қатламлар турли ўлчамдаги тош аралаш, кумоқ оралик қатлам устида жойлашган бўлиб, ушбу оралик қатламда археологик топилмалар учрамайди. Қоятош ётқизиклари ер сатҳидан 2-2,15 м чуқурликда аниқланди.

Топиб ўрганилган археологик топилмалар Боғлидара-І макони инсонлар томонидан фақат илк темир давридан бошлаб бошпана сифатида фойдаланилганлигини кўрсатади.

Боғлидара- I дан топиб ўрганилган сопол буюмлар ичида қалин гардиши кўндаланг кесмада учбурчаксимон бўлган йирик шарсимон хурмача кенг тарқалган (2-жадвал, 1, 2, 3-расм). Улардан бирининг ярим айлана гардиши ташқи томонга горизонтал ҳолда туртиб чиққан (2- жадвал,, 2-расм). Бу сопол буюмларининг кўпчилиги ички томондан мато қолип изларига эга. Бу сопол буюмлар ушбу худудлар илк темир даври ёдгорликлари учун хос бўлган (Аскарлов, 1989. С. 98).

Толбулоқ унгури. Унгур Тангидаранинг чап шимолий ёнбағрида, ғарбдан-шарққа қараб оқувчи кичик дарёнинг юқори оқимида, дарё сатҳидан 60-70 м баландликда жойлашган. Унгур жанубий-шарққа қараган бўлиб, эни 33,2 м, буйи 7-8 м, айвонининг баландлиги эса 10 м. Унгур сатҳига қуёш нури яхши тушади ҳамда шимолдан эсадиган шамол ва ёғинлардан яхши ҳимояланган. Унгурнинг ғарбий, майдон сатҳи бироз пасайган қисмида, унгур асосига перпендикуляр ҳолда 4x2 м ўлчамда траншея қазилди.

Ўрганилган тўпроқ қатлами юқоридаги унгурлардаги маданий қатламлардан фарқ қилмайди. Юпқа ўт ва илдиз қопламали қатламдан сўнг 25-30 см қалинликдаги қорамтир чиринди аралаш қатлам аниқланди. Текис ҳолда ётган ушбу қатламда топилмалар учрамайди. Ундан куйида жойлашган иккинчи қатлам юқори қатламдан

юпқа оч рангдаги оралиқ қатлам билан ажратилган. Оралиқ қатлам қалинлиги 5-6 см. Иккинчи қатлам оч кулранг тусли қумоқ тўпроқ қатлами бўлиб, унда сопол парчалари ва майда ҳайвон суяклари мавжуд. Ушбу қатлам қалинлиги турли ўлчамга эга. Траншеянинг жанубий қисмида унинг қалинлиги 1 м атрофида, шимоли-шарқий бурчакда эса 5-10 см. ни ташкил этади.

Учинчи қатлам эса аксинча, траншеянинг шимоли-шарқий қисмида 1 м қалинликка эга, қазув майдони жанубида эса унинг қалинлиги 30-40 см. ни ташкил этади. Бу қатлам жигарранг тусли қумоқ тўпроқдан иборат. Ушбу қатламда ҳам сопол буюм парчалари, кул ва куйинди қолдиқлари ҳамда ҳайвон суяклари қолдиқлари учрайди.

Навбатдаги қуйи қатлам текис ҳолдаги йирик донадор кум ва кулранг тусли майда шағал аралашмасидан ташкил топган. Ушбу қатламдан кам сонли топилмалар топилди. Улар асосан ҳайвон суяклари ва куйган ёғоч қолдиқларидан иборат. Афтидан ушбу топилмалар ҳам юқори қатлам билан боғлиқ ва илк темир даврига тегишли.

Толбулоқ маданий қатламларидан бир неча ўнлаб илк темир даврига оид сопол буюм парчалари топилди. Топилмаларнинг асосий қисми иккинчи қатламдан топилган. Улардан ўнга яқини хумча гардиши бўлиб, Сурхондарё воҳасидаги машҳур Кучуктепа ёдгорлиги сопол буюмларига ўхшаш. Улар асосан қўлда ясалган шарсимон хумчалар бўлиб, гардиши ташқарига қайрилган (1- жадвал., 1-12 расм). Шунингдек ушбу қатламдан тик гардишли девори қалин йирик коса синиғи ҳам топилди. Кам сонли қуйи учинчи қатлам топилмалари ичида кулолчилик чархида тайёрланган иккита сопол буюм парчаси алоҳида ажралиб туради.

Дала қидирув ишлари натижасида ўрганилган ҳудудда бир нечта топилма жойлар ҳам аниқланди. Улардан иккита топилма жой тош даврининг сўнги босқичларига (мезолит/неолит) оид бўлиб, улардан дастлабкиси Томликдаранинг ўнг ёнбағрида адирлик юзасида аниқланди. Ушбу адирлик юзасидан ўнга яқин тош артфактлар йиғиб олинди. Топилмалар ичида бир дона қаламсимон нуклеус ҳамда анкош ва кертиш усули билан ишлов берилган пластинка алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, топилма жойнинг нисбий санасини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Даврий жиҳатдан ўнга яқин бўлган иккинчи топилма жой Тошли унгуридан шимолий-ғарбда Орол тоғининг тепа қисмида аниқланди. Бу ердан бир нечта пластинка ва микропластинкалар йиғиб олинди. Учинчи топилма жой Толбулоқ унгуридан 700-800 м жанубий-ғарбда аниқланди. Топилма жой Тангидарага жанубдан келиб қўшилган кичик сойнинг ўрта оқимида жойлашган бу ердан оҳактошдан тайёрланган нуклеус йиғиб олинди.

Боғлидара ва унга туташ жойларда олиб борилган археологик дала қидирув ишлари ушбу ҳудудларни ўрта палеолит давридан бошлаб ўзлаштирила бошланганлигини кўрсатмоқда. Буни Хатак ғормаконида амалга оширилган қазилма ишлари натижасида қўлга киритилган ҳамда Тошли унгури ва бошқа топилма жойлардан топилган тош буюмлар ҳам тасдиқламоқда. Ҳудуд тош даврининг кейинги босқичларида ҳам фаол равишда ўзлаштирилган. Томликдара ва Орол-1

топилма жойлари тош даврининг кейинги боқичлари-мезо/неолит даврига тегишли. Дала қидирув натижасида топиб ўрганилган бошқа унгулар эса асосан илк темир даврига тегишли. Топилган сопол буюмлар Кучуктепа ёдгорлиги топилмаларига ўхшаш. Ушбу хусусият эса мазкур ғор ва унгулар илк темир даврида ҳам аҳоли учун бошпана вазифасини ўтаганлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Аскарлов А. А, Альбаум Л. И.* Поселение Кучук-Тепе. Ташкент, 1989.
2. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. // Под ред. Б.А. Рыбакова. М., 1985.

2022 ЙИЛДА ХАТАК ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Сулейманов Р.Х., Муҳаммадиев А.Ғ., Ойназаров Х.Ғ.,
Турсунов С.С., Якубов Д.Ф., Жулиен Луис

Хатак ёдгорлиги Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Хатак қишлоғи Боғ-лидарасойнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, ёдгорликда дастлабки археологик тадқиқотлар 2021 йилда амалга оширилган эди.


Хатак ғормаконида 2022 йилда Миллий археология маркази ва Австралия Гриффит университети билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар давом эттирилди.

Ғорга кириш қисми жанубга қараган бўлиб, кириш қисми эни 15 м, бўйи 25 м ўлчамга эга. Ғор айвони ташқарисидаги кенг кириш қисми майдони куйига қараб кичик нишабликка эга бўлиб, кейин кескин равишда бута ва дарахтлар билан қопланган сой сатҳигача тик ҳолда тушади. Ғорнинг ички айвон ости қисми маркази текис бўлиб, ғор тубига қараб секин пасайиб боради. Ғорнинг айвон ости қисми узунлиги 14-15 м.ни ташкил этади (1-расм). Хатак ғорида олиб борилган тадқиқот давомида, ғормаконининг 6 м² ўлчамдаги майдонида 10-15 см. қалинликдаги биринчи маданий қатлам ўрганилди. Қазув майдони шимол-жануб йўналишида рақамлар, ғарбдан-шарққа қараб эса кирилл арифбоси харфлари тартибиде, 1x1 м. ўлчамда квадратларга ажратилган. Қазув майдони ушбу тақсимотга мос равишда И, К 5-7 квадратларни қамраб олган. Қазув ишлари 2021-йилда И-5, К-5, 6 квадратларида амалга оширилган бўлса, 2022-йилда И-6, 7 ҳамда К 7 квадратларида давом эттирилди. Натижада, ўрганилаётган ҳудуд 3x2 м. ҳажмидаги 1-қазилма майдонига айлант-рилди (2-расм).



1-расм. Хатак ғорини жануби-ғарбдан кўриниши

Шартли белгилар	
	- тош (туф)
	- 2021 йилги қазилма жойи
	- 2022 йилги қазилма жойи
	- ўчоқ



2-расм. Хатак гори ва қазув майдони чизмаси

Горда тупроқ қатламлари квадратлар бўйича бир-биридан фарқ қилади. Квадратлар 10-15 см. қалинликдаги маданий қатламдан тозалангач, К-6, К-5, И-5

квадратлари ҳамда К-7 квадратининг шимоли-шарқий қисмида майда ва ўртача катталиқдаги кум-шағалдан иборат қатлам аниқланди. У минераллашган оқ кукун аралаш емирилган қоятош ётқизикларини эслатади. К-7 квадратининг жануби-ғарбий қисми ҳамда И-6, 7 квадратларидаги ётқизиклар эса ранги ва таркибига кўра юқоридагидан умуман фарқ қилади. Ушбу ётқизиклар майда шағал ва кум аралаш тўқ қорамтир тусли таркибдан иборат бўлиб, археологик топилмалар мавжуд эмас. Лекин ёнган кўмир қолдиқлари учрайди. Ушбу ҳолат 2021-йилда ғорнинг қоятош ётқизиклари сифатида қайд этилган тош қатламнинг аслида ғор айвонидан қулаган тош парчаси эканлигини кўрсатади. К-5 ва К-6 квадратлар кесишмасида аниқланган учоқ эса ана шу тош плита устида қурилган.

Хатак ғормаконида фойдаланилган хомашё Боғлидарасой воҳасидаги қатлам ҳолидаги ётқизиклар ҳамда сой ўзанида қайроқтош кўринишида кўплаб учрайди. Хатак ёдгорлигида чакмоқлашган оҳақтош, чакмоқтош, кварцит, яшма, доломит ҳамда порфиритнинг (гранит, реалит) бир қатор турларидан фойдаланилган. Ушбу хомашё турларидан чакмоқлашган оҳақтош Хатак ғори атрофида кўплаб учрайди. Фойдаланилган чакмоқлашган оҳақтош икки хил турда бўлиб, уларнинг тузилиши ва текстурасида биров фарқ мавжуд. Улардан бири қорамтир рангда майда донатор иккинчи турдагиси эса кулранг тусли. Қолган барча турдаги хомашёдан тайёрланган буюмлар коллекция таркибида кам фоиз кўрсаткичига эга.

Хатак ғормакони коллекцияси 200 донага яқин бўлиб, маданий қатламлардан казиш жараёнида ишлов берилган тош артефактлар билан бирга 5 дона кучсиз силлиқланган, фойдаланилмаган қайроқтош ҳолидаги хомашё намуналари топилди. Улардан бирининг юза қисми оловда куйган, иккинчи юзасида эса зарбдан қолган излар бўлиб, балки ундан ушатғич сифатида фойдаланилган бўлиши мумкин.

Топилмалар ичида нуклеуслар 7 донани ташкил этиб, улар чакмоқлаш жараёнининг турли босқичларида қолдирилган. Икки зарб майдончали нуклеуслардан 3 донаси чакмоқлаш юзасининг шакллантириш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш. Улардан бирининг қарама-қарши жойлашган зарб майдонлари чакмоқлаш юзасига нисбатан қия ҳолда тайёрланган. Зарб майдони йирик йўнилғалар олиш йўли билан тайёрланган бўлиб, анча кенг юзага эгаллиги билан ажралиб туради. Зарб майдонларидан бири майда йўнилғалар билан кўшимча ишлов бериш изларини сақлаб қолган. Ушбу зарб майдонидан олинган йўнилғалар асосан нуклеусда чакмоқлаш юзасини шакллантиришга хизмат қилган. Йўнилғалар чакмоқлаш юзасининг (йўнилға чакмоқлаш ўқиға нисбатан) чап қисмидан амалга оширилган ҳамда қарама-қарши жойлашган зарб майдонидан асосий йўнилғалар олиш учун марказда учбурчак, қаварик юза ҳосил бўлишини таъминлаган. Шакллантирилган чакмоқлаш юзаси конвергент ҳолдаги йўнилғалар олиш учун қулай бўлиб, натижада нуклеус асосий зарб майдонидан уч дона учли пластина олинган. Нуклеус анча йирик 10,2x9x6,6 см. ўлчамдаги тўқ кулранг тусли хомашёда тайёрланган.

Иккинчи нуклеус ҳам икки зарб майдонли бўлиб, юқоридаги нуклеусга ўхшаб учбурчак шаклдаги профилга эга. Унинг биринчи нуклеусдан фарқи нуклеус чакмоқлаш юзаси перпендикуляр жойлашган икки ён томонидан йўнилғалар олиш

орқали тайёрланган. Унинг анча катта ўлчамга эга эканлигидан, параллел ён қиррали бир қатор учриндилар олиш имконини берган деган хулосага келиш мумкин. Нуклеус 8,1x6,8x4,3 см. ўлчамда бўлиб, хомашё сифатида оч жигарранг тусли чақмоқлашган оҳактошдан фойдаланилган.

Учинчи нуклеус ҳам типологик ва ишлов бериш жиҳатдан юқоридаги икки нуклеусга ўхшаш ҳолда шакллантирилган. Нуклеус икки зарб майдонли бўлиб, чақмоқлаш иккита юзада амалга оширилган. Параллел жойлашган иккита чақмоқлаш юзасидан бир-бирига қарама-қарши йўналишда йўнилғалар олинган. Ушбу нуклеусда ҳам чақмоқлаш юзаси алоҳида ишлов бериш йўли билан махсус тайёрланган. Нисбатан кенг юзасини сақлаб қолган зарб майдонидан олинган йўнилғалар нуклеуснинг ҳар иккала материалкундни чақмоқлаш юзасига нисбатан қия ҳолда кесган. Чақмоқлаш юзалари ён ва дистал қисмидан ҳам йўнилғалар олиш йўли билан тайёрланган. Улар чақмоқлаш юзасини шакллантириш ҳамда олинадиган йўнилғаларнинг шаклини олдиндан режалаштириш учун амалга оширилган. Нуклеус 6,4x7,5x4,1 см. ўлчамида бўлиб, чақмоқлашган оҳактош хомашёсида тайёрланган.

Яна бир тўртбурчак шаклидаги нуклеус ҳам икки зарб майдончали бўлиб, у қайроқтош ҳолидаги кулранг чақмоқлашган оҳактошда тайёрланган. Чақмоқлаш юзасига қарама-қарши юзаси бутунлигича табиий уст қобиғини сақлаб қолган. Унинг ҳар иккала зарб майдонидан олинган йўнилғалар охиригача етмасдан синган. Бу фойдаланилган хомашёнинг сифати билан боғлиқ бўлиб, тош юзасида кўндаланг ёриқлар кўзга ташланади.

Коллекция таркибида қолган учта нуклеус охириги босқичгача чақмоқланган. Типологик жиҳатдан улардан иккитаси ҳам бир зарб майдонли. Улардан бири 5,2x5,6x4,4 см. ўлчамда бўлиб, нуклеус дистали ва унга туташ чақмоқлаш юзасининг бир қисми табиий уст қобикни сақлаб қолган. Табиий уст қобик хусусиятларига кўра нуклеус учун ўртacha катталиқдаги, қайроқтош шаклидаги чақмоқлашган оҳактош хомашёсидан фойдаланилган. Чақмоқлаш жараёнининг охириги босқичида нуклеусдан бутун периметри бўйлаб жойлашган учта юзадан бир нечта кичик учриндилар олинган. Лекин нуклеус профили ва иш юзаларидан бирида амалга оширилган чақмоқлаш жараён ушбу нуклеус ҳам чақмоқлашнинг дастлабки босқичида юқорида тавсифланган нуклеусларга ўхшаш эканлигини кўрсатади. Яъни, чақмоқлаш юзаларидан бири унинг иккала ён периметри бўйлаб туташган бошқа иккита иш юзадан зарб майдони сифатида фойдаланилган ҳолда кўшимча ишлов бериб тайёрланган. Тайёрланган юзадан асосий зарб майдонидан зарб бериш орқали ўртacha ўлчамдаги пластинкасимон учринди олинган.

Кейинги нуклеус ҳам бир зарб майдонли, сўнги босқичгача чақмоқланган бўлиб, жигарранг чақмоқтошдан ясалган. Ўлчамлари 3,5x4,9x4,1 см. бўлган ушбу нуклеусдан бутун периметри бўйлаб кичик йўнилғалар олинган. Хомашёнинг сифати ундан охириги босқичгача фойдаланишга сабаб бўлган.

Охириги нуклеус ҳам бир зарб майдонли бўлиб, чақмоқлаш юзасига нисбатан қия қилиб ишланган зарб майдони нисбатан кенг юзасини сақлаб қолган. Чақмоқлаш битта юзада амалга оширилган. Ушбу нуклеуснинг ҳам чақмоқлаш юзасига қарама-

қарши жойлашган қисми табиий уст қобикни сақлаб қолган. Унинг ўлчамлари 3,2x5,1x2,4 см.

Коллекция таркиби асосини учринди ва пластиналар ташкил этади. Учриндилар 72 донани ташкил этиб, ўлчами ва пропорцияси турли хил кўринишга эга. Уларнинг деярли барчасининг ён қирралари зарб ўқи йўналишига мос эмас. Пластиналар сони 10 дона. Бутун ҳолдаги пластиналар ичида тўғри профилли, ён қиррали параллел пластиналар учрамайди. Лекин пластинка бўлаклари ичида тўғри, параллел қиррали пластиналар мавжуд. Пластиналар дистал қисми 5 донани, медиал қисми 2 донани, проксимал қисми эса 2 донани ташкил этади.

Коллекция таркибида 3 дона чакмоқтошдан ясалган юпқа микропластинка бўлаклари алоҳида ажралиб туради. Улар маданий қатламлар юзасидан олинган бўлиб, тош даврининг кейинги босқичларига тегишли.

Коллекциядаги қуроллар таркибининг катта қисмини қирғичлар ташкил этади. Улар типологик жиҳатдан ва вазифасига кўра бир-бирига яқин бўлса-да морфологик жиҳатдан кескин фарқ қилади. Қирғичлардан 2 донаси периметри бўйлаб кесилган йирик табиий тош парчасида тайёрланган. Улардан бири тўртбурчак шаклда бўлиб, енгил йўниш орқали ўткирланган кенг иш қиррасига эга. Иккинчи учбурчак шаклдаги қирғичнинг ёйсимон иш қирраси йирик, табиий плиткасимон тош парчасининг дистал қисмида жойлашган бўлиб, иш қирраси сийрак ретуш орқали тайёрланган.

Қирғичлардан 2 донаси кесилган учриндида тайёрланган бўлиб, қирралари икки томонлама йўниш ва ретушлаш орқали шакллантирилган. Ретушлаш ва йўниш учриндининг қия юзаси бўйлаб ҳам давом эттирилган ҳамда дорсал сиртига чуқур кириб борган. Ушбу типдаги қуроллардан яна бири охириги босқичгача чакмоқланган гардишсимон нуклеусда тайёрланган бўлиб, чакмоқлаш юзасига қарама-қарши қисми табиий қобиғини сақлаб қолган.

Олтинчи қирғич плиткасимон табиий сланецда тайёрланган. Ёйсимон қирра иккиёқлама йўниш орқали шакллантирилган бўлиб, плитканинг кавариқ юзаси тик ҳолда, текис юзаси эса юпқа ҳолда йўниш билан ишлов берилган (плано-конвекс). Қирғичнинг ёйсимон тифига қарама-қарши текис томони тутқич вазифасини ўтаган.

Тешиктош қирғичларига ўхшаш яна бир қирғич тўқ кулранг, ўта зич, майда донадор тоғ жинсидан тайёрланган йирик учриндида ясалган. Қирғичнинг иккиёқлама йўниш орқали тайёрланган қирраларидан бири кесилган қисмида қўпол йўниш орқали шакллантирилган тишсимон қирра билан бирлашади. Иш жараёнида қуролнинг йирик ўлчамдаги зарб майдони тутқич вазифасини ўтаган.

Узун пластинасимон йўнилғиларда тайёрланган қирғичлар сони 3 дона. Улардан бири вентрал қисмида тик тишсимон ретуш билан ишланган бўлиб, қуролнинг дистал қисми кесилган. Иккинчи қирғич юпқа ассиметрик пластинкада тайёрланган бўлиб, ёйсимон иш қирраси енгил йўниш орқали шакллантирилган. Учинчи кичик узунасига ишлов берилган қирғич икки ёқлама ретушлаш орқали тайёрланган бўлиб, микок типдаги икки томонлама йўнилган пичоқни эслатади. Коллекция таркибида 3 дона йирик кесилган учринди парчасида тайёрланган кичик қирғичлар ажралиб туради. Улар олдин тайёрланган қирғичларнинг синиқлари бўлиши ҳам мумкин.

Ўйиб-кертиб ишланган қуроллар сони 11 донани ташкил этади. Улардан учтасида унчалик чуқур бўлмаган анкош, кесилган пластинанинг зарб майдончаси ва латерал қисми оралиғида жойлашган. Пластинасимон учриндида қуролни тайёрлаш жараёнида анкош зарб бўртмасининг ҳам бир қисмини кесиб олган. 1 дона ўйиб-кертиб ишланган қурол кесилган пластинанинг кўндаланг кесмасида, 3 донаси ён қиррасида тайёрланган. Йирик учринди бўлақларида тайёрланганлари сони эса 3 донани ташкил этади.

Ушбу қуролларнинг барчасини турли хил ўлчам ва пропорциядаги тановарларда тайёрланган бўлиб, уларни бирлаштириб турувчи ягона хусусият ўйиб-кертиб тайёрланган қиррасининг ўлчами 2 см. дан ошмайди.

Коллекция таркибида пластинкаларда тайёрланган тиғлар 3 донани ташкил этади. Уларнинг барчасида ҳар иккала латерал дорсал томондан регуляр тарзда ретушланган. Улардан энг йириги ўта зич қумтошдан ясалган. Ўлчами бўйича ундан кичик бўлган тиғларнинг дистал қисми синган. Энг кичигининг зарб майдони ва бўртмаси синдирилган бўлиб, бу найза учига ўрнатишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Икки дона қурол кесилган учринди ва пластина бўлагини ретушлаш орқали тайёрланган.

Коллекция таркибида кескичлар 2 донани ташкил этади. Улардан бири икки қиррали бўлиб, йирик пластина кесмасида тайёрланган. Иккинчиси тўқ кулранг хомашёдан ясалган йирик учринди бўлагининг бурчагида тайёрланган. Коллекция таркибида комбинациялашган қуроллар сони 2 донани ташкил этади.

Хатак ғормакони коллекцияси кам сонли бўлсада манзилгоҳда амалга оширилган тошга ишлов бериш жараёни ҳақида тўлиқ хулоса чиқариш имконини беради. Коллекция таркибидаги мавжуд 7 дона нуклеусдан 4 донасида чақмоқлаш юзаларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилганини кўришимиз мумкин. Ушбу ишлов бериш техникаси олинадиган йўнилғаларнинг шакли ва ўлчамини олдиндан режалаштириш имконини бериш билан бирга қирраларининг ўткирлигини ҳам таъминлаган. Лекин афсуски коллекция таркибининг асосини ташкил этувчи йўнилғалар ичида махсус ишлов берилган чақмоқлаш юзаларидан олинган учриндилар учрамайди. Бу хусусият пластиналар учун ҳам хос. Йўнилғалар пропорцияси чақмоқлаш ўқи йўналишига мос эмас. Шунингдек, йўнилғалар ичида декорткация жараёни маҳ-сули бўлган артефактлар кўрсаткичи катта фоизни (30 % дан кўпроқ) ташкил этади.

Қуроллар таркибида сон жиҳатидан биринчи ўринда қирғичлар, иккинчи ўринда ўйиб-кертиб ишланган қуроллар, кейинги ўринда тиғлар туради. Кескичлар ва комбинациялашган қуроллар тенг кўрсаткичга эга бўлиб, уларнинг кўрсаткичи кам фоизни ташкил этади.

Қуроллар учун хос бўлган умумийлик бу уларнинг кўп ҳолларда табиий плиткасимон хомашё парчалари, охириги босқичгача чақмоқланган нуклеуслар ёки йирик аморф йўнилғаларда тайёрланишидир. Қуроллар иш қирраси ҳам кўпол тарзда шакллантирилган бўлиб, иккиламчи ишлов бериш йўниш ва ретушлаш орқали амалга оширилган. Ретушлашда тангачасимон ва тишсимон ретушлаш усуллари

қўлланилган. Иккиламчи ишлов бериш жараёни деярли барча ҳолатда тановарларнинг дорсалида амалга оширилган. Кам бўлсада вентралдан иккиламчи ишлов бериш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу хусусият амалиётда вентралдан ишлов бериш усули ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Хатак индустриясини биринчи навбатда даврий ва ҳудудий жиҳатдан унга яқин жойлашган Тешиктош ғор макони билан солиштириш мумкин (Окладников, 1949. С. 7-87). Хатак ғормаконида Тешиктошдан фарқли равишда нуклеусларга ишлов бериш ва амалга оширилган чакмоқлаш техникасида фарқ мавжуд. Ҳар иккала ёдгорликда қуроллар типологияси кўпроқ ўхшашликка эга. Биринчи навбатда қирғичлар ва уларни тайёрлаш учун танланган тановарлар ҳар иккала ёдгорлик учун умумий хусусият сифатида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, қуроллар таркибидаги умумийлик тиглар ва уларга иккиламчи ишлов бериш хусусиятларида яққол намоён бўлган. Хулоса сифатида Хатак ёдгорлиги даврий ва маданий мансублик жиҳатидан Тешиктош ёдгорлигига яқин эканлигини қайд этиш мумкин. Мавжуд фарқлар эса фойдаланилган хомашё хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. *Окладников А.П.* Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-таш, Южный Узбекистан. М., 1949.
2. *Сулейманов Р.Х.* Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. Ташкент, 1972.

2022 ЙИЛДА МУЗБЕЛ УСТАХОНА-МАНЗИЛГОҲИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚАЗУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Сулейманов Р.Х., Муҳаммадиев А.Ғ., Нормуродов Д.Р., Турсунов С.С.,
Эргашев О.Т., Бадриддинов Д.Р.

Музбел ёдгорлиги Ғарбий Тянь-Шаннинг тармоқларидан бири, Чотқол тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисмида, шу номдаги доводда жойлашган.

Довон жануби-ғарбдан Қизилнура тоғи ва шимоли-шарқдан Одамтош довони билан туташган. Жанубдан Қизилнура тоғларидан бошланган тоғ массиви Музбел ва Одамтош доводлари орқали ўтиб, ҳудудни Чирчиқ ва Оҳангарон дарё хавзаларига ажратади. Музбел доводидан шимолда, Майдонтоғ тоғ платосидаги сойлар Чирчиқ дарёсининг асосий ирмоғи бўлган Чотқол дарёсига бориб қуйилади. Довондан жанубда жойлашган Қорабоғсой ва Янгиободсой сойликлари эса Оҳангарон дарёсига келиб қўшилади.

Адирлик ғарб ва шимол томондан тоғ тизмасига туташган. Унинг юзаси жанубдан шимолга қараб поғонама-поғона кўтарилиб борувчи кичик тепаликлар билан қопланган. Рельеф қолдиқ ҳолидаги қадимги адирлик кўриниши эга. Бу каби ҳолатлар денудация жараёнининг дастлабки босқичларида тоғ ёнбағри рельефининг тектоник кўтарилиши натижасида шаклланади. Тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган бу каби ҳудудлар кейинги даврлардаги фаол денудация жараёнларидан узиб қуйилади ҳамда уларнинг рельефи нисбатан турғун ҳолда сақланиб қолади. Рельеф ўзгариши маҳаллий денудацион жараёнлар ҳисобига содир бўлиб, тўпроқ қатлами ётқизиқлари ҳам маҳаллий тоғ жинсларидан иборат бўлади.


Ёдгорлик жойлашган майдон (2000 м²) жануби-ғарбдан шимоли-шарққа қараб бироз нишабликка эга. Унинг жанубий ва шарқий қисмида ҳам ер сатҳи бироз кўтарилиб яшаш учун қулай ихоталанган микрорельеф шаклланган (1-расм). Дастлабки тадқиқотлар натижасида ер сатҳидан йиғиб олинган артефактлар, асосан майдоннинг қор-ёмғир сувлари натижасида бироз ювилган шимоли-шарқий қисмида тўпланган бўлиб, улар кенг майдонга сочилиб кетмаган.

2021-2022 йиллар давомида олиб борилган тадқиқот ишлари давомида ёдгорликнинг 10 м² майдони очиб ўрганилган (қазув майдон № 1) (2-расм). Қазил ишлари натижасида қуйидаги қатламлар аниқланган:

1. Ер устки тупроқ қатлами, оч рангли, майда донадор қумоқ тупроқ, ўсимлик ва унинг илдизи қолдиқлари мавжуд 0,05-0,10 м;
2. Қорамтир-жигарранг тусли тупроқ, майда донадор 0,50-0,55 м;
3. Оч тусли оҳактош парчалари, сочилган гранит ва оралиқ гилли ўта зич қатлам 0,30-0,35 м.
4. Турли ўлчамдаги гематит (лиманит) парчалари аралаш тўқ жигарранг тусли тупроқ, ғовакли, асос қисмида тошлар йирик харсангтош кўринишида учрайди 0,60 м.



1-расм. Музбел устахона-манзилгоҳининг шимолий-шарқдан кўриниши



2-расм. Музбел устахона-манзилгоҳи. I-қазув майдони чизмаси

Музбел манзилгоҳ-устахонаси битта маданий қатламдан иборат. Қазуш ишлари давомида археологик топилмалар биринчи қатламнинг қуйи ва иккинчи қатламнинг юқори қисмидаги тупроқ қатламида аниқланди. Қазув ишлари жараёнида планиграфик таҳлилга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, маданий қатламлар ҳолатини аниқлаш учун артефактларнинг сатҳда ётиши ва бир-бирига боғлиқлиги ўрганилди. Артефактлар маданий қатлам сатҳида текис ҳолда ётиши, ёнлама ёки тик ҳолатдаги артефактлар учрамаслиги қайд этилди. Топилмаларнинг сон жиҳатдан квадратлар бўйича тақсимоотида ҳам кескин фарқ кузатилмайди. Фақат траншеянинг шарқий нишаб қисмида жойлашган К-2 квадратида майда тош буюмлар бироз кўпроқ учрайди. Ушбу хусусият маданий қатламнинг бузилмаганлигини, лекин

топилмаларнинг ер юзаси нишаблиги бўйлаб биров силжиган бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Умуман археологик топилмалар ётган қатлам ва унинг ҳолатининг бузилмаганлигини бошқа бир қатор хусусиятлар ҳам кўрсатади. Қазув ишлари натижасида аниқланган қатламлар кетма-кетлиги ва уларнинг хусусияти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Қатламлар кетма-кетлиги бир-биридан тузилиш ва таркиб жиҳатидан яққол ажралиб турибди. Литологик қатламларнинг шаклланиш жараёни бир нечта босқичдан иборат бўлган. Тоғ жинсларининг емирилиши ва рельефнинг шаклланишидаги фаол денудацион жараёнлар асосан иккинчи литологик қатламдан пастда шаклланган ётқиқиқлар билан боғлиқ. Аниқланган литологик қатламлар таркиби маҳаллий тоғ жинслари ва тўпроқ аралашмасидан иборат бўлиб, ушбу ҳолат ҳам ёдгорлик жойлашган ҳудуддаги денудацион жараёнлар маҳаллий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ёдгорлик бевосита хомашё манбаида жойлашган бўлиб, ҳудудда вулқоноген-чўкма ҳолдаги тоғ жинслари манбаи мавжуд. Бу тоғ жинслари асосан андезит, андезит-дацит, андезит-базальт, алевролит, халцедон кабилардан иборат. Бундан ташқари туфли кумтош ҳам кенг тарқалган.

Ёдгорликдан топилган артефактларнинг юзаси сезиларли ўзгаришларга учраган. Артефактлар юзасидаги патина турли даражада эканлигини кўриш мумкин. Бундай топилмалар ер сатҳи ва маданий қатламдан олинган артефактлар ичида ҳам мавжуд. Ер юзасида очиқ ҳолда ётган ва маданий қатламлардан олинган артефактларнинг бир хилда патинизацияга учраши кўпроқ тоғ жинсларининг шаклланиш ҳолати ва кимёвий таркиби билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ер сатҳидан ва маданий қатламдан олинган топилмаларнинг даврий мансублигини белгилашда уларнинг сақланиш ҳолати асосий мезон сифатида қаралиши мумкин эмас. Бунда артефактларнинг техник-типологик жиҳатдан ягона индустрияга оид эканлигига эътибор қаратиш керак.

Артефактлар юза сиртининг ўзгариши, емирилиш суръати ва якуний ҳолати бир қанча омилларга боғлиқ бўлган. Музбел ёдгорлигида фойдаланилган андезит хомашёси билан танишган В.Ф. Проценконинг хулосасига кўра, вулқон фаоллиги жараёнида лава таркиби ва унинг отилиши қисқа вақт оралиғида ҳам ўзгариб борган. Шунинг учун ёдгорлик ҳудудида турли эффузив турдаги тоғ жинслари, ҳатто оралик турдаги жинслар шаклланиши табиий ҳол. Вулқонларнинг кетма-кет отилиши эса аввал отилган лава парчалари ва интрузив жинслардан иборат вулқоноген туфларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Уларнинг ҳаммаси вулқондан кейинги қайноқ қоришмада эриган ҳолда қўшилиб, бир-бирига бириккан. Ушбу ҳолатда эффузив тоғ жинслари таркибидан келиб чиқиб ўзгаришлар (кремнеланиш, каолинланиш, альбитлашув) турлича бўлиши мумкин эди. Шунингдек, жараёнга ўзгаришларнинг даражаси ҳам таъсир кўрсатган. Натижада, андезит хомашёсининг таркиби кимёвий жиҳатдан турлича шаклланган. Буни баъзан битта тош буюмнинг юзи турли рангда эканлигида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, тош буюмлар юзаси тупроқ ва геологик

қатламлар хусусиятидан келиб чиқиб, кимёвий таъсир натижасида ўзгарганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Музбел манзилгоҳ-устахонаси коллекцияси кўп эмас. Нуклеуслар кам сонли бўлсада бирламчи ишлов бериш жараёни ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Техник-типологик хусусиятлари яққол намоён бўлган нуклеуслардан бири йирик ўлчамдаги, ўта зич, кулранг тусли, майда донатор вулканоген тоғ жинсида тайёрланган бўлиб, типологик жиҳатдан бир зарб майдонли нуклеус типига мансуб. Унинг ўлчамлари 6,5x7,8x5,1 см. Зарб майдони иш майдонидан бир-бирига параллел тарзда иккита йирик учринди олиш йўли билан тайёрланган бўлиб, бошқа қўшимча ишлов берилмаган. Нуклеуснинг бутун юзасидан йўнилғалар олинган бўлиб, фақатгина зарб майдони ва нуклеус ички қисми ўртасидаги кичик юзагина табиий уст қобиғини сақлаб қолган. Параллел ҳолда қарама-қарши жойлашган икки юзадан олинган учриндилар унинг қуйи қисмини юпқалаштириб, ёйсимон айлана шаклига келтирган. Нуклеусдан тенг ёнли пластинкасимон учриндилар олинган бўлиб, охириги учриндилардан бири чақмоқлаш жараёнида охирига етмасдан синган. Ушбу муваффақиятсиз уринишдан сўнг иш майдонида ноқулайлик юзага келган ва нуклеус чақмоқлаш жараёнининг ўрта босқичида қолдирилган.

Ушбу нуклеуснинг ҳар иккала юзасининг сақланиш ҳолати турлича. Унинг тупроқ қатламига кўмилган юзаларидан бири тўлиқ қорамтир нукта ҳолидаги патина билан қопланган бўлиб, ушбу ҳолат иккинчи юзанинг ёйсимон пастки қисмида ҳам кузатилади. Афтидан, иккинчи, тепага қараган юзанинг айнан ушбу қисми тупроқ қатламига тегиб турган ва қолган очиқ қисми тоза ҳолда сақланган. Нуклеус юзаларининг икки хил сақланиш ҳолати юқорида айтиб ўтилганидек хомашё ва у ётган геологик қатламларнинг кимёвий таъсирига боғлиқ бўлган. Чунки нуклеусда амалга оширилган чақмоқлаш жараёни бутунлигича ягона тизимни ифодалайди.

Бошқа бир тўртбурчак шаклдаги “плитка” симон андезит хомашёсида тайёрланган нуклеус ҳам бир зарб майдонли бўлиб, охириги босқичгача чақмоқланган. Унинг ўлчами 5,7x4x1,9 см. Иш майдонига нисбатан анча қия жойлашган зарб майдонининг кичик қисми сақланиб қолган. Шунингдек, нуклеуснинг катта қисми табиий уст қобиқ билан қопланган. Ушбу нуклеусда ҳам пластинкасимон учриндилар олинган бўлиб, чақмоқлаш битта юзада амалга оширилган. Чақмоқлаш жараёнининг охириги босқичида олинган учриндилар охирига етмасдан синган.

Иккита нуклеус ортогонал усулда чақмоқланган. Улардан бирининг ўлчамлари 3,8x4,7x2,9 см. бўлиб, кубсимон шаклда. Нуклеус тўқ кулранг чақмоқтошда тайёрланган ҳамда фақат битта юзасидан йирик учринди олинган. 3,5x2,9x2,3 см. Ўлчамдаги иккинчи нуклеус пушти рангли плиткасимон андезитда тайёрланган. Нуклеусда зарб майдон сифатида табиий юзадан фойдаланилган. Нуклеусдан фақат тажриба-синов хусусиятига эга бир нечта кичик йўнилғи олинган.

Охириги нуклеус оч пушти-жигаранг халцедон хомашёсидан ясалган бўлиб, чақмоқлаш бутун периметри бўйлаб амалга оширилган. Ушбу нуклеус ҳам охириги босқичгача чақмоқланган бўлиб, жуда кичик 5x2,8x1,9 см. ўлчамга эга.

Коллекция таркибида 7 дона нуклеуссимон буюмлар аниқланган. Улардан икки дона нуклеуссимон буюм ўзида нуклеус зарб майдонининг бир қисмини сақлаб қолган. Ушбу буюмлар нуклеуснинг проксимал қисмига тегишли бўлиб, юқоридаги каби битта юзаси йўнилга излари билан, баъзи қисмлари табиий уст қобиқ билан қопланган. Улардан бири нуклеусда амалга оширилган чақмоқлаш техникаси ҳақида тўлиқ хулоса чиқариш имконини беради. Ушбу нуклеуссимон буюм юқорида қайд этилган плиткасимон хомашёда тайёрланган, бир зарб майдонли нуклеусга айнан ўхшаш бўлган. Чақмоқлаш юзасига қарама-қарши жойлашган юза табиий уст қобиқ билан қопланган. Улар орасидаги зарб майдонидан қолган қисм жуда юпқа бўлиб, ушбу нуклеус ҳам охириги босқичгача чақмоқланган. У нуклеуснинг табиий уст қобиқ билан қопланган ён қирраси бир қисмини қўпориб синган. Нуклеуссимон буюм юзасидаги йўнилга изларига кўра, ушбу нуклеусда ҳам чақмоқлаш кенг текис юзада амалга оширилган.

Коллекция таркибининг катта қисмини бирламчи ишлов бериш жараёнида олинган буюмлар ташкил этади. Улардан учриндилар 23 дона, учринди бўлаклари 53 донадан иборат. Чақмоқлаш жараёнида пластиналар ҳам олинган бўлиб, бутун ҳолда 1 дона ҳамда 11 дона турли ўлчамдаги пластина бўлаклари учрайди. Деярли барча пластиналарнинг дорсал қисмидаги негатив излари параллел ҳолда бир томонга йўналган бўлиб, 3 та пластинада негатив излари улардан фарқ қилади. Ушбу пластиналар дорсалидаги негатив излари қарама-қарши ҳолда жойлашган. Улардан иккита ҳолатда дорсалдаги негатив излари конвергент ҳолда қарама-қарши зарб майдонидан олинган йўнилга изларини сақлаб қолган бўлиб, йўнилғалар дистали битта нуқтада туташган.

Қуроллар кам сонли ҳамда атипик шаклга эга. Қуроллар таркибида икки дона Тешиктош типидagi ўртача катталиқдаги қирғич мавжуд. Унинг ингичка асос қисми икки томонлама кичик йўнилғилар олиш йўли билан, қирғичнинг ўткир эгри тиғига айлантирилган. Иккинчи қирғич учун пушти-жигарранг, йирик донадор халцедон хомашёсидан фойдаланилган. Қурол плиткасимон тўртбурчак шаклидаги тановарнинг латералларидан бирини ретушлаш йўли билан тайёрланган. Бошқа бир қирғич учриндининг проксимал қисмида, зарб майдончасини кертиб йўниш орқали тайёрланган. Қирғичнинг тиғи ярим айлана, бўртма ҳолда шакллантирилган. Иккинчи қирғич кўндаланг кесмада учбурчак шаклида бўлган йирик плитканинг ёйсимон учида, енгил ретушлаш йўли билан тайёрланган.

Ўйиб-кертиб ишланган қуроллар сони икки дона. Улардан бири халцедон хомашёсида тайёрланган. У охириги босқичгача чақмоқланган нуклеус парчасида ясалган. Қуролнинг ўткир ботиқ қирраси тишсимон ретушлаш орқали тайёрланган. Ушбу турдаги иккинчи қурол ҳам нуклеуссимон бўлакда тайёрланган. Тановар сифатида фойдаланилган йўнилга ёйсимон профилга эга бўлиб, дорсалида бир-икки дона йўнилга излари мавжуд. Қурол иш майдончаси дорсалда, ўнг латералнинг зарб майдончага туташ қисмида шакллантирилган.

Тўрт дона ретушланган учринди ёки йўнилга ва унинг бўлакларида тайёрланган, қуроллар мавжуд. Уларни шартли равишда қирғич сифатида таснифлаш

мумкин. Улардан бири пластина бўлагида, чап латерални вентрал қисмидан енгил тишсимон ретушлаш орқали тайёрланган. Бир дона қирғич андезитдан тайёрланган учриндида ясалган. Қурол тиғи учриндининг дистал қисмида жойлашган бўлиб, у ўта тик ҳолда ретушлаш йўли орқали шакллантирилган.

Қирғичлардан яна бири жигарранг халцедон бўлагида тайёрланган. Қурол учбурчак шаклидаги тановарнинг чап ён қиррасини енгил ретушлаш орқали тайёрланган. Тўртинчи ҳолатда жигарранг плиткасимо халцедон хомашёсидан синдириб олинган кичик ўлчамли учринди қурол учун тановар вазифасини бажарган. Унинг ҳам зарб майдончага туташ ўткир ён қирраси ретушланган. Коллекция таркибида икки дона комбинациялашган қурол ҳам мавжуд.

Музбел ёдгорлиги коллекцияси манзилгоҳ-устахонада амалга оширилган технологик жараёнлар ҳақида бир қатор хулосалар чиқариш имконини беради. Манзилгоҳ-устахонада асосан текис юзадан амалга ошириладиган чақмоқлаш усули устунлик қилганлигини кўрсатади. Шунингдек, охириги босқичгача чақмоқланган нуклеуслар коллекция таркибида кўп учрайди.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудида мавжуд ўрта палеолит даври ёдгорликлари даврий ва маданий мансублиги масаласи узоқ йиллар давомида баҳс-мунозара марказида бўлиб келган (Ранов., 1968. С. 3-11; Сулейманов, 1972). Охириги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳам ўрта палеолит даври ёдгорликлари ривожланиши борасида бир қатор хулосалар билдирилди (Павленок и др, 2014. С. 161-168; Andrey Krivoshekin et al., 2018. P. 1-16.; Павленок, 2023. С. 55-56). Охириги йилларда Оҳангарон воҳасида олиб борилган Ўзбекистон-Россия-Польша қўшма экспедицияси тадқиқотлари натижасида Каттасой 1-2, Эрташсой 1-12, Кўксарой 1-9 каби бир қатор янги ёдгорлик ва топилма жойлар аниқланди. Уларнинг даврий чегарасини белгилаб берувчи бир қатор таҳлил натижалари қўлга киритилган (Krajcarz, 2016. P. 136–150; Павленок, 2019. С. 153-166; Павленок, 2020. С. 189–194). Музбел Тошкент воҳасининг Обирамат ва Кўлбулоқ каби муҳим ёдгорликлари билан бирга ушбу ёдгорликларга ҳам яқин жойлашган.

Музбел манзилгоҳининг маданий мансублигини белгилашда юқорида санаб ўтилган ёдгорликларда олиб борилган тадқиқот ишларининг натижалари муҳим ҳисобланади. Ушбу ёдгорликлар ҳамда Музбел коллекцияси таркибида Обираҳмат маданиятига хос бўлган кесиб-йўнилган қурол типи учрайди (Павленок, 2017. С. 5-9.). Музбелга ўхшаган манзилгоҳ-устахоналар юқори мобилликка эга жамоалар фаолияти натижасида шаклланишини, бу каби турмуш-тарзи эса замонавий типдаги одам жамоаларига хос эканлигини ҳамда Обираҳмат ёдгорлигидан мазкур жисмоний типга яқин одам суяк қолдиғлари топилишини эътиборга олган ҳолда, Музбел ёдгорлигини Обираҳмат маданияти типидagi ёдгорликлар гуруҳига киритиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Павленок К. К. Варибельность индустрий среднего палеолита Памиро-Тянь-Шаня по материалам памятника Кульбулак (слой 12.1) // Вестник Томского государственного университета. № 4. История. 2017.

2. Павленок К. К., Шнайдер С. В., Колобова К. А., Лазарев С. Ю., Раджабов А. «Зубчатое мустье» стоянки Кульбулак: новые данные и интерпретации // Известия Алтайского государственного университета. Вып. 4 (84). 2014.
3. Павленок К. К., Кот М., Павленок Г. Д., Шимчак К., Хужиназаров М., Когай С. А. Поиски объектов палеолита в бассейне реки Ахангаран: история и современность // Теория и практика археологических исследований. № 2 (26). Барнаул, 2019.
4. Павленок Г. Д., Лелох М., Кот М., Павленок К. К., Когай С. А., Холматов А., Хужаназаров М., Шимчак К. Новые палеолитические местонахождения в долине Эрташская (Западный Тянь-Шань) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. XXVI. Новосибирск, 2020.
5. Павленок Г. Д., Когай С. А., Курбанов Р. Н., Мухтаров Г. А., Павленок К. К. Появление леваллуа-пластинчатой индустрии в западной части Центральной Азии // “Новейшие открытия в палеолите Евразии” материалы международного симпозиума посвященный юбилею академика А. П. Деревянко. 2023.
6. Ранов В. А. О возможности выделения локальных культур в палеолите Средней Азии. - Изв. Отд. общ. наук АН ТаджССР, вып. 3 (53). 1968. С. 3-11.
7. Сулейманов Р. Х. Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. Ташкент, 1972.
8. Andrey Krivoshepin, Bence Viola, Temirlan Chagynov, Maciej T. Krajcarz, Magdalena Krajcarz, Stanislaw Fedorowicz, Svetlana Shnaider, Kseniya Kolobova. Middle Paleolithic variability in Central Asia: Lithic assemblage of Sel'Ungur cave // Quaternary International., journal homepage: www.elsevier.com/locate/quaint. 2018.
9. Krajcarz M., Kot M., Pavlenok K., Fedorowicz S., Krajcarz M., Lazarev S., Mroczek P., Radzhabov A., Shnaider S., Szymanek M., Szymczak K. Middle Paleolithic sites of Katta Sai in western Tian Shan piedmont, Central Asiatic loess zone: Geoarchaeological investigation of the site formation and the integrity of the lithic assemblages // Quaternary International. Vol. 399. 2016.

2022 ЙИЛДА САМАРҚАНД, ЖОМБОЙ ВА БУЛУНҒУР ТУМАНЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Суюнов С., Орри В., Серроне Э., Балби М.

Ўрта Зарафшон воҳаси бўйлаб ўтказиладиган археологик тадқиқотлар, олдиндан аниқланган археологик ёдгорликларни янги методик усулда қайта ўрганиш ва уларнинг археологик харитасини яратиш, аниқланган ашъвий далиллар асосида даврий санасига аниқлик киритишдан иборат бўлди. Ушбу ўзаро ёндашув ва янги методик услубий қўлланишлар ЎИАП (Ўзбекистон-Италия архео-логик программаси (лойиҳа) иштирокчилари томонидан 2001 йилдан бери тадқиқ этиб келинади.

Белгиланган режага кўра (мозорқўрғонлар бўйича) 2021 йилда Қоратепа тоғ олди этакларидида олиб борилган қидирув тадқиқотлари охирига етган эмас. Шу сабабли ҳам ушбу ҳудудда 2022 йилнинг ёз ойларида яна қидирув ишлари давом эттирилди. Янги усулда ҳудудда ишлар якунига етказилгандан сўнг, бу усулдан Зарафшон дарёсининг шимолий томонида жойлашган Булунғур ва Жомбой туманлари оралиғидаги кичик воҳасида ҳам фойдаланилди.

1. Самарқанд туманида олиб борилган тадқиқотлар;

Дастлаб қидирув ишлари Самарқанд туманининг Оҳалик қишлоғининг ғарбий томонида, Ургут тумани билан чегарадош жойида, Илонли қишлоғига яқин бўлган ҳудуд, 40 км² га яқин бўлган майдонда ўтказилди. Қилинган ишларнинг давоми сифатида, Ургут туманининг марказига яқин бўлган жойда ҳам кузатув ишлари олиб борилди. Ўрганилаётган ҳудуд, Самарқанд шаҳридан жануброқда, баландлиги тахминан 1000 м.га яқин бўлган Қоратепа тоғларининг шимолий этакларини қамраб олган.


Дала қидирув ишлари натижасида Самарқанд ва Ургут туманлари ҳудудида 50 та янги мозорқўрғон аниқланди. Улардан яхши сақланиб қолганлари 25 та, қисман яхши сақланганлари 15 та, юқори даражада вайрон бўлганлари 8 та, бутунлай вайрон бўлганлари эса 2 тани ташкил этди. Ҳозирда йўқолиб кетган 2 та мозорқўрғонларнинг ҳам ўрни аниқланиб харитага туширилди (1-расм).

2. Жомбой ва Булунғур туманида олиб борилган тадқиқотлар.

Ушбу тадқиқот, ҚАЛАМ лойиҳаси асосида Самарқанд вилоятининг Жомбой ва Булунғур туманларида, биринчи марта ГИС дан фойдаланган ҳолда ўрганилди. Ўрганилган ёдгорликларнинг эски (тарихий) хариталари 1:10 000 масштабда бўлиб, майдони тахминан 5 км² га яқин. Ушбу йўналишдаги текширувларнинг мақсади ГИСда аллақачон аниқланган, маълум бир ёдгорликнинг ҳолатини ўрганиш, ундаги материалларни бор ёки йўқлигини аниқлаш ва қўшимча маълумотлар билан (ёдгорлик сақланиб қолган ёки йўқолиб кетган) тўлдиришдан иборат бўлди. Сўнгра ўрганишлар асосида аниқланган ёдгорликларнинг харитаси қилинди (2-расм).

Самарқанд, Жомбой ва Булунғур туманлари ҳудудида олиб борилган қидирув тадқиқотлари натижасида дастлабки ўрганилган ёдгорликлар, янги усулда (сунъий

интеллект –АИ техникаси ёрдамида автоматик аниқлаш усули орқали) қайтадан ўрганилди. Қўшимча аниқланган ёдгорликлар археологик ашёвий далиллар асосида таҳлил қилинди.




1-расм. Самарқанд туманида аниқланган ёдгорликлар (мозоркўрғонлар), ЎИАП.
(Харита тадқиқотчи В. Оррю томонидан ишланган)



2-расм. Жомбой ва Булунгур туманида аниқланган ёдгорликлар: Қизил нуқта
(вайрон бўлган ёдгорликлар), кўк нуқта (сақланиб қолган ёдгорликлар)). ЎИАП.
(Расм, тадқиқотчи М. Балби томонидан туширилган)

Қоратепа тоғ олди худудида ўрганилган мозорқўрғонларнинг асосий қисми тўп-тўп кўринишда қайд этилган бўлиб, улар асосан тоғли аллювиал ётқизиқларда бир текисда жойлашганлиги кузатилди. Бу жойлар бир томондан табиий сув манбаига яқин бўлса, иккинчи томондан уч тарафлама тоғлар билан ўралган. Бу эса турар-жой аҳолисининг қулай шароитда яшаганлигини кўрсатади. Дастлабки тадқиқотларда аниқланиб ҳисобга олинган мозорқўрғонларнинг кўп қисми 70-80 йилларда янги ерларни ўзлаштириш жараёнида йўқолиб кетганлиги кузатилди. Сўнги тадқиқотлар натижасида ҳозирга келиб йўқолиб кетган ёдгорликларнинг ҳам ўрни аниқланди ва харитага туширилди. Бу тадқиқотлар ҳам янги методик усулда (сунъий интеллект – АИ техникаси ёрдамида автоматик аниқлаш) амалга оширилди.

ЎИАП (Ўзбекистон-Италия Археологик Программа) лойиҳаси иштирокчилари томонидан 2022-йилда қайд этилган янги ёдгорликлар, олдинги мавсумдаги аниқланган ёдгорликлар билан қўшиб жамланди ва уларнинг умумий харитаси килинди. Ўрганилган ёдгорликларнинг умумий сони 2328 тага етди (3-расм).



3-расм. Ўрта Зарафшон воҳасининг жанубий томонида қайд этилган археологик ёдгорликлар мажмуаси, ЎИАП. (Харита, тадқиқотчи В. Оррю томонидан ишланган)

2022 ЙИЛДА ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ЖОЙЛАШГАН МОЗОРҚҮРҒОНЛАРДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

Тошбоев Ф.Э., Мамиров О.Ў., Тугалов Б.Б.

2022 йил май, август, октябрь ойларида Жиззах давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари доц. Ф.Э. Тошбоев, ўқитувчи Б.Б. Тугалов, Ўз РФА Миллий археология маркази илмий ходими О.Ў. Мамировлар ва археология фанидан дала малакавий амалиётини ўтаётган талабалар иштирокида Ш. Рашидов туманидаги Қорангул, Бахмалсой, Жилли ғули, Қорасой, Қипчоқ ва Боғишамол қишлоқларига туташ тоғларда археологик қидирув ва қазув ишлари олиб борилди. Қидирув ишлари натижасида 15 га яқин мазорқўрғонлар аниқланиб, харитага туширилди ва қазув ишлари олиб борилган объектлар сариқ, қазиб кўрилмаганлари оқ ранг билан белгиланди (1-расм).



1-расм. Жилли ғулли мазорқўрғонлари жойлашуви

Дастлаб, Боғишамол мемориал ёдгорлиги шимолидаги тоғ ёнбағрида қурилиш ишлари ўтказилаётган ҳудудда мазорқўрғон ўрнига дуч келинган ва у ердан сопол идиш (горшок) топилган. Идиш қўлда ясалган, сиртига махсус тароқсимон восита билан бўйни ва елкасига, зигзаг кўринишида безак бериб ясалган. Унинг гардиши диаметри 19 см, таг қисми диаметри 8,5 см, бўйи эса 15 см ўлчамида (2-расм). Очик оловда пиширилган. Хаамири ғоваксмион. Таркибида дресва, шамот, ва қум мавжуд. Идиш деярли бутун ҳолда бўлиб, мил. авв. XIII-XII асрларга оид дашт бронза даври жамоалари моддий маданиятининг Зарафшон варианты (Федоров, Орск - Оқтўба гуруҳи)даги ёдгорликлардан топилган сопол идишларга ўхшаш.

Ушбу топилма ҳудудда зудлик билан қидирув ишларини олиб боришга сабаб бўлди. Қидирув ишлари натижасида Жилли ғули қишлоғининг шимолий-шарқ томонидаги пасттоғликнинг юқорисида бир нечта тош мазорқўрғонлар аниқланди.

Бу пасттоғликнинг тошли баландликлари шу пайтгача ўрганилмаган эди. Фақат 2016 йилда ушбу мозоркўрғонлар жойлашган ҳудудга яқин жойлашган Сузмойил ота қоятош расмлари ўрганилган (Холматов, Пардаев, Тошбоев, 2018. Б. 254-257).



2-расм. Бронза даврига оид бўлган сопол хурмача

1-мозоркўрғон (тош қути). Аниқланган тош мозоркўрғонлар Жилли ғули қишлоғига туташ тоғнинг шарқий қисмида, Боғишамол қишлоғидан чикувчи адирликлар туташган тепаликларда жойлашган. Бу ерда аниқланган мозоркўрғон маркази ва атрофидан ер юзига бўртиб чиқиб қолган тош қатлами бўлган. Мозоркўрғон ана шу тош қатлами устига қилинган. Мозоркўрғон усти тошлар билан айлана шаклда тўлдирилган ва ўлчами 7x7 м баландлиги 0,4 м. Мозоркўрғон устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида барча томонидан катта ўлчамдаги тошларни нисбатан текисроқ бўлган ён тарафи ичкарига қаратиб қўйилган, марҳум учун махсус тўрт бурчакли, тош яшик шаклидаги дафн қурилмаси очилди (3-расм). Мозоркўрғон жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга йўналган ва ўлчамлари 1,10 м x 0,50 м, девори баландлиги 0,40 м. Мозоркўрғон тозаланганда шу нарса маълум бўлдики, у тоғнинг ер юзасига бўртиб чиқиб қолган қатламли тошларидан плита шаклида синдириб олиниб, тўрт тарафдан тошлар териб, ўзига хос қути ҳосил қилинган ва унинг устига плита тошлар қўйиб ёпилган. Мозоркўрғон полида сақланиши жуда ёмон ҳолатдаги, титилиб кетган одам суяклари қайд этилди (4-расм). Жасад боши ғарб томонга қўйилган ва ғужанак ҳолда дафн этилган. Тош қути ичига майда тош аралаш тупроқ тўлиб қотиб қолган.


2-мозоркўрғон. Биринчи мозоркўрғондан 10 м шарқда тоғ тепасидан кесиб ўтган тош қатламининг устида жойлашган. Мозоркўрғон усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Тош уюми овалсимон кўринишда, унинг ўлчами 5 м баландлиги 0,2 м. Мозоркўрғон устидаги тош қатламлари олиниб, тозалаш ишлари олиб борилди. Қурилма ҳамма томондан катта ва кичик тошлар билан ўралган. Устига тартибсиз ҳолда турли хил ўлчамдаги тошлар ташланган. Бу мозоркўрғон ҳам тоғ устида қоя тошда, тошлардан териб ясалган ва иншоот тош яшик кўринишини олган. Бироқ

унда дафн этиш билан боғлиқ излари аниқланмади. Бунинг изоҳи сифатида, мзор-қўрғон учун асосий хом ашё бўлган тош бўлаклари тўпланган, бироқ вазият ўзгариб у ташлаб кетилган.



3-расм. Мозорқўрғоннинг ташиқи кўриниши

Жиллигулли 2022
№ 1 Мозорқўрғон



4-расм. 1-мозорқўрғон чизмаси

3-мозоркўрғон. Биринчи ва иккинчи мозоркўрғонлардан 300 м шимолий-ғарбда, Жилли ғули ва Қипчоқ кишлоқларидан чиқувчи адирлари туташган тепаликларда жойлашган. Бу ерда устки қисми тошлар билан кўтарилган тош қурилмалар мавжуд. Тош уюмлари жойлашган ҳудуд ва атрофини ер остидан тош қатлами бўртиб чиқиб турибди. Ўлчами 12x10 м баландлиги 0,6 м бўлган овал шаклдаги уюм ҳосил қилинган. Мозоркўрғон устидаги тош қатламлари олиниб, тозалаш ишлари олиб борилди, бироқ бу қабр конструкцияси учрамади.

4-мозоркўрғон. Учинчи мозоркўрғондан 10 м шимоли ғарбда жойлашган. Усти айлана кўринишида тош уюмларидан иборат. Унинг ўлчами 6x6 м баландлиги 0,2 м. Қазув мозоркўрғоннинг шарқий томонида 4x2 м ўлчамдаги майдонда олиб борилди. Тош қатлами олиб ташланиб, майдон тозалангач унинг тоғ қоясини 15 см чуқурликда кўпориб тош яшиқ ясалганлиги ва усти тош билан тўлдирилган маълум бўлди. Мозоркўрғон атрофида қўлда ясалган сопол бўлақлари қайд қилинди. Мозоркўрғон шимолга томон узунчоқ кўринишида ясалган, ўлчамлари 1,10 м x 0,40 м, девори баландлиги 0,20 м. Бу ерда ҳам ҳеч қандай ашё қайд этилмади.

5-мозоркўрғон. Тўртинчи мозоркўрғондан 6 м ғарбда жойлашган. Тош уюмлари айлана кўринишида, ўлчами 6x6 м баландлиги 0,3 м. Тош қатлами тагидан ҳеч қандай конструкция ёки топилмалар аниқланмади.

6 мозоркўрғон (тош қути). 1-мозоркўрғон (тош қути)дан 370 м масофада, иккита тоғ дараси (Жилли ғули ва Боғишамол) ўртасидаги адир тепалиги чўққисида жойлашган. Ёдгорлик маркази ва атрофидан қоянинг тош қатлами кесиб ўтган. Мозоркўрғон ана шу тош қоя устига қурилган. Мозоркўрғон (тош қути) усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Иншоот шакли айлана кўринишида, ўлчами 5 x 3 м баландлиги 0,4 м. Мозоркўрғон устидаги тош қатламлари олингач, унинг марказида тоғ қоясини кесиб ясалган тўғри тўртбурчак кўринишидаги мозоркўрғон (тош қути) очилди (5-расм). Шарқ-ғарб йўналишидаги тош яшиқ кўринишидаги мозоркўрғон ўлчамлари 1,30 м x 0,40 м, девори баландлиги 0,30 м. Мозоркўрғон қоятошларни кесиб ясалган ва устига плита тошлар қўйиб ёпилган. Мозоркўрғон полида сақланиши ёмон ҳолатдаги, боши ғарбга қаратиб, ғужанак шаклида ётқизилган одам суяклари қайд этилди (6- расм).

7-мозоркўрғон. 6-мозоркўрғондан 100 м ғарбда жойлашган. Унинг шакли айлана кўринишида, ўлчами 5 x 5 м баландлиги 0,3 м. Мозоркўрғон усти тўлиқ тошлар билан тўлдирилган. Иншоот марказида тошдан ясалган камера излари сезилади. Мозоркўрғон имарказида геолог-геодизстлар томонидан белги (Темир столба) ўрнатилган. Шунинг учун ушбу мозоркўрғон тозаланиб, ўлчамлари олинди. Бироқ, унда қазув ишлари ўтказилмади. Шундай бўлсада, унинг ташқи кўринишидан ва марказидаги камера изларидан 6 тош мозоркўрғонга ўхшаш хусусиятлар сезилиб турибди.

Қазув ишларидан маълум бўлмоқдаки, тоғ тепасидаги мозоркўрғонлар қоятошларни кесиб ёки тошлардан териб тош яшиқ кўринишида ясалган. Мозоркўрғонлар ясаши шаклини ҳам иккига ажратиш мумкин 1-тоғни кесиб ўтган қояни ўзини кесиб (3,4,5,6) ва қоятошлар устига тошлардан териб ясалган мозоркўрғонлар (1,2,7).

Тош уюмлари ташки кўринишида ҳам фарқ мавжуд. Булар 3,4,5- мазоркўрғонлар асосан, қайроқ тошлардан териб кўтарилган. Иккинчи хили эса шу атрофдаги харсанг тошлардан териб ясалган.

Жилигулли-2022
Мазоркўрғон №6



5-расм. 6-мазоркўрғон чизмаси



6-расм. №6 Мазоркўрғон фотосурати.

Бу мозоркўрғонлар ясалиш шаклига кўра Олтой ўлкасидаги Коракўл маданиятига оид мозоркўрғонларга ўхшайди. Коракўл маданиятига оид тош яшик (кути) кўринишидаги мозоркўрғонларни ўрганган археологлар уларни уч хил типга ажратганлар. Бу мозоркўрғонларнинг кўпчилиги барча томондан тош плиталар би-лан ўралган тош яшик кўринишида бўлган (Кубарев, 2009. С. 28. Рис. 69-71). Кавказнинг шимоли – ғарбий худудларида А.В. Шишлов ва Н.В. Федоренко томонидан ўрганилган (Шишлов, Федоренко, 2006. С. 63-73). Улардаги қизиқарли хусусиятлардан бири, баъзи мозоркўрғонларда алоҳида кўйилган идишлар мозоркўрғондан ташқарида қайд қилинган. Бундай ҳолат Жилли ғули 4-мозоркўрғонда ҳам кузатилди. Унда сопол идиш мозоркўрғондан ташқарига кўйилган эди.

2009 йил Ш. Рашидов туманининг Бахмалсой қишлоғи (биз ўрганаётган Жилли ғули қишлоғидан 5 км жануб) да бронза даврига оид, дафн буюмларига анча бой бўлган мозоркўрғон ўрганилган (Хасанов, 2022. 89-92 б). Л.М. Сверчков шу каби тош кути мозоркўрғонлар борлигини эслатиб ўтади (Сверчков, 1991. С. 20). А.А. Грицина Зомин табиат кўриқхонаси худудида очилиб қолган тош яшик кўринишидаги қабрни қайд этган (Грицина, 2000. С. 205). Л.М. Сверчков томонидан Зомин тумани, Дуоба қишлоғидан Ўрикли дарёси бўйидан бронза даврига оид ёдгорликдан бронза чопқи-болта (тесла-кельта) ҳам бу фикрни мустаҳкамлашга хизмат қилади (Сверчков, 2006. С. 119).

Бронза даври дашт чорвадор қабилалари маданияти билан боғлиқ ёдгорликлар Зарафшон воҳасида кўплаб ўрганилган. Гужайли, Мўминобод, Қизил-қир, Сайгус, Чаққа, Сиёб, Дашти Ашт, Дашти Қазо каби чорвадорларга мансуб мозоркўрғонлардаги мозоркўрғон тузилиши, мархумларнинг дафн маросимлар, оловга сиғиниш излари, сопол идишларнинг ясалиш, шакли ва нақшлари, мархумнинг антропологик типи Андроново жамоаларига хос хусусиятларни ўзида намоён қилади (Жўракулов, Аванесова, Амиркулов, 1994. Б.107-111). Шу пайтгача Тошкент воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, кўчманчилар сўнгги бронза даврида минтақани фаол ўзлаштириб бошлаганлиги аниқланган. Улар Андроново маданиятининг Петров, Федоров, Саргари-Алексеев босқичларига мансуб чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштирилган. Бу жамоларга мансуб ёдгорликлар Янгийўл шаҳри жанубидаги, Жун ариғи бўйлари ва Искандар қишлоғи атрофларида ўрганилган. Улардаги материаллар хусусиятига кўра, Андроново маданиятининг Федоров маданиятига мансублиги аниқланган. Шунга ўхшаш материаллар “Никифоров ерлари”, Шоштепа, Мингўрик ва Қорақамишсой худудлари. Чирчиқ дарёсига Чимбойликсув яқинида ва Бурчмулло қишлоғида ўрганилган (Тереножкин, 1962. С. 3).

А.Н. Бернштам 1940 йилда Сулаймон тоғидан жанубда, Ўш шаҳри яқинидан топилган арчасимон нақшли сопол парчалари билан танишиб, бу сопол парчаларини бронза даврининг Андроново-Карасук маданиятига тегишли эканлигини таъкидлайди ва унинг санасини милоддан аввалги II минг йилликнинг охири I минг йилликнинг бошлари билан белгилайди. Н.Г.Горбунова ва Б.З.Гамбурглар 1950 йилларда Жанубий Фарғонанинг адирлик зоналаридан бронза даврининг дашт қабилалари маданиятига тегишли Водил ва Қарамкўл ёдгорликларини топадилар. Ушбу

даврга оид ёдгорликларга яна Япаги, Чек, Хўжа Ягона, Дахана, Қашқарчи, Дашти Ашт мозорқўрғонлари киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ёдгорликлардаги материаллар мил.авв. II минг йилликка оид Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги, Федоров ва Саргари-Алексеев маданиятига тегишли эканлиги таъкидланган (Аванесова, 1991. С. 53-54). Сўнгги бронза даври материалларига таяниб айтиш мумкинки, Чоч воҳаси, Суғд ва Фарғона водийсида мил.ав. II-I минг йилликларнинг чегарасидан бошлаб қадимги ўтроқ деҳқончилик вилоятлари билан маданий алоқалар ўрнатган Андроново чорвадор қабилалари томонидан фаол ўзлаштирилган. Бирок, қўшни минтақаларда кенг тарқалган дашт бронза даври жамоалари маданияти билан боғлиқ ёдгорликларнинг Уструшона ҳудудларида йўқлиги бу мавзу доирасида махсус тадқиқотлар олиб борилмаганлиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, Жилли ғули мозорқўрғонларида ўрганилаётган материаллар ҳудудда шу пайтгача тарқоқ ва гоҳида учрайдиган бронза даврига оид материалларни умумлаштириш ва Андроново чорвадор жамоаларининг Уструшона тарихидаги ўрни масаласига оид кириштириш имконини беради. Жилли ғули, Бахмалсой, Қулписар ва Моргузар тоғларидаги Ғалчасой, Қоратош, Бешарчасой, Мойлиқўтон ва Ўйиқтош водийларида ўрганилган материалларга таяниб айтиш мумкинки, мил.ав. II - I минг йилликларнинг чегарасидан бошлаб ушбу ҳудуд қадимги ўтроқ деҳқончилик вилоятлари билан маданий алоқалар ўрнатган Андроново чорвадор қабилалари томонидан ўзлаштириб бошланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. *Аванесова Н.А.* Культура пастушеских племен эпохи бронзы азиатской части СССР. (По металлическим изделиям). Ташкент, 1991.
2. *Грицина А.А.* Уструшанские были. Ташкент, 2000.
3. *Жўрақулов М.Ж., Аванесова Н.А., Амирқулов Б.А.* Зарафшон воҳасининг ибтидоий маданияти. Самарқанд, 1994.
4. *Кубарев В.Д.* Памятники Каракольский культуры Алтая. Новосибирск, 2009.
5. *Сверчков Л.М.* История изучения древних выработок Узбекистана (краткий обзор) // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006.
6. *Сверчков Л.М.* Поселение Мык – источник по истории средневековой Уструшаны. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Самарқанд, 1991.
7. *Тереножкин А.И.* Клад андроновских бронзовых предметов из с. Бричмулла близ Ташкента / СА. 1962. УЧ 3.
8. *Хасанов М.* Бахмалсойдан топилган бронза даври топилмалари. «Евроосиё халқлари маданий мероси: замонавий тадқиқотлар, муаммо ва ўрганиш усуллари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (1-қисм). Жиззах, 2022.
9. *Холматов А.Н., Пардаев М.Х., Тошбоев Ф.Э.* 2016 йилда ўтказилган Сузмойилота қоятош расмлари тадқиқотининг дастлабки натижалари


хусусида // **Археологические исследования в Узбекистане 2015-2017 гг. Вып. 11. Самарканд, 2018.**

10. *Шишлов А.В., Федоренко Н.В.* Погребальный обряд племен северо-западного побережья Кавказа в конце VII – V вв. до н.э. (по материалам Владимировского могильника) // *Аргонавт. Черноморский исторический журнал.* №2. 2006.

2022 ЙИЛДА ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИНИНГ ҚОЯТОШ СУРАТЛАРИ УСТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ДАЛА ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАР

Холматов А.Н., Сандибоев А.Н., Сориев Х.Я., БотировИ.

Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги Зиёвуддин тоғининг Чангаллисой, Қудуқчасой, Туятош каби сой ва дараларда ҳамда Нурота тоғ тизмасидаги Гарашасой, Михиям-сой дараларида янги қоятош расмлари топиб ўрганилди ва археологик харитага олинди (1-2 расм).




1-расм. Зиёвуддин тоғ тизмаси янги қоятош расмлари харитаси



2-расм. Нурота тоғ тизмаси янги қоятош расмлари харитаси

Нуробод тумани ҳудудида олиб борилган дала қидирув тадқиқотлари натижа-сида аниқланган янги қоятош расмлари Зиёвуддин тоғининг Чангаллисой, Учтаёқ, Ҳазрати Али, Қудукчасой, Туятош каби сой ва дараларининг ён қайирларидаги баъзи қояларга уриб-чўкичлаб ишланган. Бу сойларда қадимги аجدодларимиз томонидан чизилган расмлар нисбатан кам бўлиб, улар уриб-чўкичлаш техникасида, соя, схематик ва ярим схематик услубларда чизилган. Хусусан, Чангаллисойда амалга оширилган тадқиқотлар жараёнида бу ерда иккита жойдаги қоятошларда тасвирлар борлиги аниқланиб рўйхатга олинди. Бу қоятош расмлари орасида одам, тоғ эчкиси, архар, жайрон, от, туя, эчки, бўри, ит, суворий (отлик), тамға, турли шаклдаги белги-лар (солярный знак), кирилл ҳарфидаги ёзувлар, абстракт (мавхум) тасвирлар ва чала қолдирилган ҳамда ноаниқ-хира ишланган расмлар борлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. Ҳазрати Али янги қоятош расмлари

Шунингдек, дала қидирув ишлари Чангалли қишлоғи жанубий ғарбий томо-нида жойлашган Остонабобо, Лангар, Қўшшасигир ва бошқа қишлоқлар атрофидаги сой дараларида давом эттирилиб, Чангалли қишлоғининг шимолий-ғарбидаги Учтаёқ деб номланувчи жойдаги қоятошда ҳамда Лангар қишлоғи шимолидаги Ҳаз-рати Али харсангтоши сиртларида ҳам янги қоятош расмлари аниқланиб рўйхатга олинди. Қоятош расмлари орасида асосий сюжет тоғ эчкилари ҳисобланади. Улар қадимги рассомлар томонидан ҳар хил мазмунда ишланган бўлиб, улар ўк-ёй билан қуролланган овчилар ёки ит ва бўрилар таъқибидан қочиб бораётган турли компо-зицион сахналарда ёки бирор нарсадан ҳуркиб чопиб кетаётган ҳолатда, баъзилари эса сокин турган ҳолатларда ишланган (4-расм).

Тадқиқотларимиз давомида Нуробод тумани Тим қишлоғи яқинидаги Қудук-часой, Туятошда ҳам янги қоятош расмлари рўйхатга олинди. Бу ердаги тошларда суворий, ёввойи тоғ эчкилари, архар, турли геометрик белгилар, қадимги туркий-рун битиклари (тахмин) ва алоҳида ҳарфлари каби тасвирлар ҳам учрайди. Хусусан, Қу-



4-расм. Учтаёқ янги қоятош расмлари

дукчасойда аниқланган ва биз томонимиздан туркий-рун ёзуви деб тахмин қилинаётган тасвирлар айниқса диққатлидир. Бу ерда олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида қоятошдаги бу турли белги тасвирлари диққат билан ўрганилиб, бу белги тасвирлари Республикамиз ва унга қўшни давлатларнинг турли ҳудудларидан топиб ўрганилган туркий-рун ёзувлари қиёсий ўрганилиб, мана шу тахминий хулосаларни илгари сурмоқдамиз. Улар ҳар хил шаклларда, яъни айлана, бурчакли, учбурчак, овалсимон кўринишларда акс эттирилган. Бу расмларнинг кўпчилиги узок йиллик табиат ҳодисалари таъсири натижасида емирилиб, сийпаланиб ноаниқ-хира ҳолатларга келиб қолган (5-6 расмлар). Шу кунга қадар ҳам Республикамиз ҳудудида бу каби ёзув намуналари олимлар томонидан топиб ўрганилган. Ҳаттоки, Насимхон Раҳмонов, Боқижон Матбобоевларнинг «Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари» номли илмий-оммабоп рисоласида Ўзбекистондан 20 дан ортиқ туркий-рун ёзувидаги матн парчаларининг топилиши билан уларнинг жаҳон илм-фанига маълум бўлиши, машҳур шарқшунос, ёзувшунос олимларнинг диққатини жалб этиши ва илмий жиҳатдан талқин қилиниши ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Бу дала қидирув тадқиқотлари Туятош ҳудудларида ҳам давом эттирилиб, бир қанча янги қоятош расмлари топиб ўрганилди. Бу ердаги қояларда ёввойи тоғ такалари, сувойрилар, бўри, ит, от, хонаки эчки ва бошқа тасвирлар учрайди. Улар орасида сувойрилар томонидан тоғ эчкиларни ов қилиш манзараси айниқса диққатлидир. Тасвирларнинг баъзилари бир-бирининг устидан ишланиб, бири иккинчисини қоплаб қолган. Расмлар 15 см дан то 40 см гача бўлган турли ўлчамларда чизилган (7-расм).

Шунингдек, жорий йилда бу дала қидирув тадқиқотлари Шимолий Нурота тоғ тизмаси жанубий ёнбағридан оқиб тушувчи Гарашасой ва унинг атроф ҳудудларида ҳам амалга оширилди. Бу қидирув тадқиқотлари натижасида Гарашасой ва Михиямсойда янги қоятош расмлари борлиги аниқланиб харитага туширилди. Бу сой

дараларидаги қоятошларида одам, турли ёввойи ҳайвонлар; тоғ эчкилари, туя, от, ит ҳамда сувойри тасвирлари қайд қилинди. Улар қадимги рассомлар томонидан уриб-чўкичлаш, ишқалаш, тирнаб чизиш техникаларида соя, схематик услубларда ишланган (8-9 расмлар).



5-расм. Қудуқчасой янги қоятош расмлари (Туркий-рун ёзувлари билан)

Воҳада амалга оширилган комплекс тадқиқотлар жараёнида бу қоятош расмларидан ташқари қадимги мазорлар, қишлоқ уйлари харобалари аниқланиб, харитага олинди.

2022 YILDA SHEROBOD TUMANIDA OLIB BARILGAN ARXEOLOGIK QIDIRUV TADQIQOTLARI

Shaydullayev A.Sh. Shapulatov U.X.

Arxeologik qidiruv nazorat ishlari 2022-yil may va sentyabr oylarida Sherobod tumani Ko'hitangtog' yonbag'rilarida qadimgi sug'orish va suv manbalarini o'rganish va Burguttepa yodgorligi yaqinidagi qadimgi kanalda qazishma ishlari olib borildi. Arxeologik qidiruv tadqiqotlari Zarabog', Chorvoq, G'oz, Kampirtepa, Qorabog', Kayrit, Maydon, Poshxurd, Sholqon qishloqlarida ham davom ettirildi.

Tadqiqotimizni dastlab Kampirtepa va Shalqon qishloqlaridan boshlanuvchi ikki soyni kuzatishdan boshladik. Birinchi soy Kampirtepa qishlog'idan boshlanuvchi Machayli (Machildi) soyidir. Bu soy qishloqning yuqori qismidan oqib keluvchi Kampirtepa va Machayli (Machildi) soylarining qo'shilishidan hosil bo'ladi. Ikki soyni qo'shilish joyi Duob (tojikcha: ikkita suv), deb ataladi. Bu soy Zarabog' qishlog'ining g'arbiy qismidan oqib o'tib Dobulsoyga borib qo'shiladi. Dobulsoy Xalqajar deb nomlanuvchi jarlikdan oqib o'tib, G'oz qishlog'ining janubiy sharqidan boshlanuvchi Ulanbulqsoyga kelib qo'shiladi. Kampirtepa qishlog'idan boshlanuvchi soyni Zarabog'dan oqib o'tuvchi joyi mahalliy xalq Kattasoy nomi bilan atashadi.

Bu soydan bir nechta ariqlar chiqarilib, Zarabog' va Pashxurt qishloqlari aholisi suv ko'p bo'lgan bahor vaqtlarida dehqonchilik maydonlarini sug'orishda foydalaniladi. Machayli (Machildi) soyidan qadimdan qazilgan ikkita yirik ariqni ko'rishimiz mumkin. Ona ariq deb nomlanuvchi birinchi ariqning boshlanishi Machayli (Machildi) soyni Kampirtepa qishlog'i tugashidagi oqimidan qo'ltiq usulida qazib chiqarilgan. Bu ariq Zarabog' va Pashxo'rt o'rtasidagi keng dehqonchilik maydonlarini bahor paytlarida suv bilan taminlagan va ta'minlab kelmoqda. Ona ariq bo'yida Sapolli madaniyatiga tegishli Bobolangar manzilgohi joylashgan. Ikkinchi ariq Oqjar arig'i deb nomlanadi. Bu ariq ham Zarabog' qishlog'idan oqib o'tuvchi Machayli (Machildi) soyidan qazib chiqarilgan. Zarabog'dan boshlangan bu ariq suvlari ham bahor oylarida Pashxo'rt qishlog'ining yuqori qismigacha oqib boradi. Bu ariq bo'yida Sapolli madaniyatiga tegishli Tulkitepa yodgorligi joylashgan.

Ikkinchi soy Sholqon qishlog'idan boshlanib, Sholqonsoy nomini olib, Zarabog', Kayrit, Maydon, Loyliq qishloqlaridan oqib o'tib, Loyliqsoy nomi bilan Sheraboddaryoga borib quyiladi. Bu soy Kayrit qishlog'idan oqib o'tayogan joyi Kayritsoy, Maydon qishlog'idan oqib o'tadigan qismi Maydonsoy deb yuritiladi. Soyni Zarabog' qishlog'idan oqib otgan qismi mahalliy xalq Kichik soy deb atashadi. Aynan shu soyni qishloqning janubiy qismidan so'nggi bronza va ilk temir davriga oid Burguttepa yodgorligi yonigacha qadimgi ariq (kanal) qazilgan.

Bu kanalda qazishma ishlari olib borildi. Kanaldan bir necha marotaba suv oqib o'tganligi aniqlandi. Bu qazishma O'zbekiston – Fransiya xalqaro ekspiditsiyasi bilan birgalikda olib borildi. Qazishma joylaridan tahlil uchun bir nechta namunalar olindi va namunalar Fransiyaning Lyon shahridagi Arxeorent laboratoriyasiga jo'natildi. Natijalarini keying tadqiqotlarimizda keltirib o'tamiz.

Bu hududda olib borilgan keyingi tadqiqotimiz tabiiy buloqlarni ro'yxatga olish ishlari bo'ldi. Maydon qishlog'ida 15 ta, Chorboq qishlog'ida 17 ta, Zarabog' qishlog'ida

19 ta, Pashxurt qishlog'ida 21 ta, G'oz qishlog'ida 7 ta tabiiy buloqlar ro'yxatga olindi. Buloqlarni ro'yxatga olish jarayonida yangi yodgorliklar topildi. Pashxurt qishlog'ining shimoliy - g'arbiy qismida, qishloqdan 4-5 kilometr uzoqlikda Xolijja buloqlari joylashgan. Bu buloqlar atrofi ko'zdan kechirilganda bronza va ilk temir davriga oid sapol parchalari topildi. Buloqdan oqib kelayotgan ariqning chap tomonida, 37°43'13.37"C 66°44'5.25"B geografik nuqtada qisman tosh devorlari saqlanib qolgan, aylana shakldagi yodgorlik topildi. Bu yodgorlikga Xolijja yodgorligi deb ro'yxatga olindi. Yodgorlik 0.2 gektarni tashkil qiladi. Xolijja bulog'ini mahalliy xalq Xolloji deb yuritishadi va Paxtani chigitidan ajratagigan uskunani nomidan kelib chiqqan (1-pacm).



1-pacm. Xolloji bulog'ining boshlanish qismi

G'oz qishlog'ining yuqori qismida ikkita koriz joylashgan. Ko'lkoriz va Tolkoriz deb nomlanadigan bu korizlar bugungi kunda aholi tomonidan foydalanilmaydi. Ko'lkorizning Shimoliy – g'arbiy qismi ko'zdan kechirilganda bir nechta tosh uyumlari yig'ilganligi kuzatdik. Bu yerdagi tosh uyumlar orasidan ham bir nechta sapol parchalari terildi. Sopollar bronza, ilk temir va o'rta sarlarga oidligi aniqlandi. G'oz tosh uyumlari nomi bilan ro'yxatga oldik (2-pacm).

O'rganilgan hududlarda keying tadqiqotlarimizda davom ettirishni maqsad qilganimiz.



3-pacm. G'oz tosh uyumlari

РАСКОПКИ НА ГОРОДИЩЕ КАРШОВУЛТЕПА В ЧИНАЗСКОМ РАЙОНЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ В 2022 Г.

Шейко К.А., Иванов Г.П., Ильясов Дж.Я.

В июне-июле 2022 г. археологическим отрядом Международного караван-сарая культуры имени Икуо Хираямы были продолжены археологические раскопки на городище Каршовултепа (Каршаултепа), начатые в 2010 году. Памятник расположен к юго-западу от Ташкента, в поселке Дустлик Чиназского района Ташкентской области, на правой надпойменной террасе реки Чирчик, его координаты $40^{\circ}58'24.03''N$, $68^{\circ}54'31.64''E$ (рис. 1).

Работы были сосредоточены на четырех участках: Р-3 (т.н. платформа); Р-4 – раскоп в южной части городища; Р-8 – раскоп, расположенный на самом высоком участке в центральной части городища; Р-9 – новый раскоп, направленный на изучение южного участка фортификации городища (рис. 1).




Рис. 1. Каршовултепа-2022. План и расположение раскопов

Раскоп 3, предназначенный для изучения платформы и участка, на котором она построена, в настоящее время является стратиграфическим раскопом, который позволит, путем послойного вскрытия, изучить все этапы жизни Каршовултепа. Здесь продолжено выяснение планировки II строительного горизонта. Как удалось выяснить в предыдущие годы, помещения этого горизонта, в том числе и «тронный

зал», были частично срублены при строительстве монументальной платформы, а частично скрыты под ней. Для того, чтобы продолжить изучение застройки II строительного горизонта, нам пришлось в этом году удалить часть платформы на площади 5×5 м и на глубину 2 м к северу от «тронного зала» (пом. 1). В этом шурфе, точнее, котловане, были выявлены углы четырех помещений, примыкавших к нему и к пом. 2 с севера. Стены помещений II строительного горизонта были ровно и аккуратно срублены при строительстве платформы. При этом помещения были забутованы под один уровень с верхней плоскостью срубленных стен, чтобы образовалась ровная площадка, на которую укладывали либо пахсу, либо кирпичную кладку платформы. Работы 2022 г. дали новые данные о планировке здания II строительного горизонта, о нерядовом характере которого недвусмысленно свидетельствует наличие миниатюрного «тронного зала».

Раскоп 4 (Р-4). В связи с тем, что одной из основных целей нашей работы является выяснение стратиграфии городища Каршовултепа, участок раскопа 4 был выбран для этих целей. Раскопки были продолжены в южной его части по всей ширине раскопа на ширину 7-8 м от края обрыва. Весь участок был выровнен по уровню -500 см от нулевого репера, после чего была произведена послойная расчистка слоев до уровня -690 см. До уровня -595 см наблюдались прослойки с большим количеством пепла и золы, аналогичные тем, что вскрывались нами под верхними постройками в прошлом году. Промежуток между прослойками 5-10 см. На глубине -530 см и -650 см были обнаружены следы легких построек. Нами расчищены остатки обкладки нижней части построек из обломков сырцового кирпича (рис. 2).



Рис. 2. Остатки жилища на уровне -650 см

Судя по сохранившимся остаткам, жилища в плане были вытянутой овальной формы, шириной не менее 2,5 м. Сооружались они, скорее всего, из жердей и камыша. Юрты, обычно, имеют круглую форму. С глубины -595 см в восточной части раскопа обнаружены верхние части трех капитальных сырцовых стен

толщиной 80 см и следы от верхней части такой же стены, вытянутой с востока на запад под полом на уровне -640 см. Это говорит о том, что до периода, когда на поселении жили в легких постройках и шло интенсивное накопление зольных прослоек (период после тюркского завоевания?), был этап, во время которого в городке были, как и на последнем этапе его жизни, капитальные постройки. Подобная картина наблюдалась также и на раскопе Р-7 (ворота) в северной части памятника.

Раскоп 8 (Р-8). Основной задачей в 2022 году и на последующие годы является расширение раскопа Р-8 в восточную, западную и южную стороны. К востоку по рельефу просматривается какая-то стена, идущая в южную сторону. Было бы интересно проследить, как она связана с нашим раскопом и какого рода пространство она огораживает. Расширение в западном направлении позволит соединиться с раскопом Р-3. Это позволит получить важные данные, необходимые для планиграфического изучения Каршовултепа. В ходе работ еще раз подтверждено, что квадраты ОО-109 и частично 108, NN-108,109 и частично 107, ММ-107,108,109 не имели архитектурной застройки, а на данной территории (двор) накапливались зольные мусорные отложения. На последнем этапе жизни на городище, когда уже функционировало помещение 1, этот участок был перекрыт мощной глиняной промазкой, которая была зафиксирована на отметке -1.65 м от нулевого репера. Работы на Р-8 дают наибольшее количество монетных находок, а также керамики и других артефактов, интересных с точки зрения изучения и понимания материальной, экономической и культурной жизни жителей городка. Расширение этого раскопа позволит лучше понять структуру жилых кварталов города, его планировку и особенности застройки.

Раскоп 9 (Р-9). Основной задачей на данном участке является изучение фортификации города. В связи с этим был расширен северный участок раскопа и проводилась послойная расчистка полов на южном участке. В результате удалось установить, что восточный отрезок южной оборонительной стены города, скорее всего, примыкал к восточной стене цитадели(?). Этот момент еще предстоит уточнить. С внутренней стороны этот участок города капитально перестраивался, как минимум, трижды. На одном из этапов, на уровне пола на глубине -575 см от нулевого репера, в восточной оборонительной стене имелся проход шириной 90 см, выводивший на уровень пахсового заклада, сделанного в углу между южной стеной городища и восточной стеной цитадели(?). Ни на одном из участков раскопа мы пока не достигли материка. Следовательно, полные данные об этапах строительства фортификационных сооружений на этом участке могут быть получены при дальнейших исследованиях.

КИМИРЕК-КУМ 1: НОВЫЙ ПРОИЗВОДСТВЕННЫЙ ЦЕНТР ЭПОХИ ФИНАЛЬНОЙ БРОНЗЫ/РАННЕГО ЖЕЛЕЗА В ДЕЛЬТЕ ДРЕВНЕГО ЗАРАФШАНА

Штарк С., Рауз Л., Мирзаахмедов Дж., Мирзаахмедов С, Сильвия З., Хантер С., Рахманов Х., Бехтер А., Баяни Н.

1. Географическая и экологическая обстановка

Поселение Кимирек-кум 1 (далее КК1) расположено в 55 км к северо-западу от Бухары и в 23 км от современной западной границы орошаемой территории Бухарского оазиса (рис. 1). Участок расположен между двумя крупными, ныне пересохшими, извилистыми протоками шириной около 30-40 м, которые берут начало из рукава Зарафшана, известного как Рамитан-руд (Zink et al. 2017; Rante and Mirzaakhmedov 2019).




Рис. 1. Бухарский оазис и поселение Кимирек-кум 1.

